

ГУЛШОДА ЎРАЗАЛИЕВА

**ГЕНДЕР ВА АЁЛЛАР
ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ**

Тошкент – 2009

Ушбу монографияда ижтимоий-фалсафий фанларнинг ҳозирги даврдаги энг долзарб масалалардан бири бўлган гендер муносабатлари ва аёллар ҳуқуқий маданияти муаммоларининг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил этилади.

Гендер тенглиги ғоясининг вужудга келишидаги ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар, гендер назариясининг моҳияти, аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив мавжуд статистик ва бой эмпирик материаллар асосида ёритилган.

Рисола материаллари хотин-қизлар қўмиталари, ўз-ўзини бошқариш органлари ва нодавлат, нотижорат, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда таълим даргоҳлари маънавий-тарбиявий ишларини олиб боришда назарий ва амалий аҳамиятга эга. Шунингдек, мазкур монография ижтимоий фанлар ўқитувчилари, аспирантлари, магистрантлари, ҳамда талабалари учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

**Такризчилар: социология фанлари доктори Абдусалом Умаров
сиёсатшунослик фанлари доктори Ётибор Сиддиқова**

Муҳаррир: тарих фанлари доктори, профессор Равшан Сангиров

**Отам Абдурасул ўғли Бекпўлатнинг
ёрқин хотирасига бағишлайман
Муқаддима**

Ўзбекистон истиқлол туфайли бозор муносабатларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қуришга интилоқда. Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, “Асосий қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилганини яна бир марта таъкидлаб ўтиш ўринли... Айнан ана шу қатъий талабни нафақат қонунларимиз ва ҳуқуқий меъёрларимизда белгилаб бериш, балки бу устувор принципларни ҳаётимизга татбиқ қилиш ўта муҳим аҳамиятга эгадир”.¹

Ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири аҳолининг юксак ҳуқуқий маданияти ҳисобланади. Мамлакатимизнинг эндиги тараққиёти жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтиришни долзарб вазифа қилиб қўяр экан, шу ўринда аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади, зеро улар аҳолининг 51 фоизини ташкил этадилар.

Агар инсоният тарихига назар ташласак, аёллар эркакларга нисбатан камситилган, жамиятни бошқариш ишларидан четлатилган даврларни ифодаловчи илмий манбаларга дуч келамиз. Минг йиллар давомида аёллар фарзанд кўриб, уларни парваришлаб-тарбиялаш, оила хўжалигини юритиш билан чекланганлиги маълум.

XX асрда аёлларни мана шундай қарашлардан озод қилувчи, оиладаги оналик, рафиқалик масъулиятидан воз кечмаган ҳолда жамиятда эркаклар билан тенг меҳнат қилиш, меҳнатига яраша ҳақ олиш, дам олиш, соғлиқни сақлаш, таълим олиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларга эга бўлиш

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – //Халқ сўзи, 2005 йил 8 декабрь.

имкониятини яратди. Аёлларнинг бундай ҳуқуқларга эга бўлишини БМТда ишлаб чиқилган халқаро ҳуқуқ - “Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси” (1948) ҳамда “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция (1979) афолатлади. Бу ҳужжатлар хотин-қизларга нисбатан ҳар қандай чеклашларни тугатиб, уларнинг оилавий ҳолатидан қатъи назар, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида: сиёсат, иқтисод, маданият ва фуқароликда хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлашга чақиради. У давлатларни хотин-қизларнинг камситилишларига қарши миллий қонунчилик чораларини ҳамда оила ва жамиятда эркаклар ва аёллар ўртасида тенгликни тезлик билан ўрнатишга, уларнинг ҳуқуқлари камситилишини сақлаб қолишга имкон берувчи ижтимоий ва маданий моделларини ўзгартириш чораларини кўришни тавсия этади². Шунингдек, оилавий ҳаётда эркак ва аёллар учун бир хил ҳуқуқ ва бурчларни ўрнатиш лозимлиги кўрсатилган. “Балоғатга етган эркак ва аёллар ирқи, миллати ёки динидан қатъи назар бирон-бир чеклашсиз никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқига эгадирлар. Улар никоҳдан ўтаётганда ҳам, никоҳда бўлган вақтида ҳам ва никоҳ бекор қилинганда ҳам бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар” (26-модда) деб таъкидланган³.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси қаторида МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, бу халқаро ҳужжатларни эътироф этди ва ўз зиммасига хотин-қизларга нисбатан камситиш сиёсатини ўтказмаслик мажбуриятини олди ҳамда шу мақсадда хотин-қизлар манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини белгиловчи тегишли қонунларини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эркаклар ва аёлларнинг тенглиги (46-модда)⁴, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, эркин ва тенг

² Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция. Т.: БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 1998. 1–3 бетлар.

³ Международный билль о правах человека. ООН, Нью-Йорк: 1995. - С. - 39.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон. 1992. –17 б.

ҳуқуқли никоҳ тузиш (63-модда), фарзандларни вояга етказиш ва тарбиялаш учун ота-оналарнинг масъуллиги (64-модда) қоидалари белгиланган⁵.

Республикада хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш, уларнинг эркинлиги, ҳуқуқи, манфаатлари ва соғлигини муҳофаза қилиш мамлакат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан жой олган. “Зеро, умуммиллий сиёсатнинг маъноси –хотин-қизларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатини умумжамият ишига айлантириш демакдир”.⁶

Республика Президентининг 1995 йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 1998 йилнинг “Оила йили”, 1999 йилнинг “Аёллар йили” деб эълон қилиниши, 1999 йил 17 мартдаги “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида”ги Қарори, Олий Мажлиснинг “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги Қонуни, 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон, 2004 йил 30 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори бу сиёсатнинг долзарблигини белгилаб беради. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон. 1992. -20-21 бетлар

⁶ Иномова С.Т. Эъзозли аёл иқболи. Т.: Ўқитувчи. - 2005. 8 б.

фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги Фармони (1997 йил, июнь), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда бўлиб ўтган тўққизинчи сессиясида “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”нинг қабул қилиниши ҳам халқ оммасининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий таълим-тарбия ҳамда тарғиботни амалга оширишнинг вазифалари, бош йўналиши ва тамойилларининг яққол ифодасидир.

Ушбу мавзунинг долзарблигини яна қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин: *биринчидан*, гендер ғоясига кўра дунёда аёл муаммоси – инсон муаммоси, инсон ҳуқуқи – аёл ҳуқуқи деб эътироф этилаётган даврда гендер муносабатларини аёллар ҳуқуқий маданиятига таъсирини тадқиқ этиш эҳтиёжи мавжуд; *иккинчидан*, аҳолининг турли қатламларида, уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳуқуқий онгни шакллантириш, ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш, айниқса, аёлларни юксак ҳуқуқий маданиятга қилиб тарбиялаш давримизнинг долзарб масаласидир, зеро аёллар келажакни яратувчилардир. *Учинчидан*, жамиятимиздаги хотин-қизларнинг аксарияти кўпгина объектив сабабларга кўра ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўла тушуниб етмаганлари боис, уларни ҳуқуқий саводхон ҳисоблаб бўлмайди. Бундай ҳолат жамиятнинг барқарор тараққиётига жиддий тўсиқдир. Зеро, аҳолиси чин маънода етарли ҳуқуқий маданиятга эга бўлган мамлакатдагина ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий ривожланишга эришиш мумкин. Ҳуқуқий маданият илғор жамият қуришнинг зарурий омилидир. *Тўртинчидан*, аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга тўсиқ бўлувчи турли салбий урф-одатлар, диний тақиқлар сақланиб қолаётганлигидир. *Бешинчидан*, аёллар репродуктив вазифани бажарганликлари учун, уларнинг ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш оиладаги мавқеига, аёллар ҳуқуқининг тан олинishiга, оилавий муносабатлар маданиятининг даражасига, билимига, касб маҳоратига, иқтисодий мустақиллигига боғлиқ эканлигини кўрсатиб бериш эҳтиёжининг мавжудлиги. *Олтинчидан*, аёллар

ҳуқуқий маданиятининг шаклланиши аёллар ҳақидаги эркакларнинг тасаввурлари, қарашларига ҳамда уларни ўзлари билан тенг инсон деб билишларига боғлиқлигини таҳлил этиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон мустақиликка эришгандан бошлаб, сиёсатнинг бош йўналиши инсон, унинг манфаатини ҳимоя қилишга бағишланди, шу мақсадда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласига жиддий эътибор берилди. Бу ўринда юқорида тилга олинган ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш билан бир қаторда, уларни амалиётга татбиқ этишни таъминлаш мақсадида мамлакатда турли ҳуқуқий институтлар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасидаги инсон ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги маълумот тўплаш ва ҳуқуқи камситилган инсонларга ёрдам бериш учун Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис Вакили – Омбудсман, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази, Олий Мажлис қошидаги қонунчилик мониторинги институти, Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институти қошидаги “Инсон ва инсонпарварлик ҳуқуқларини ўрганиш Маркази” шулар жумласидандир. Ушбу ҳужжатлар ва ҳуқуқий институтларда аҳоли барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий билимлари ҳамда уларни кундалик ҳаётда қўллаш олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизими яратилган.

Биринчи боб. Гендер муносабатлари умуминсоний маданиятлар тизимида

Гендер тенглиги ғоясининг вужудга келишидаги ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар

Аёллар масаласи жамият, ижтимоий муносабатлар, миллатлар, давлатлар, маданият ва цивилизациялар билан узвий алоқада. Бу масаланинг юзага келиши, ривожланиши ижтимоий-тарихий жараёнларнинг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиши билан ҳам боғлиқдир.

Олимлар аёллар масаласини жамият тараққиёти билан боғлиқ равишда таҳлил қилиш натижасида кишиларнинг ижтимоий бирлиги, жамият бўлиб яшаши учун зарур бўлган оила, урф-одат, маданият, халқаро ва цивилизациялараро муносабатлар, дин, меҳнат ва жамоат ташкилотларига уюштириш катта аҳамият касб этишини илмий ифодалаганлар. Гендер ғоясигача ўтиш эволюцияси мобайнида қуйидаги ижтимоий-тарихий босқичлар босиб ўтилди. Мазкур босқичлар тўрт таснифий хусусиятларга эга бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Диний конфессионал тақиқ тизими амал қилган. Тарихий манбалар айнан аёлни инсоният маданиятининг асосчиси деб аташади. Ҳақиқатан ҳам меҳнатнинг ибтидоий жамоа тузумида тақсимланишига қараб эркеклар ов қилувчилар, аёллар эса ҳосил йиғувчилар вазифасини бажарганлар. Фақат аёлгина ердан тўйимли ўсимлик илдизларини, инлардан майда жониворларни, ҳашоратлар личинкасини қазиб олиш билан машғул бўлган.

Ривоятларда оловни кашф этганлар эркеклар тимсолида учрайди. Аёллар оловнинг хусусиятларини ўрганиш, уни турмушда қўллаш, урни иситиш, овқат тайёрлаш каби заруратларни бажарганлари ҳақида ҳикоя қилинади. Кийим-кечак ва оёқ кийимларини ҳам аёллар кашф этишган⁷.

Она уруғи даврида аёлларнинг мавқеи юқори бўлган. Аёл асосий ишлаб

⁷ Қаранг: Холматова М. Жамиятда аёлларнинг ўрни (тарихий-фалсафий таҳлил). /Экология ва аёл. Фарғона. 2001. 109-110 бетлар.

чиқарувчи куч, рўзғорни муҳофаза қилувчи, бола тарбиялаб, авлоднинг кўпайишини таъминловчи зот ҳисобланган. Бу эса унга уруғ, қабила ҳаётида етакчилик қилиш имконини берган. Уруғ-аймоқчилик даври маъбудалари аёллар тимсолида тасвирланган, қабилани бошқариш, айбдорларни жазолаш, ҳатто бошқа қабилалар устига кўшин тортиш ҳам аёллар ихтиёрида бўлган. Ижтимоий ҳукуқий нуқтаи назардан бу даврни илмий адабиётларда “аёл ҳукуқи”⁸ ҳукмрон бўлган давр деб аташади. Л. Морган, Ф. Энгельс, Г. Плоссъ, Э. Тейлор асарларида она уруғи даври (матриархат)да ижтимоий-ҳукуқий ва сиёсий масалалар аёллар кўлида бўлганига кўплаб мисоллар келтирилади. Бироқ ота уруғи (патриархат) даврига ўтилиши билан ижтимоий-ҳукуқий мувозанат аёлдан эркак томонга оғади ва эркак асосий ишлаб чиқарувчи кучга, давлатни бошқарувчига айланади. Ижтимоий-тарихий тараққиётнинг кейинги босқичлари аёлни эркакка қарам қилиш, унинг психологик, ҳўжалик юритиш ва бола кўришга бўлган эҳтиёжларини қондириш йўлидан борди.

Бу ижтимоий-ҳукуқий мутелик аёл билан эркакнинг мулкка эгалик ҳукуқининг турлича тақсимланганида, аёлнинг турмуш қуриш, ажралиш ҳукуқлари тан олинмаганлигида, суд ишларида қатнашиши чекланганлигида ва бошқаларда намоён бўлди⁹.

Аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги масаласи қадим замонлардан буён қизғин баҳсларга сабаб бўлиб келган. Милоддан 400 йиллар аввал яшаган софист Антифонт ўз асарларида барча одамларнинг табиат томонидан тенг қилиб яратилганлиги ҳақидаги ғояни биринчилардан бўлиб илгари сурган. Унинг фикрича, табиат барчани: аёлни ҳам, эркакни ҳам тенг қилиб яратади, лекин инсонлар ўзларини тенгсиз ҳолатга солувчи қонунлар одамларнинг ўзаро келишуви натижасидир¹⁰.

Табиий ҳуқуқлар тенглиги ва барча одамларнинг эркинлиги ҳақидаги

⁸ Бебель А. Социализм и женщина. М.: Госполитиздат. 1959. -С.49.

⁹ Қаранг.: Эгамбердиева Т. Аёл ва давр. Т.: Мехнат. 1994. – 6-7 бетлар.

¹⁰ Антология мировой философии. М., 1969. Т.1. -с. 322

ғояни софизм оқимининг бошқа намоёндаларида ҳам учратамиз. Жумладан, Ликофроннинг фикрича, фақат қонунларгина шахсий ҳуқуқларнинг кафолати бўлиши мумкин¹¹.

Шундай қилиб, аёл ва эркак тенг ҳуқуқлилиги муаммоси доимо хур фикрли инсонлар диққат марказида бўлган. Бироқ айнан аёлнинг эркак билан тенг ҳуқуқли эканлигини эътироф этган мутафаккир қадимги юнон файласуф олими Пифагор эди. У одамларнинг турмуши ислоҳ қилиниши ҳамда фалсафанинг ҳуқуқ ва эркинлик тўғрисидаги хулосаларига мувофиқлаштирилиши кераклиги ҳақидаги тасаввурларни ривожлантирган. Ушбу нуқтаи назардан у ўзининг фалсафий қарашларида аёл ва эркакнинг тенг қилиб яратилиши ҳақидаги фикрни илгари суради. Пифагорнинг маслақдошлари эса бу ғояни давом эттирганлар. Улар инсон ҳаёти адолат ва маълум чегара, яъни ўз ўрнини билиш ва ҳис қилиш асосида қурилиши лозимлигини таъкидлайди¹².

Ушбу мазмундаги ғояни яна бир юнон мутафаккири Сукрот қонунларнинг объектив ахлоқий табиати тўғрисидаги фалсафий таълимотида ривожлантирган. Жумладан, у ҳам инсонларнинг табиий ҳуқуқлари тенглигини эътироф этар экан, полиснинг мантиқан тўғри ва адолатли қонунларгагина бўйсунishi лозимлигини ва фақат шундай ҳолатдагина инсон эркинлигини таъминлаш мумкинлиги ғоясини илгари суради¹³.

Шахс эркинлиги ва озодлиги, инсон ва фуқаро ҳуқуқи ҳақидаги илғор ғояларни илгари сурганига қарамай, қонунга итаоткор ва ахлоқий иш юритган Сукрот ўлим жазосига маҳкум этилган. У агар менга худолар шуни раво кўришган экан, демак мен шунга лойиқ эканман, деган фикрни билдиради¹⁴.

¹¹ Нерсесянц. История идей правовой государственности. М.: 1993. с.5

¹² Николаев Н. "Кто такой Пифагор?" Универсальная энциклопедия. Д.Д. Т.2, с. 422-423

¹³ Қаранг.: Кессиди Ф. Сократ. М.: 1988. с.181

¹⁴ Ўша жойда.

Сукрот издошларидан бири бўлган Платон унинг рационалистик (ақлга асосланган) ғояларини ривожлантиради. У Сукрот ва Пифагор таълимотининг инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги борасидаги ғояларини давом эттириб, “Идеал давлат” асарида атрофлича талқин этади. Ўз асарида Платон идеал давлатда аёлнинг ўрнига нисбатан қарашлари унинг биологик ва маданий, хусусийлик ва оммавийлик ўртасидаги ўзаро боғланишларни аниқлаштиради. У аёллар ва эркаклар ўртасидаги ўзаро тенг ҳуқуқлилиқни эътироф этиб, инсонинг қандай ижтимоий фойдали меҳнатни бажаришига қодирлигига қараб жинслар ўртасидаги биологик тафовутларни номухим тафовутлар деб изоҳлайди. Аёлнинг репродуктив ҳолати уларни фақат уй-рўзғор ишлари билан чегараланиб, ижтимоий вазифалардан четлатилишига асос бўла олмайди, деб уқтиради.

Шу боис биз Платонни жинслар тенглигининг илк ҳимоячиси деб айтишимиз мумкин. У йигит ва қизларнинг таълим олиши, эркин касб танлаши, ўз қобилиятига яраша ижтимоий мавқени эгаллаши каби тенг имкониятларни қўллаб-қувватлаган. Аммо юқоридаги фикрлар Платонни феминизм тарафдори бўлган деб қарашга асос бўла олмайди. У аёллар ва эркакларга тенг ҳуқуқлар беради, лекин бу унинг аёллар шуғулланиб келган анъанавий фаолият соҳасини назардан соқит қилиши эвазига юз беради¹⁵.

Қадимда турли минтақаларда аёлнинг ижтимоий аҳволи, оила ва жамиятдаги ўрни ҳар хил бўлган. Тарихий манбаларда ифодаланишича, ҳар доим ҳам аёлга инсон сифатида қаралмаган. Ер юзида аёлга адолат билан қарайдиган жамият бўлмаган ҳали дейиш мумкин.

Асрлар давомида аёлларга нисбатан ижтимоий ва маънавий камситишлар уларнинг ижтимоий фаоллигини янада сусайишига олиб келди. Баъзи аёллар аста-секинлик билан бу ҳолатни табиий деб тан олиб, ушбу турмуш тарзига кўника бошласалар, бошқалари эса бундай камситишларга турли йўллар билан қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилишган. Уй

¹⁵ Қаранг.: Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. - Т.: 2002, 106-108 бетлар.

йомушлари, рўзгор ташвишлари, оила бошлиғига, ота ёки эрга сўзсиз итоат қилиш, тинимсиз ҳақоратларга, хўрликларга чидаш— аёлларнинг ички дунёси ва руҳиятида кўрқув ва қуллик, итоаткорлик пайдо бўлишига олиб келди.

Шундай бўлса-да, бирон динда аёлларнинг ижтимоий ҳаётда эркаклар билан тенг эканлигини (уларнинг худо олдидаги тенглиги бундан мутасно), уларни давлат, черков ва диний идоралар ишида тенг қатнашиши мумкинлигини эътироф этувчи манба учрамайди. “Теологияга оид адабиётлар эса эркакларнинг аёлларга нисбатан антифеминистик қарашларини асослашдан иборат. Хуш номусли яҳудий ҳам, жазаваги ҳинду ҳам, мағрур мусулмон ҳам аёл қилиб эмас, эркак қилиб яратилгани учун ўз худоларига шукроналар айтадилар”.¹⁶

Қадимги Ҳиндистонда аёл турмуш қуриш, мерос ва бошқа ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмасди. У нопок тамойилга, заиф феодалга, ёмон ахлоққа эга деб ҳисобланиб, Ману III қонуни уни болалигида отасига, ёшлигида эрига, эрининг вафотидан сўнг ўғлига ёки эрининг қариндошларидан бир эркакка қарам бўлмоққа мажбур этарди. Ҳатто баъзи жойларда эри ўлгач, аёлга яшаш тақиқланарди. Марҳум эри билан уни тириклайин ёқиб юбориш анъанаси ҳам пайдо бўлди¹⁷.

Ўлмаётган қолган бевалар эса аянчли аҳволда яшар эди. Ҳиндуизм ақидасига кўра, бева мотам кийимида юриши керак. Уларнинг бир кунда бир марта овқатланиши, сочлари устарада қирилиши мажбур эди, бевалар байрам ва тўйларда кўринмаслиги лозим бўлиб, бирон-бир эркак унга уйланмас, башарти уйланса, у аввало ўз тоифасидан чиқарилар ва ҳайдаларди.¹⁸

Ҳиндларнинг муқаддас китоби - “Веда”да аёл момақалдирокдан, ўлимдан, заҳардан ва илондан ҳам ёмонроқ жонзот сифатида тасвирланади.

¹⁶ Қаранг: Усачева Н. Женина:её статус, судьба и образ в мировой культуре.—Алматы. Гылым. 1994.—С. 149.

¹⁷ Қаранг.: An-Haim. Women and Islam. Oxford.1997. L. 7, p.31

¹⁸ Ганди Мохандас Карамчанд. Т.: Фан. 1972. —61 б.

Буддизмнинг айрим йўналишларида аёллар образлари муҳим ўрин эгаллайди. Буддизмнинг асосий йўналиши бўлмиш –махаянада аёл яхши, фаровон ҳаёт ичида кўрсатилган бўлишига қарамай, муқаддас ёзувларда аёлларнинг зиддиятли тасвирланиши натижасида эркакларнинг аёлларга нисбатан икки хил муносабати акс этирилган. Бир томондан аёл доно, мулойим, меҳрибон қилиб кўрсатилса, бошқа томондан эса у кишини йўлдан оздирувчи, бузғунчи мавжудот сифатида таърифланади¹⁹. Буддавийлик асосчиси Будда авваллари аёлни динга қабул қилмаган.

Будда бир гал Анандага шундай деди: Аёлни бу динга қабул қилмаганимизда, буддачилик (буддизм) соф ҳолда узок асрлар давом этарди. Энди орамизга аёл киргач, бу дин узок яшайди, деб айта олмайман, деган²⁰.

Христианликда эса, асосан, V асргача, аёлга нисбатан паст назар билан қаралган, унда аёл эркакни йўлдан урувчи иблисга яқин мавжудот сифатида талқин қилинган²¹. Рим жамиятида нимаики кўнгилсизликлар, тартибсизликлар ҳукм сурса, унинг сабабини аёлдан қидирдилар. Улар тинимсиз аёллар ҳақида баҳслашар ва ўзларининг номақбул таърифларини бериб, ўз сўзларини маъқуллашар эди. Жумладан, қирол ва поплар “Аёл-ифлос”, дея баҳо бердилар. “Унинг гўзаллигидан эҳтиёт бўлиш лозим. Зеро, у фитна ва ғурур учун иблиснинг қуролидир”, дея хитоб қилдилар. Уларга қўшимча тарзда айримлари аёл тўғрисида, у инсон нафсига шайтонни киритган, аёл эркакни Аллоҳ тақиқлаган дарахтга яқинлаштирган. Аллоҳнинг қонунларини бузган, эркакни чиркинлаштирган”, - деган фикрни билдирганлар. “Унинг гуноҳкор экани муқаррар, муҳаққакдир. Аёл қизиқарли офатдир. Уй ва оила учун таҳликадир. Ғаддор бир севгили, сирли, номаълум давомли мусибатдир” деган хулоса

¹⁹ Қаранг: Paul D. Women in Buddhism: images of the feminine in the Mahayana tradition. Berkley. 1985, p.19

²⁰ Ганди Мохандас Карамчанд. Т.: Фан. 1972. –61 б.

²¹ Гуревич А.Я. Культура и общество средневековой Европы глазами современников. - М.: Искусство, 1989-с.241.

билдирган²². Хавворий Павел ўзининг коринфликларга Биринчи йўлланмасида Цицерон “ аёллар бўлмаганда, эркаклар худо бўлар эди” деганини, Котон, “ агар ҳаётда аёллар бўлмаганида, биз худолар билан мулоқотда бўлар эдик”, деганини айтиб, ўша даврнинг аёлларга бўлган муносабатини ифодалайди.

Ўша даврда христианликда (милодий V асрда) куйидаги масалани музокара этиш учун бир анжуман ўтказдилар. “Аёл мавҳум, руҳсиз бир жисми? Ё унда руҳ борми?” Улар шундай қарорга келдилар: “Масиҳнинг онасидан ташқари барча аёллар жаҳаннам азобидан қутулувчи эмаслар”.

Худди шунга яқин анжуман Францияда милодий 586 йилда бўлиб ўтган: “Аёл инсонми ё инсон эмасми?” Натижада шундай қарор қиладилар: “Аёл инсон, лекин у фақат эркакка хизмат этмоқ учун яратилган”.

Англияда эса аёл ҳатто Инжилни ўқиш у ёқда турсин, ҳатто унга қўл теккиза ҳам олмаган. Қирол Генри VII (1509-1547) замонида келибгина, аёллар Инжил ўқий бошладилар.

Бу давргача инглиз қонунида аёллар фуқаро саналмасди. Улар мулк эгаси сифатида ҳақ-ҳуқуқларга эга эмас эдилар. Ҳатто ўз меҳнати билан топган мол-мулкни эркин тасарруф қила олмаганлар²³.

Католик черковида ҳам, протестант черковида ҳам аёлларнинг фаол ҳаракатига қарамай, ҳукмрон мавқени эркаклар эгаллашган. 1997 йилда Римда “Муқаддас конгрегация этикод доктрина”сида, аёлларни муқаддас дин ходими даражасига кўтаришни ман қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўн иккита ҳаворий орасида битта ҳам аёл йўқлиги бу қарорга асос бўлди. 1987 йилни католик черкови томонидан расмий равишда “Она-худо

²² Қаранг.: Плоссь Г. Женщина в естествоведении и народоведении. Антропологические исследования. – Сыктывкар-Киров, Перя-МАО –ГИПП, Вятка. 1995. т.3-С. 282-283.

²³Қаранг.:Сафаева С. Аёллар масаласи: умумижимой ва миллий жиҳатлар.–Т.: Ўзбекистон.2003. -26 б.

йили” (Богоматеръ йили), деб эълон қилинишидан мақсад аёлларга уларнинг анъанавий оналик ва хотинлик бурчларини ёдга солишдан иборат эди.

Жоҳилият даврида, яъни Исломгача Арабистон ярим ороли аҳолиси ўртасида аёлнинг ҳеч қандай ўрни ҳам, кадр-қиммати ҳам йўқ эди. Бу ҳолат фарзанднинг туғилишидан бошланарди. Оилада ўғил бола дунёга келса, севинишар, хурсандчиликлар қилишар, қиз туғилса эса оилада мотамсаролик ҳукм суриб, тезда фарзандни йўқотиш пайига тушишар эди. Аёлнинг эри олдидаги қадри эрининг моличалик эмасди. Жоҳилият замонида араб эркаклари аёл билан бир хонада ўтиришмас, бирга овқатланмасдилар. У даврда араблар уч нарсада: отда, аёлда, уйда хосият йўқ, деб ишонишарди²⁴.

Айниқса, ажрашган аёлнинг турмуши жуда ночор аҳволда бўлган, эри уни қийналсин .деб бошқасига турмушга чиқишига тўсқинлик қилар, тинимсиз ҳақоратлар эди. Шунинг учун идда муддати тугайдиган вақтда уни яна никоҳига олар ва такрор қўярди. Қабул қилинган идда муддати бир йил бўлгани учун, ажрашиш чўзилиб кетарди. Эр бу ҳолни уч бор такрорлай оларди. Эрнинг ўлимидан сўнг эса аёллар бир йил матом тутишарди ва бир йил идда кутишарди.

Чўлдаги бадавийлар жоҳилият даврида бир оз аёлни ҳурматлашар, шаҳардаги маданий ҳаётда эса тамоман акси эди.

Маккага нисбатан Мадинада аёлларнинг аҳволи яхшироқ эди. Бу даврда қурайшлар уй бошқаришда аёлларга баъзи ҳуқуқларни берганлар. Аммо эркаклар ҳеч қандай истисносиз хоҳлаганларича уйлана олардилар.

Қурайш ва Ҳинд каби баъзи қабилаларда қиз болаларни тириклайин кўмиб юбориш одати бор эди. Бу ишни улар қиз бола барибир оилага яхшилик келтирмайди деб ўйлаб амалга оширар эдилар. Кўчманчи араблар айрим яшаб қолган қизларига оғир ишларни қилдирар, тинимсиз ҳақоратлар

²⁴ Грюнебаум Г.Э. Классический ислам. Очерк истории (660-1258). М.: 1986. С.13.

эдилар. Баъзан эса олти ёшларга кирганда, уни ясантириб, "Қариндошларимизникига олиб бораман", деб чўлда аввалдан ҳозирланган чуқурга ташлаб, устидан тупроқ тортиб юборишарди. Баъзи ривоятларда айтилишича, ҳомиладор аёлларни чуқурга тушириб туғдиришар, агар туғилган фарзанд қиз бола бўлса, уни ўша заҳоти чуқурга кўмиб келишарди.

Жоҳилият даврида эркаклар олдида аёлларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди. Турмушга бериш даврида ҳам ота қизининг истагини ҳисобга олмай, ёшига эътибор ҳам қилмасдан, хоҳлаганига турмушга бериб юборарди. Уйланадиган эркакнинг отаси ёки яқин қариндоши қизнинг отасидан уни сўрагани борарди ва бу ишга "хитба" дейиларди. Қиз узатиладиган бўлса, бир маҳр тайинланар, шундан кейин турмуш қуриларди. Арабларда яна бундан бошқа бир талай ботил ва чиркин никоҳ шакллари учрарди²⁵.

Арабларда никоҳ хусусида ёмон ишлардан бири-ўғай оналарига уйланиш одатининг ҳукм суриши эди. Бир араб хотинини қўйса ёки ўзи ўлса, катта ўғли ўғай онасига уйланишга ҳақи бўлган, агар у ўғай онасига уйланмоқчи бўлса, либосини ўша хотин устига ташлар ва шу тариқа маҳр бермасдан, унга уйланиб оларди. Агар ўғил истаса, ўғай онани бошқасига турмушга бериб юборар ва маҳрини ўзи олиши мумкин эди. Ҳатто марҳумнинг ўғли кичик бўлса, у улғайгунча ўғай она ушлаб турилар ва бола улғайгач, масала ҳал этилиши кутиларди. Бу каби хўрликлардан аёл ўз қабиласидан қочиб қутулмаса, бу асоратли вазиятдан қутулиш даргумон эди.

Ислом дини вужудга келиши арафасида дунёда икки катта давлат – Рим ва Эрон бир-бирлари билан рақобатлашар, бошқа халқ ва элатлар устидан ҳукмларини ўтказишар эди. Рим насроний давлат, Эрон эса оташпарастлар юрти эди. Бу давлатларнинг қонунчилиги бузуқ, инсон ҳақ-ҳуқуқлари

²⁵ Азимов А. Ислом ва ҳозирги замон.-Т.:Ўзбекистон.1991,-5 б.

поймол эди, ички низолар оқибатида кучсизланиб қолган эдилар. Арабистон ярим ороли гоҳ у, гоҳ бу давлатнинг қўшинлари билан ҳарбий тўқнашувларга дуч келиб турарди. Ислом динининг вужудга келиши Арабистонда ижтимоий-сиёсий ҳаётни муолажа қилувчи бир дастур сифатида қарши олинди. Ҳаётнинг барча жабҳаларини қамровчи Ислом аёллар ҳақ-ҳуқуқларига ҳам катта эътибор берди²⁶.

Исломда аёлнинг ҳақлари қуйидагича адо этилиши лозим деб кўрсатилган.

1. Аёлларга яхши муомалада бўлиш, уларга нисбатан хушмуомала, ширинсўз, мулойим муносабатда бўлиш, ноҳақлик ва қўполлик қилмасликни тарғиб этди. Бу хусусда Муҳаммад Пайғамбар мўминларнинг энг тўла ишончлиси хуш хулқлисидир. Сизларнинг яхшиларингиз аёлларга, завжаларига яхши муомалада бўлганларингиздир, аёллар хусусида Аллоҳдан кўрқингиз. Зеро, сиз уларни Аллоҳдан омонат ўлароқ олгансиз²⁷, деб таъкидлаганлар.

2. Аёлларни урмаслик. Аёлларга муносабат тўғрисида Қуръони каримда: “Хотинларнинг итоатсизлигидан кўрқсангиз, аввало уларга насиҳат қилингиз, сўнг (бу таъсир қилмаса) уларни ётоқларида тарк этингиз, сўнггра (бу ҳам кор қилмаса,) уларни (мажруҳ бўлмагудек даражада) урингиз. Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши (бошқа) йўл ахтармангизлар, деб қайд қилинган. “Нисо” оятида айтилганидек, итоатсиз аёлни тарбия ва сўнгги чора сифатида қаттиқ оғритмасдан уришга изн берилган. Лекин, маълумотларга кўра Пайғамбарнинг ўзи аёлларини урмаган ва хотин кишини урганларга ҳам қарши турган. “Не бўлди эркакларга, хотинларини қул каби урадилар, ҳолбуки, айна кун сўнгги (тун)да латифлашадилар”, деган ҳадис ҳам бу фикрнинг исботидир²⁸. Айна пайтда, аёлларга ҳам эрларига озор бермаслик амр этилган.

²⁶ Жабборов С. Мусулмон ҳуқуқи ва одат нормалари. Т.: 2001-. 47 б.

²⁷ Қуръони Карим. Т.: Чўлпон. 1992.- 418 б.

²⁸ Қуръони Карим. Т.: Чўлпон, 1992. 57-58 - бетлар.

3. Маълумки, юқорида таъкидланганидек, исломга қадар айрим араб мамлакатларида оилада қиз фарзанд туғилса, фожеа аломати деб қаралган, шу боис, уни тириклайин кўмишган. Бу одат ваҳшийлик ҳисобланмас, аксинча, аёлларни бундай хўрлаш одатга айланган эди. Исломда эса аёл ва болаларни ўлдириш ман этилган. Қуръони Каримда шундай дейилади: “(Эй инсонлар), болаларингизни қашшоқликдан кўрқиб ўлдирмангиз, уларга ҳам, сизларга ҳам Биз ризқ берурмиз. Уларни ўлдириш, шубҳасиз, катта хатодир” (“Ал-Исро”, 31).²⁹ “Ўз болаларини ақлсизлик қилиб, жоҳилона ўлдирган ва Аллоҳга туҳмат қилиб улар учун Оллоҳ ризқ қилиб берган (хайвонлар)ни ҳаромга чиқарганлар, албатта, (ўзларига) зиён қилганлар. (Улар) ҳақиқатдан адашдилар ва тўғри йўлга юрувчи бўлмадилар” (Анъом” 140).³⁰

Ислом ҳукуқида ҳатто уруш вақтида аёл ва болаларни ўлдириш тақиқланган. Пайғамбар: “Кимки иккита қизни вояга етгунча боқса, жаннатга мен билан бирга киради”, деб таъкидлаганлар.

4. Аёлларнинг илм олишлари. Аёл ва эркак мусулмонларга илм ўрганмоқ фарздир. Қуръони Каримда фақатгина аёлларнинг ўзига хос, жисмига мувофиқ келган (масалан, авратларини тўсиш, бола эмизиш, идда муддати, талоқ тўғрисида ва ҳакозо) қолган барча оятлар эркагу аёлга тегишли ҳисобланади. Илм ҳақидаги чақириқлар ҳам шулар жумласидандир. Исломда иймондан кейинги фарз илм олишдир. Бунинг аҳамияти тўғрисида Муҳаммад пайғамбар “илмни Чинга бўлса ҳам бориб, олинглар” деб таъкидлайди.

Исломда илм фикҳ, ҳадис, фароиз, тиб, ҳандаса, тарих, фалакиёт ва бошқа соҳаларга бўлинган. Мусулмонлар Қуръон ва суннатга амал қилган вақтларида уларнинг орасида илмнинг барча соҳаларида дунёга танилган алломалар етишиб чиққан. Бунга ўзимизнинг ватандошларимиз: Ал-

²⁹ Ўша китоб, -192 б.

³⁰ Ўша китоб, -94 б.

Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Улуғбек, Замахшарий ва бошқа кўплаб олимларнинг номларини келтириш мумкин.

Ислом оламида биринчи дарсхоналар, мадраса ва масжидлар очилган. Уни диний ва дунёвий билимлар билан бойитишга муваффақ бўлдилар³¹. Бу диний ва бошқа билимларни таҳсил этишда аёл-эркак ажратилмаган. Чунки Исломда илм олишда аёл-эркак тенгдир. “Илм талаб этмоқ ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздир”, деган ҳадис ҳам фикримизнинг тўғрилигини ифодалайди.

Ислом таълимотича, шубҳасиз, шариатнинг уч амал таянчи бор. Булар: илм, амал, ихлос. Тўрт халифа замонлари ўтиб кетгач, Ислом давлатларида сохта дин пешволари тарафидан аёлларнинг илм олишини тақиқлайдиган уйдирма ҳадислар ҳам юзага келди³². Ҳолбуки, Муҳаммад пайғамбар ва Ҳорун ар-Рашид даврларида аёллар илм таҳсилининг чўққисига бўлганлар.

Кимки “Муслима аёлларнинг илм олишини дин тақиқлаган ёки тақиқлайди” иддаосини илгари сурса, билингизки, у кимса Исломга хиёнат этган”, деган ҳадис ҳам ислом аёлларнинг илм олишини рағбатлантирувчи дин эканлигидан далолатдир.

Ислом динининг таъкидланган ижобий жиҳатлари билан бирга, айрим камситувчи ҳолатлари ҳам мавжуд: аёллар асрлар давомида оила доираси билангина чекландилар, эрта никоҳлилиқ, кўпхотинлиқ, оилада аёлларни доимий равишда тазйиқ остида яшаши кабилар шулар жумласига киради.

Турмуш тарзи тизимида аёллар ҳуқуқларининг камситилиши амал қилган. Ўтмиш замонларда аёлларни камситиш жамият турмуш тарзи учун одатий ҳол бўлиб келган. Бундай ҳолатни баъзи ҳуқуқий одат ва нормалар орқали асослашга ҳаракат қилинган.

Масалан, Месопотамия ва унга яқин ҳудудларда шумер ҳуқуқига кўра, бир аёл эрига: “Сен менинг эрим эмассан” деса, яъни ажрашмоқни истаса,

³¹ Ислам в странах Ближнего и Среднего Востока. - М., 1982. – с. 42.

³² Жабборов С. Мусулмон ҳуқуқи ва одат нормалари. Т.: 2001.- 16 б.

у аёл дарёга ташланиб ўлдирилар эди. Фақат эркак хотинига: “Сен менинг хотиним эмассан” дейдиган бўлса, эркак унга бир миқдор кумуш пул бериши лозим эди. Албатта, бундай адолатсизликлар аёллар маънавий-руҳий ҳолатига кучли таъсир этмай қолмайди. Шунинг учун ҳам аёллар ҳар қандай зўравонлик ва адолатсизликларга сабр-тоқат билан яшашга мажбур бўлганлар³³.

Манбаларда айтилишича, агар бир эркак аёлнинг ҳомиласини туширишга мажбур этиши натижасида у аёл ўлса, ўша эркакнинг қизи ўлимга маҳкум этиларди. Аёлга муқобил эркак эса ўлдирилмайди, аёлга муқобил аёл, ҳур эркакка муқобил ҳур эркак, қулга муқобил қул ўлдириларди. Бу ҳуқуққа кўра, бировнинг жинояти бошқага кўчирилмоқда. Айбдор, жиноятчи эркак ўрнига маъсум бир қиз ўлдирилмоқда.

Қадимги Бобилдаги Ҳаммураппи ва Солон қонунларида аёлнинг мулкка муносабати тилга олинмайди. Солон ўз қонунларини “барча учун тенг қилиб қўйдим”³⁴, деган бўлса-да, аёллар мулкка эгаликда, суд ишларида ва сайловларда қатнашмас эдилар. Бевафо аёлга ўлим жазоси қўлланилган ёки чўрига айлантирилган.

Шумер қонунларида эса фақат баъзи бир қоидалар мукаммалроқ ишланган. Бунга кўра, оиланинг ҳуқуқий жиҳатларида аёл манфаатларини ҳимоя қилувчи баъзи бир моддалар киритилган. Масалан, битта аёл билан турмуш қуриш эътироф этилган ҳолда, баъзи бир вазиятларда бирдан зиёд аёлга уйланишга рухсат этилган.

Онадўлида яшаган хатитларда оилада фарзандлар эрки фақат ота измида бўлган. У истаганини амалга ошириши мумкин эди. Агар хоҳласа болаларини товон ёки бадал ўрнига бошқасига бериб юборарди. Эри ўлса, аёл оиладаги қариндошларига топшириларди. Мавжуд одатга

³³ Плоссъ Г. Женщина. Сыктывкар-Киров, Перя-МАО –ГИПП, Вятка. 1995. т.3-С. 259.

³⁴ Нерсесянц В.С. Философия право.-М.:Норма-инфра.1998.-с.400-401

кўра, агар эри ўлиб, хотини бева қолса, у аёл эрнинг қариндошига турмушга чиқади. Агар у ҳам ўлса, унинг отасига, ота ҳам ўлса, эрнинг бошқа қариндошларига турмушга чиқиш мажбуриятида эди.

Шунингдек, фарзанднинг оламдан ўтган отасидан қолган ўғай онасига уйланиши айб эмас деб ҳисобланган. Шу тариқа бева қолган хотинга эрининг бошқа қариндошлари ҳам уйланишга ҳақли бўлган.

Қадимги Юнонистонда ҳам аёлларнинг аҳволи аянчли эди. Аёлларга бозордаги бир буюмдай муносабат қилинар эди. Улар ҳеч қандай ҳуқуқ ва эркинликларга эга эмас эдилар, лекин аёлларга олдиға қатъий бурчлар қўйилган. Унга кўра, улар бутун умри давомида эркакнинг буйруғига итоат этиш, унинг хоҳлаган истакларини бажаришға мажбур эдилар. Аёл умрбод бир эркакнинг ихтиёрида бўлиб, ҳаёт-мамоти ўша эркакка топшириларди. Ўша эркак истаган аёлиға эр сифатида ўз хоҳишини таклиф этар ва аёлни зўрлаб ўз тасарруфига оларди. Барча мол-мулк эркакнинг ихтиёрида бўлган. Унинг розилигисиз аёл ҳеч бир тасарруф ҳуқуқига эга эмас эди. Ажралиш ишларида эр мутлоқ ҳақ ҳисобланарди. Баъзи бир ҳоллардагина аёл ҳам ажралиш истагини билдира олар эди. Бундай ҳолларда аёл бошиға адолатсиз бўхтонлар ёғиларди.

Спарталиклар эса аёлға баъзи бир маданий ҳақ-ҳуқуқлар бергандилар³⁵. Фақат бу уларнинг аёлларни ҳурмат қилганлари туфайли эмасди. Спарта ҳарбий жой бўлганлиги учун эркаклар давомли уруш, жанг билан машғул бўлардилар. Улар кўп ҳолларда оилада бўлмаганлари учун, мол-мулкни тасарруф этишни беихтиёр аёлларға қолдиришға мажбур эдилар. Шу сабабли спарталиқ аёл Афина ва бошқа Юнон шаҳарларида яшаган аёлларға қараганда эркинроқ эди.

Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ғоялар жуда қадимдан пайдо бўлган бўлса-да, фақат демократия ва юқори маънавият мавжуд бўлган Афина, Рим каби

³⁵ Маткаримова Г. Аёл ҳуқуқлари. Т.: 2001. -24 б.

давлатларда кенг ривожланди. Мазкур давлатларда аёлларнинг мавқеи ҳам бошқа мамлакат аёлларининг мавқеидан фарқ қилар эди. Аёлларни эътиборли, гўзал ва хуштарбия қилиб тарбиялаш, уларни яхши оилага тайёрлаш урфга айланган эди.

Қадимги Юнонистонда савдо - сотиқнинг ривожланиши оқибатида мамлакатга катта маблағ оқиб кела бошлади. Бунинг натижаси ўларок Юнонистонга шарқона дабдаба, ҳашамат кириб кела бошлади. Гетеризмнинг кириб келиши эса оиланинг ва аёлларинг мавқеини бирмунча пасайишига олиб келди. Аслида, юнон қизлари ҳар доим ўз онаси ёнида бўлар, балоғат ёшига етмай эрга берилар ва қолган умрини эрининг уйида фарзанд тарбиясига ва уй- рўзғор юмушларига бағишлар эди. Юнонистон эркаклари эса ўзларининг ақл-заковатлари билан дунёга машҳур эдилар. Улар кўпинча жамоат ишларида қатнашар, ўз билимлари ва салоҳиятларини оширишга интилишар эдилар. Аёллар эса уйга рўзғор ишлари ва юмушларига ўралашиб, ҳеч қандай жамоат ишларида иштирок эта олмасди.

Гетералар³⁶- бадавлат оилаларда созанда, раққоса ёки қўшиқчи сифатида, уларнинг кўнглини ёзиш учун таклиф қилинар эдилар. Улар ўзларининг ақли, донолиги, дилкаш, тана гўзаллиги билан эркакларни жалб қилдилар. Ҳукумат бу ҳолатга аҳамият бермади ва аксинча гетераларга кенг йўл очиб берди. Солон уларнинг фаолиятига махсус солиқ тайинлаган ва йиғилган катта маблағга Афродита ибодотхонасини қурган.

Юнонистон аёлларининг тақдири хавф остида қолди , чунки эркаклар фақат гетералар билан кун ўткизишар, баъзан давлат сиёсатини ҳам улар билан маслаҳатлашган ҳолда иш юритар эдилар. Натижада, гетераларнинг давлат бошқарувидаги мавқеи оша борди.

Рим аёллари эса қабул қилинаётган қонунларга ўзларининг фикрларини билдирганлар, айниқса ўзларига тааллуқли қонунларни ҳимоя қилгалар. Шу

³⁶ Гетера (юн.netaira –ўртоқ, жазман) Қадимги Юнонистонда турмушга чиқмаган, юқори маълумотли эркин ҳаёт кечирувчи аёллар.

тариқа Рим аёллари қимматбаҳо олтин иплар билан безатилган кўйлақлар кийиб, аравачаларда шаҳар бўйлаб сайр қилиш каби алоҳида ҳуқуқларни кўлга киритдилар³⁷. Қадимги Римда аёлларга кўпол муносабатда бўлган эркақлар қонун асосида жазоланар, хотинини ҳайдаб юборган эркақ (хотини уни заҳарлашга уриниши ёки хиёнати бундан мустасно) ўз мулкининг тенг ярмини хотинига бериши лозим топилган.

Рим аёллари эрлари билан бирга овқатланиш, суҳбатлашиб ўтириш, кези келганда эса меҳмонларни эрлари билан биргаликда қабул қилиши мумкин бўлган. Аслзода аёллар ўз кулларига, иш юритувчи ва ҳатто ўз прокурорига ҳам эга бўлганлар. Шу боис улар маданиятнинг кенг тарқалишига ҳам ўзларининг катта ҳиссаларини кўшганлар.

Кўплаб ҳуқуқларни кўлга киритган аёллар секин- асталик билан Рим сиёсатига кириб боришни яхши ўзлаштирадилар. Шу билан бир вақтда эркақ ва аёл ўртасидаги муносабатларнинг четга чиқиши ҳам кузатилади. Масалан, фоҳишабозлик кенг ёйилиб, никоҳсиз яшаётган аёл-эркақлар кўпайиб кетиши каби ҳодисалар аёлнинг жамиятдаги мавқэсини тушуриб юборди.

Натижада, оила инқирозга юз тутди, ажралиш жараёнлари кескин кўпайди. Турмушдан кўзланган мақсад фақат завқ-шавқ олиш ва шаҳват қондириш бўлиб қолди. Фарзанд кўриш мақсади тамоман йўқолди.

Римликларда туғилган бола хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, ота уни оилага қабул қилиш мажбуриятини олганди. Фарзанд туғилгач, у энг аввало отанинг оёқлари остига кўйиларди. Ота уни кучиб, юқорига кўтарса, тан олинган деб ҳисобланган, агар фарзандига эътибор бермаса, чақалоқ оилага қабул қилинмасди. У ҳолда фарзанд кўчаларда ёки “тангри” ҳайкаллари ёнида қолдириларди. Туғилган бола ўғил бўлса, хоҳлаган одам уни фарзанд қилиб олиши мумкин эди. Агар фарзанд қиз бўлса, уни ҳеч ким олмас, кўп ҳолларда чақалоқ очлик ва ташналикдан, иссиқ ва совуқдан нобуд бўлган. Оилада ота мутлоқ ҳоким ҳисобланган, фарзандлар

³⁷ Доктор Г. Плоссь. Женщина. Т.3,с. 337

тақдирини ўз билганича ҳал этган. Қиз боланинг мулкка ҳеч қандай ҳақ-хукуқи бўлмаган.

Рим мутафаккири ва файласуфи Синека Римдаги ажрашиш разолатларини, замонамизда Римдаги ажрашиш ҳодисаси энди айб саналмаяпти, аёл ҳисобсиз марта эркакларга турмушга чиқа олади, деб тасвирлайди. Ўша даврдаги Римда полиандрия ва полигиния жараёнлари сезиларли даражада кучайган³⁸.

Манбаларда айтилишича, милодий 43-104 йилларда яшаган Марсел исмли римлик адиб қисқа муддат ичида ўнта эр алмаштирган бир аёл тўғрисида сўз юритади. Айрим ёзувчилар эса беш йилда 8 марта турмушга чиққан аёл ҳақида ҳикоялар ёзишган.

У даврда никоҳсиз муносабатлар одатий саналган. Аёлларга ҳаё, ибо, аёллик ор-номуси деган туйғулар ёт бўлган. Жинслар ўртасидаги муносабатларда маънавий қашшоқликнинг юз бериши натижасида Рим жамиятида эротизм, аморализм кенг тарқалди.

Бу фаҳш ва разолат шу қадар кучайди-ки, Рим хукмдори Таиброр даврида Рим зодагон оилаларининг аслзода аёлларига оддий аёллар билан яқин алоқаларни ман этувчи қонун чиқди. Шу тариқа ахлоқий ва маънавий таназзул оқибатида Рим империяси барбод бўлишини тезлаштирди. Аёл билан эркак ўртасидаги алоқаларнинг оилавий муносабатлар доирасидан чиқиб, назоратсиз қолиши жамиятни ҳар томонлама инқирозига олиб келди. Маънавий қашшоқ ва ахлоқий нопок жамият эса ҳар жиҳатдан таназзулга учраши муқаррардир.

Қадимги яҳудийларда ҳам аёлларга муносабат юқорида айтилганлардан фарқ қилмас эди. Улар қиз болага қулга қарагандай қарашарди. Отаси уни сотиш ҳукуқига эга бўлган. Отасининг ўғил фарзанди бўлмагандагина қизи мерос олиш ҳукуқига эга бўлиши мумкин эди. Ажралиш ҳукуқига фақат эркак киши эга эди. Яҳудийларнинг

³⁸ Гидденс Э. Социология. -Т.: Шарқ 2002. – 427 б.

фикрича, Момо Ҳаво ҳазрати Одамни йўлдан оздириб, жаннатдан ҳайдалишига сабаб бўлганлиги учун ҳам аёл тавқи лаънатга ҳукм қилинган. Улар аёлга тубанлик манбаи сифатида нафрат билан қарашарди. Хиёнатда айбланган аёлларни эса тошбўрон қилиб ўлдиришган ёки тириклайин ерга кўмишган.

Жумладан, Тавротда аёл ўлимдан аччикдир (ёмондир), аллоҳ наздида яхши киши хотинидан қутулган одамдир, аёллар орасида яхшисини тополмадим, деган фикр билдирилган.³⁹

Эронда, Сосонийлар даврида қиз бола албатта қариндоши билан турмуш қуриши жоиз бўлган.

Хитойда эса аёл инсон саналмас, ҳатто исм қўйилмасди. Аёл 1, 2, 3 деб рақам билан чақириларди. Ўғил болалар мақбул ҳисобланар, қиз болаларга эса жуда паст назар билан қарашарди. Агар хитой оилаларида қиз дунёга келадиган бўлса, бу улар учун фарзанд деб ҳисобланмас эди. Хитойда қизлар худди оддий буюм каби савдо қилиниб, ким ошди савдосида сотилар ва натижада ким кўпроқ ҳақ тўласа, ўша одамнинг измида бўларди. Улар эркаклар билан бирга ўтириб овқатлана олишмас, фақат чурқ этмай уларнинг барча хоҳиш - истакларини бажаришарди. Аёллар турмушга чиққач меросдан маҳрум этилардилар. XX асргача бўлган даврларда Хуанхе ва Янцзи дарёлари шарафига ўтказиладиган байрам маросимлари, айниқса, хитой қизлари учун даҳшатдан бошқа нарса эмас эди. Чунки ҳар йили ушбу дарёларга қурбонлик қилиш мақсадида қизлар ичидан энг гўзаллари танлаб олиниб дарёга чўктирилар эди⁴⁰.

Сиёсий ҳақ-ҳуқуқларининг чекланиши амал қилган. XVII асрга келиб Ғарб мамлакатларида саноатнинг ривожланиши аёллар масаласида янгича қарашни ифодалади. Инсониятнинг табиий ва ажралмас ҳуқуқлари ҳақидаги ғоялар Ж.Ж.Руссо, Ж. Локк, Ш.Л. Монтескье илмий назарияларида ўз

³⁹ Культура древнего Рима. Т.1. – М.: Наука. – С. 140-41.

⁴⁰ Усачева Н. Женщина: ее статус, судьба и образ мировой культуре. – Алматы., Гылым, 1994, с. 137

аксини топди ва 1789 йили қабул қилинган инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз Декларациясида юридик жиҳатдан эътироф этилди. Бу феминизм ғояси эди.

Феминизм - хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиши учун кураши, шунингдек, ижтимоий-сиёсий курашда иштирок этиши маъносини англатади⁴¹.

Ижтимоий-фалсафий адабиётларда феминизм бир қанча босқичларга бўлиб ўрганилади. Жумладан, илк феминизм ХУІІІ асрда вужудга келган бўлиб, ХІХ аср охиригача ўз таъсирини сақлаб қолди. Бу даврда хотин-қизлар барча йирик ҳаракатларда иштирок эта бошладилар. Францияда хотин-қизларнинг тенглик учун курашига бағишланган биринчи журнали чиқди, дастлаб хотин-қизлар революцион клублари пайдо бўлди ва улар сиёсий курашларда фаол қатнашдилар.

Бу даврда асосий ғоя - хотин-қизларнинг оиладаги тутқунлигига қарши қаратилган бўлиб, эндиликда улар сиёсий тенг ҳуқуққа эга бўлишлари лозим, бунинг учун улар маълумот олиши, эркаклар билан баробар ишлашлари, ҳақ олишларини ёқлаб чиқишидан иборат бўлган.

Фақат суфражист аёллар ҳаракатидан кейингина ХХ асрда АҚШ Конституцияси таҳрир қилиниб, аёллар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бу ҳолат феминизм ғоясининг янада кенгроқ миқёсда тарқалишига сабаб бўлди ҳамда янги феминистик оқимнинг вужудга келишига шароит яратди⁴².

Янги феминизм аёллар тенглиги учун кураш ғоясини мерос қилиб, ўзига хос бўлган хусусиятларга ҳам эга. Шартли равишда янги феминистик оқимнинг йўналишларини 3 га бўлиб ўрганиш мумкин. Булардан ташқари, консерватив ғояга эга бўлган - антифеминистик йўналиш ҳам мавжуд.

⁴¹ Қаранг.: Социологический энциклопедический словарь.- М.:Инфра-Норма, 1998.- с. 388

⁴² Брайсон В. Политическая теория феминизма. –М.: Идея-Пресс, 2001. - с. 119

Консерватив йўналиш намоёндалари З.Фрейд назариясига асосланиб, аёлларнинг оила ва оналик вазифасини бажариши лозимлигини мутлоқлаштиради ҳамда аёлларнинг камситилиши ғоясини инкор қилади. Аёлларнинг жамиятда ва оилада юқори мавқеларни эгаллашлари уларни фарзанд кўриш, уларни тарбиялаш эканлигини эътироф этиб, ишлаб чиқаришда қатнашиш уларнинг фаолият доирасига кирмайди, деган ғояни илгари суради.

1. Либерал-реформистик оқим жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар орқали аёллар билан эркекларнинг тенг ҳуқуқлилигига эришиш мумкин, деган нуқтаи назарда бўлишган. Бу оқим намоёндалари⁴³ англиялик олим Мэри Уолтон Крафт, Гарриет Тейлор Милль, Жон Стюарт Милль каби феминист олимлар аёлларнинг тенглиги ҳақидаги назарияларга асосланиб, аёлларнинг эркекларга ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий қарамлигини тўхтатмоқ; аёлларнинг билим олиш, уни доимий такомиллаштириш эркинлигини таъминлаш учун имкониятлар яратиш; аёлларнинг бозор иқтисодиёти шароитида тенг иштирок этувини таъминлаш; бозор шароитларига мослашув жараёнини тезлаштириш; аёллар мавқеини юксалтирувчи қонунлар қабул қилиш каби ғояларни илгари суради.

2. Радикал феминизм. Бу оқим XX асрнинг 60 - йилларида АҚШда вужудга келган бўлиб, айрим ғоялари билан либерал феминизмдан тубдан фарқ қилади. Улар тарғиб этган ғоя асосида аёлларнинг табиий-биологик тузилиши ётади. Радикал феминизм аёллар билан эркеклар тенглиги ғоясини инкор этиб, ҳаётда барча эзилганларни озод қилишни тарғиб этади. Улар қуйидаги ғояларни илгари суради:

- аёллар қадимдан эзилувчи гуруҳни ташкил этади;

- аёлларни эзиш - жаҳонда кенг тарқалган ижтимоий ҳодиса бўлиб, зўровонлик эзишнинг кучли шаклидир.

⁴³ Ўша жойда, с. 57-59

Радикал феминизм нафақат жамият тизимини ўзгартиришни, балки оилани, фарзандлар тарбиясини ҳам ўзгартиришни талаб қилади. Радикал феминистлар тиббиётни, динни, урф-одатларни, ирқчилик, экологияни ҳамда сиёсий назариятни таҳлил қилиб, қандай қилиб эркакларнинг жамиятда устунлик жиҳатларини таъминланиш асосларини илмий жиҳатдан ифодалаб беришга ҳаракат қилади.

Радикал феминизм эркаклар ҳукмронлиги аёлларга зулм ўтказиш манбаи эканлигини исботловчи оқим сифатида машҳур. Аёлларни жинсий зўрлаш, уларни калтаклаш, парнография, жинсий органларини стерилизация қилиш, ҳомилани сунъий йўл билан тушириш, контрацептивлардан фойдаланиш ҳақидаги қонунларни ва бошқаларни назоратга олиш лозимлигини таъкидлайди.

3.Социалистик феминизм аёлларни мустабид ижтимоий тузилмалардан халос этишни тарғиб этувчи ва биологик омилни ҳисобга олмаган ҳолда аёллар мавқеини жамиятдаги ижтимоий воқеалар ҳосиласи сифатида ўрганувчи оқим⁴⁴.

Бу назария совет даврида амалга оширилиши натижасида собиқ Иттифокда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришда иштирок этиши таъминланди ва натижада уйдан ташқарида эркаклар билан баб-баробар ишловчи аёллар қатлами яратилди.

Ўзбекистонда 20-йиллар ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларни озод қилиш муаммолари алоҳида ўрин эгаллаган. Ижтимоий ташкилотлар бу муаммони хотин-қизлар ўртасида саводсизликни тугатиш, уларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш орқали ҳал этишга интилган. Бу тадбирлар аёлларнинг оилада эмас, балки жамиятда эркаклар билан тенг асосда фаол иштирок этишини истайдиган бутунлай янги авлодни тарбиялаш учун хизмат қилган⁴⁵. Хотин-қизлар ҳаракати фаоллари дастлаб гарчанд ишонтириш

⁴⁴ Брайсон В. Политическая теория феминизма. –М.: Идея-Пресс, 2001. - с. 135

⁴⁵ Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 жилд. Т.: Шарқ, 2000. 375-376 бетлар.

усуллари орқали маҳаллий миллат хотин-қизлари ҳаётига кириб борган, улар қисқа муддатли курсларда ўқитилиб, бунда хотин-қизларнинг таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланган. Никоҳ ёши ва қалин ҳақида декрет қабул қилинди. Қизлар 18 ёшга тўлганларидан кейингина, ўз ихтиёрлари билан турмуш қуриши мумкин бўлиб, қалин олиш ман этилган.

Тенг ҳуқуқлилик ҳақидаги бу ишлар хотин-қизларнинг диний эътиқодларини, миллий қадриятларини, маънавиятини, урф-одат ва кўникмаларини аёвсиз кўпориб ташлади, анъанавий турмуш тарзи, маҳаллий урф-одат ва руҳий-психологик ўзига хосликлар ҳисобга олинмади. Ислом омили бутунлай унутилиб, руҳонийлар қатағон қилинди. Бу ҳаракат том маънода совет ҳукуматининг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини амалга ошириш учун жорий қилинганди. Гарчанд аёлларни меҳнат қилишга жалб этилганлиги улар ҳаётида муҳим бурилиш ясаган бўлса-да, бу ҳодиса советлар ўлкасининг табиий бойликларидан самарали фойдаланиш мақсадида арзон ишчи кучига бўлган эҳтиёжни қондирган ва аёллар асосан жисмоний куч талаб қиладиган жабҳаларда меҳнат қилишга жалб қилинган. Натижада аёллар кечаю-кундуз пахта далаларида тинмай меҳнат қилишарди. Шу билан бирга, уй-рўзғор ишларининг оғир юки ҳам уларнинг зиммасида қолаверди. Шунингдек, аёллар бу даврда репродуктив вазифасини ҳам бажаришди. Расмий ҳуқуқ тенглиги билан яширинган имкониятларнинг реал тенгсизлиги ҳам сақлаб қолинди. Бу муаммоларни хотин-қизлар масаласи бу даврда узил-кесил ҳал бўлган деган шиор асосида ҳал этишга ҳаракат қилинди. Табиатдаги экологик вазиятнинг мураккаблашуви, демографик муаммолар, қолаверса, аёлларнинг ўзигагина хос бўлган ижтимоий масалаларнинг биргаликдаги таъсири, бу даврда аёллар ҳолатининг ёмонлашувига: аёллар ўлимининг кўпайиши, чақалоқларнинг носоғлом туғилиши, умрининг қисқариши каби ҳолатларни вужудга келтирди.

Ўтиш даврининг муаммолари хотин-қизларнинг аҳволи ҳамда ижтимоий ролининг тақсимланишидаги эски муаммоларни чуқурлаштирди ва янгиларини келтириб чиқарди. Ижтимоий таъминот тизимининг бузилиши, хотин-қизларнинг сиёсий иштироки даражасининг пасайиши; қишлоқ инфратузилмасининг қолоқлиги, хотин-қизларнинг меҳнатидан, айниқса, қишлоқ жойларида ўта кўп фойдаланилиши; аёлларга қарши зўравонлик, экологик муаммолар, диний урф-одатларнинг тикланиши баҳонасида ақидапарастлик ғояларини аёллар онгига сингдиришга уриниш каби ҳолатлар хотин-қизлар ҳуқуқининг камситилишига йўл очди.

XX аср бошларида Шимолий Америка, Янги Зеландия, Австралия, Финляндия, Норвегия, Швеция, Англия, Германия ва Австрияда либерал қонунлар қабул қилинди, аёллар муниципалитет сайловларида, мактаб, лицей ва госпитал ҳаётида ихтиёрий қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. XX асрнинг ўрталарида эса аёллар сиёсий ҳуқуққа тўла эга бўлдилар, уларнинг сиёсий манфаатлари халқаро битимлар ва БМТнинг махсус бўлимлари орқали ҳимоя қилинадиган бўлди. Шундай бўлса-да, жаҳонда парламентларга сайланганларнинг атиги 14 фоизи хотин-қизлардир.⁴⁶ Вазирлар маҳкамаларида эса улар 1995 йилги маълумотга кўра 6,8 фоизини ташкил этади.⁴⁷ Бизнинг республикамиз давлат бошқариши идораларида аёллар 17,5 фоиз, Олий Мажлисда 9,4 фоиз, юридик муассасаларида 21,6 фоизни ташкил этади.⁴⁸

4. Маърифий чекланишлар тизими амал қилган. Тарихда аёлларнинг билим олиши ўта мураккаб ҳодиса бўлиб, кўп ҳолатларда буни амалга оширишнинг имконияти бўлмаган, фақатгина XX асрнинг бошларидан аёллар жаҳон миқёсида билим олиш имкониятига эга бўлдилар. Гендер муносабатлари нуқтаи назаридан фарзандларни парвариш қилиш, тарбиялаш

⁴⁶ Всемирный доклад о человеческом развитии. 2000. – Нью-Йорк. 2000. – С.87.

⁴⁷ Женщина мира: Тенденции и статистика ООН. – Нью-Йорк. 1995. – С.207.

⁴⁸ Доклад о положении женщин в Республике Узбекистан. – Т.: 1999. – С.19.

ва уларга таълим бериш вазифалари бўйича масала икки хил тарзда кўриб чиқилиши мумкин: биринчидан, қиз ва ўғил болалар тарбияси ҳамда таълими таъсир ўтказиш жараёни орқали; иккинчидан, аёлнинг оиладаги репродуктив функцияси (кўчайтириш ёки сусайтириш) орқали.

Таълим тизимидаги гендер тенглигига оид, “Нэшнл элементарни принцип” журналида 1966 йили чоп этилган мақолада болаларнинг жинси бўйича гуруҳлаштирилган мактаб учун янги ўқув дастури обзори социологларнинг қизгин талқинига сабаб бўлди. Мақолада айтилишича, тажриба учун Виржиниянинг Фейрфакс графлигидаги Уэкфильд бошланғич мактаби танланган. У пайтда ўғил ва қиз болалар амалда алоҳида-алоҳида ўқитилаётган бўлган. Ўғил болалар учун кўпроқ фанларни ўқитиш, қурилиш-бинокорлик ишларига ва амалиётга катта эътибор берилган. Қизлар учун мўлжалланган синфларда эса бичиш-тикиш ва уй-рўзгор ишларини юргизишга алоҳида эътибор қаратилган. Ўқиш учун ўғил ва қиз болаларга бошқа-бошқа матнлар берилган. Шу тариқа мактаб таълимига жинсий фарқлар қандай таъсир этиши ўрганилган. Тадқиқот мактаб таълимида жинсларнинг тенгсизлиги бир қанча натижаларга олиб келишини аниқлади⁴⁹. Масалан, фанларни ўзлаштириш бўйича бошланғич мактабда ва ўрта таълимнинг илк босқичларида қиз болалар ўғил болалардан анча ўзиб кетадилар. Сўнгра қизлар аста-секин орқада қола бошлайдилар ва баъзи бир фанлар соҳасида улар пропорционал тарзда ўғил болалар билан тенг ўқитилмайди.

Табиий фанлар, техник ва тиббиёт каби соҳалардаги ўқув юртларда қизларга қараганда йигитларнинг кўпчиликини ташкил этиши глобал характердадир. Бундай ҳолатлар биз ўтказган социологик тадқиқотларда ҳам қайд этилган. Жумладан, таълим соҳасида тарихий ва маданий мерос юзага келтирган ҳамда оилада қизларни анъанавий тарбиялаш, қиз ва аёл феъл-атворининг шаклланиши ҳамда ижтимоий ҳаётда аёллар ролини англашнинг

⁴⁹ Гидденс Э. Социология. –Т.: Шарқ, 2002. – 483 б.

муайян андозалари билан боғлиқ бир қанча муаммолар мавжуд. Ушбу омиллар қиз ва аёлларнинг билимли бўлишларига ҳамда касб танлашларига таъсир ўтказмасдан қолмайди. Одатдагидек, қизлар ўз ота-онасининг оиласида, сўнгра эса эрининг оиласида тобе бўлиб қолиши сабабли унинг ўқиши тўғрисидаги қарорни ота-онаси ва яқин қариндошлари қабул қиладилар. Ҳатто етук ёшдаги қизлар ва жувонлар ҳам улар танлаган йўлга амал қилишни табиий ҳол деб ҳисоблайдилар. Оилани режалаштириш лойиҳаси доирасида ўтказилган тадқиқот натижалари шуни тасдиқлайдики, аёлларнинг билим олишини танлаш кўпинча ота-она ёки эр томонидан белгиланади ва асосан педагогик ҳамда тиббиёт соҳаси билан чекланади. Респондентларнинг кўпчилиги оила қуриш билан билим (касб) олиш ўртасида қайси бирини танлар эдингиз? - деган саволга оила қуриш биринчи ўринда эканлигини айтишди. Кўп қизлар турмушга чиққандан кейин билим олишни тўхтатишга тўғри келади, деган фикрга қўшилдилар. Иккинчи томондан, маълумотли ва муайян малакага эга бўлган ёш аёллар фарзанд кўриш билан боғлиқ юмушларнинг кўпайиши, тажриба ва малакани йўқотишлари туфайли бозор шароитларида рақобатга ноқобил бўлиб қолмоқдалар.

Аёлларнинг фарзанд кўриш билан боғлиқ катта зўриқишлари ҳам уларнинг таълим даражасига таъсир қилади: Ўзбекистонда энг кўп туғиш 20 ёшли аёллар ҳиссасига тўғри келади. Мажбурий ўрта таълим босқичида қизлар ва аёлларнинг ўқишга жалб этилиши юқори даражада бўлгани ҳолда таълимнинг кейинги босқичларида бу кўрсаткич пасайиб кетади.

Янги мустақил давлатларнинг халқаро ташкилотлар билан ишлай бошлагани, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида тўпланган халқаро тажрибалардан фойдаланиш, минтақа учун янги бўлган гендер тенглиги ғояси ва замонавий концепцияларни олиб кириш ва ривожлантириш имкониятини берди.

Бу ижобий ва салбий вазиятлар хотин-қизлар муаммосига янгича ёндашувни, яъни гендер таълимининг ҳам услуб жиҳатидан, ҳам моҳият жиҳатидан жиддий мослаштирилиши зарурлигини тақозо этади.

Тарихда аёлларга муносабат жарёнини таҳлил қилиб қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Аёллар масаласи кишилик жамияти, ижтимоий муносабатлар, миллатлар ва давлатлар, маданият ва цивилизация билан чамбарчас боғлиқ.
2. Аёллар масаласини таҳлил этганда оила, урф-одат, маданият, дин аёлларнинг меҳнат қилиши, таълим олиши, жамиятни бошқаришда, сиёсий жараёнларда қатнашишини чеклаб келганлигини унутмаслик лозим.
3. Турли минтақаларда аёлларга нисбатан муносабатларнинг турли-туман бўлиши, аёл ҳуқуқларининг ҳам турли тараққиёт босқичларида турлича бўлишига олиб келди. Аёл ҳуқуқлари инсон ҳуқуқи сифатида тан олиниб, халқаро ҳамжамят томонидан алоҳида эътибор талаб қилувчи соҳа даражасига етгунча кўп асрлар давомида курашиб келдилар.
4. Аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги масаласи бугунги кунда инсон муаммоси даражасига қўтарилди. Эндиликда халқаро майдонда жинслар ўртасидаги муносабат маданиятини юксалтирмасдан, аёлларнинг тенглигига эришиш мумкин эмас, деган янги ғоя илгари сурилди. Шундай ғоялардан бири гендер ғоясидир.

Гендер назариясининг моҳияти ва илмий таҳлили

XX аср охиридаги фалсафий ва социологик таҳлиллар жинсийлик табиати, жинслараро муносабатлар ҳамда хотин-қизлар масаласига янгича қарашни ифодалади. Жамоанинг энг долзарб муаммолари - ҳокимият,

зўравонлик, шахснинг ўзини англаши ва озодлиги саноатлашувдан кейинги даврда индивиднинг жинсий мос келиши ва тегишли ижтимоий роллар муаммолари сифатида ойдинлаштирилди. Фалсафанинг асосий масалалари: инсон моҳияти муаммоси, маъноси, мақсади, инсон мавжудлигининг макони ва вақти гендер нуқтаи назаридан кўриб чиқилди. Гендернинг янги концепцияси “хотин - қизлар масаласи”га кенгроқ ёндашиб, уни жинсий тафовутга оид муаммоли майдонга кўчирди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, ушбу силжиш “ижтимоий тарихдан” “маданий тарихга” ўтишга мос келади⁵⁰.

Немис олими Р.Хоф фақатгина хотин-қизлар масаласининг таҳлили билан чегараланиб, эркакларнинг муаммоларидан ажралиб қолди. Унинг назарида, гендерни асосий илмий категория сифатида таҳлил қилишга 4 та сабаб бор: 1.Аёл ва эркак ўртасидаги сабабий боғланиш ҳамда одатдаги деб ҳисобланадиган муайян ижтимоий роллардан воз кечиш; 2.Жинслараро муносабат тизими ва бошқа ички маданий нуқтаи назарлар ўртасидаги боғлиқликни белгилаш; 3.Эркаклар ва аёллар муайян ролларни бажарадиган ижтимоий ташкилотни тегишли ҳокимият тузилмалари таҳлилисиз англаб бўлмаслигини тан олиш; 4.Турли ролларга олиб келадиган фарқлаш жараёни ҳам таҳлил қилиниши лозимлигига иқдор бўлиш⁵¹.

Одамларни ролларга ажратиш анъанавий тус олганлигини исботлаш учун Ванда Люция Земьюнер⁵² Италия ва Голландияда, яъни бир-биридан миллий менталитети билан ажралиб турадиган мамлакатлардан икки гуруҳ болалар орасида социологик тадқиқот олиб борди. Бу тадқиқотда италиялик болалар голландияликларга қараганда бирор жинсга мансуб ўйинчоқларни

⁵⁰ Уэст Кендес и Зиммерман Дин. Создание гендера (Doin gender) / Гендерные тетради. Вып. I. РАН. СПб. 1997. С. 94-120.

⁵¹ Хоф Р. Возникновение развитие гендерных исследований /Пол, гендер, культура. М.: РГТУ, 1999, С. 24-43.

⁵² Zammuner V.L. Children's sex-role stereotypes: a crosscultural analysis in Shaver P., Hedrick C. Sex and gender. London, 1987.

кўпроқ танлашган. Чунки италияликлар маданияти нисбатан анъанавийликка мойил эди.

Тадқиқотчи Ленора Вейтцман бошчилигидаги социологлар гуруҳи болалар китобларида гендер роллари қай даражада тасвирланганлигини ўргандилар. Барча таҳлил этилган китобларда жамоат ишлари билан шуғулланадиган аёл образлари қайд этилмаган. Тадқиқот натижаларига кўра, социологлар жинс муаммосига холис ёндошилган китоблар ҳали ҳам болалар адабиёти бозорига кам таъсир ўтказётган экан, деган хулосага келишган⁵³.

Британиялик Жун Стетем ўз фарзандларида “эркак” ва “аёл” сифатларини янгича уйғунликда тарбиялашга ҳаракат қилган oilаларда тадқиқот ўтказган. Улар ўғил болалар бошқаларнинг туйғуларини яхшироқ ҳис этишини, меҳрибонроқ бўлишини хоҳлар, айти пайтда қизларда таълим олиш ва ўз-ўзини такомиллаштириш учун имкониятлардан фойдаланишни рағбатлантирарди. Барча ота-оналар шаклланган гендер таълимига қарши туриш мураккаблигини тан олган. Чунки болалар кўча ва мактабда анъанавий қарашларнинг таъсирига тушиб қолган⁵⁴.

Зигмунд Фрейд эса жинсий ўзига хослик пайдо бўлишини гўдаклик, Эдип даври, лотент (яширин) даврларга бўлиб ўрганади⁵⁵. Фрейд ғояларини такомиллаштирган Ненси Чодороу, Мапилин Френч аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлиликка эришишда босиб ўтишлари лозим бўлган йўлнинг узоклигини манбалар асосида исботлаб берадилар. Аёллар масаласини гендер нуқтаи назардан тадқиқ этишга уринган олимлар Бетти Фридан, Е. Здравомыслова, А. Темкина, Г. Бок, Э. Гидденс ва бошқаларнинг фикрлари

⁵³ Weitzman L. Divorce revolution: the unexpected social and teconomic consequences for women and children in America. New York, 1985

⁵⁴ Ktatham J. Daughters and sons: experiences on non-sexist child raising. Oxford, 1986.

⁵⁵ Freud Z. Zur pkychpthologie dek alltagledenk. 1926; О психоанализе. М.: 1998; French M. The war againkt woman. London, 1992.

ҳам аҳамиятлидир⁵⁶. Тадқиқотчи Гуримарфу кўпгина мамлакатларда барча фуқароларнинг энг асосий эркинликлари ва ҳуқуқлари баробар кафолатланган бўлишига қарамай, аёлларнинг турмуши кўпинча оилавий мажбуриятлар, диний анъаналар билан белгиланадики, улар расмий ҳуқуқларга зид келади. Гендер тенглигига эришиш учун қонунда берилган тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар бутун ҷамият томонидан қабул қилиниши муҳимдир⁵⁷, деган фикрни эътироф этади.

Инсон табиатида моддий манфаатларни қондиришга бўлган эҳтиёж, моддий аҳволини яхшилаш, сифатли овқатланиш, бежирим кийиниш, тўқ ва фаровон яшашга интилиш ҳисси ривожланган. Бу ҳис уни тинмай меҳнат қилишга ундайди. Ақл-заковат ёрдамида қилинган бу онгли меҳнат туфайли одам меҳнат қуролларини такомиллаштирди, кўплаб моддий бойликларга, беҳисоб тирикчилик воситаларига эга бўлди. Ҷамият мавжуд имкониятларини меҳнатни ташкил этишга қаратди ва бу соҳада оламшумул ютуқларни қўлга киритди. Социологларнинг тадқиқотига кўра, одам илк яшаш даврида атиги 10 та буюмга эҳтиёж сезган бўлса, бу кўрсаткич бизнинг асримизга келиб 24 миллионга етди. Инсоният ўз ҳаётининг моддий-иқтисодий томонини тубдан ўзгартириб юборди. Булар эркак ва аёлнинг тенг меҳнати натижасида бунёд бўлганлиги барчага маълум. Ҳозирги кунда ҳам ҷамиятнинг моддий-иқтисодий ривожланиши тараққиётнинг ягона мезони деб қаралмоқда. Бир қараганда, бу тўғридек кўринади. Лекин, афсуски, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бир томони – маънавий жиҳатига эътибор сусая бошлади. Оила муносабаталарининг ижтимоий характериға аҳамият камая бориб, бу масала кишиларни камроқ қизиқтира бошлади. У хусусий ишга айланиб, ишлаб чиқаришнинг бу икки тури орасидаги мувозанат бузилди, у кишилик ҷамияти учун кўплаб ўта жиддий ва хатарли

⁵⁶ Фридан Б. Загадок женственности. М.: Прогресс, 1994; Здравомыслова, Е. Темкина. Исследования женщин и гендерные исследования на Западе и в России //Общественные науки и современность. 1990. №6. С. 177-180. Э. Гидденс. Социология. Т.: Шарк. 2002.

⁵⁷ Grumrthy A. Womens Rights and Status. Quektions of analysis and measurement. Gender in Development. Monograph. №7. UNDP. New York. 1998.

муаммоларни келтириб чиқара бошлади. Шундай муаммолардан бири гендер тенглиги муамоси бўлиб ҳисобланади. Масалан, оила муносабатлари кишиларнинг маънавий-руҳий фаолиятини белгилаганлиги учун ҳам бу жараён, энг аввало, уларнинг маънавий-руҳий дунёсини барбод эта бошлади. Бу эса жамиятни маънавий-руҳий инқирозга олиб келди. Бу инқироз Ерда одамзотнинг биологик тур сифатида бундан кейин ҳам яшаб қолишини таҳлика остида қолдирмоқда. Шунинг учун ҳам оиланинг ривожланиш қонунларини ўрганиш ва оилавий муносабатларнинг илмий, маънавий-ахлоқий асосларини жамият аъзолари онгига сингдириш ижтимоий фанлар олдидаги энг долзарб муаммолардан бўлса, меҳнат тараққиёти билан оила тараққиётини ўзаро мувозанатда, мутаносибликда олиб бориш сиёсатини ташкил этиш жамиятнинг, ҳар бир миллатнинг асосий вазифаларидан биридир⁵⁸.

Кишилиқ ҳаётида хотин-қизларнинг мавқеи ҳам жамиятнинг оила муносабатларига бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланади. Оила муносабатлари ижтимоий ҳаётни белгилашда жуда муҳим аҳамиятга эга, деб қарайдиган халқлар орасида аёлнинг мавқеи бирмунча юқори туради. Шунинг учун ҳам кишилиқ жамиятининг илк даврида, яъни она уруғи ҳукмронлик қилган даврда аёлларнинг мавқеи жуда юқори бўлган ва у жамият тараққиётида белгиловчи аҳамият касб этган.

Кейинчалик оила хўжалигини юритиш ўзининг ижтимоий характерини йўқотгач, аёлларнинг ижтимоий мавқеига ҳам путур етди⁵⁹. Жамият иқтисодий жиҳатдан янада юксалди, лекин аёлнинг обрў-эътибори кўтарилмади.

Демак, ижтимоий ишлаб чиқаришда аёлнинг ўрни жамиятнинг оила тараққиётига бўлган муносабати билан белгиланади. Инсоният ўз зурриёди

⁵⁸ Демократия – тараққиёт гарови. –Т.: - 2005. 78 б.

⁵⁹ Муравьева Н. Ўзбекистон хотин-қизлари ижтимоий мақомини юксалтириш. – Т.: – 2004. 23 б.

ер юзида яшаб қолишини истаса, у бор имкониятларини оила тараққиётига қаратмоғи, оиланинг ижтимоий ҳаётга таъсирини кучайтирмоғи лозим. Фақат шундагина аёлнинг ижтимоий мавқеи, унинг обрў-эътибори қайта кўтарилиши мумкин. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг фақат бир томони, яъни меҳнатга муносабат тараққий этиши билан оила тараққиёти орқада қолиши жинслар орасидаги муносабатларнинг номутаносиблигига олиб келади.

Одамзотнинг ўз зурриёдини дунёга келтириши ва вояга етказиши ўзига хос мураккаб жараён. Бу кўпроқ аёлга боғлиқ бўлиб, бу вазифани бажаришда турли психоэмоционал кечинмалар каби мураккабликларни вужудга келтиради. Демак, жамият мана шу жараённинг мушкуллигини тан олиши муҳим. Аёлнинг ҳомиладорлиги, фарзанд туғиши, унинг узоқ вақт парваришга, ҳис-туйғу, эътиборга муҳтож бўлиши онадан бу ишларни сабр-тоқат билан бажаришни талаб этади. Аммо бу меҳнат жамият томонидан етарлича баҳоланмайди.

Аёлларнинг вазифаси бу билангина чекланмайди. Улар қўйидаги уч: **репродуктив, продуктив ва ижтимоий** вазифани бажаришади. Эркаклар эса, одатда, продуктив ва ижтимоий сиёсий фаолият билан шуғулланишади. **Репродуктив** вазифа – бола туғиш ва уй хўжалигини юритиш ишчи кучини тиклаш ва қўллаб-қувватдаш учун зарурдир. **Продуктив** вазифа – эркак ва аёллар томонидан моддий бойлик яратиш учун бажариладиган иш. **Ижтимоий вазифа** – одамларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқ, таълим, тарбия каби жамоат ишларида амалга оширадиган фаолиятидир. Бу хизмат ҳақи тўланмайдиган, ихтиёрий равишда, бўш вақтда бажариладиган меҳнат фаолиятидир. **Ижтимоий-сиёсий** вазифа – кўпинча эркаклар томонидан жамият ёки расмий сиёсий даражада, миллий сиёсат доирасида бажариладиган фаолиятдир. Одатда, бу меҳнатга иш ҳақи тўланади.

Репродуктив фаолият бутун инсоният тарихи давомида асосан аёллар томонидан ҳақ тўланмайдиган меҳнат сифатида бажариб келинган.

Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, саноати ривожланган мамлакатларда эркаклар ўзларининг умумий иш вақтининг 70 фоизини, ривожланаётган мамлакатларда эса унинг тўртдан уч қисмидан кўпроғини ҳақ тўланадиган меҳнат фаолиятига сарфлайдилар. Аёллар эса эркаклардан фарқли ўлароқ, ўз вақтининг тўртдан уч қисмини ҳақ тўланмайдиган ва фақат тўртдан бир қисмини ҳақ тўланадиган меҳнат фаолиятига сарф қиладилар.⁶⁰ Шу боис эркаклар даромаднинг энг катта қисмини оладилар ва ўзларининг иқтисодиётга қўшаётган улушлари учун жамият томонидан эътироф этиладилар. Аёллар меҳнатининг репродуктив қисми эса жамият томонидан етарли даражада эътироф этилмасдан ва баҳоланмасдан қолмоқда. Бундай ҳолат аёл билан эркак ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ижтимоий нормалар ва урф-одатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Шундай қилиб, жинсий тафовутларнинг ҳам ўзига хос, умумий сабабий боғланишлари (детерминантлари) мавжуд бўлиб, булар таъсирида эркакларга хос бўлган кучлилик, мустақиллик, фаоллик, тажовузкорлик, рационаллик, шахсий муваффақиятга интилиш каби, аёлларда эса заифлик, тобелик, сусткашлик, мулойимлик, ҳиссиётга мойиллик, бошқалар ёрдамига муҳтожлик, таъсирчанлик ва ҳоқоза характер хусусиятлари таркиб топади.⁶¹

Эркаклар билан аёллар ўртасидаги бундай зиддиятли тафовутларга қарамай, жинслар бир-бирига нисбатан доимий маънавий-руҳий эҳтиёж сезадилар. Инсон табиатан жинсларга ажратилган бўлса-да, руҳан умумий яхлитликка интилади. Табиатан эркак ва аёл руҳий томондан бир-бирларини тўлдирадилар, бир-бирларидан руҳий ва маънавий куч-қувват оладилар. Шу тарзда инсон мукаммалашиб, маънавий юксалиб боради. Руҳий бегоналашув эса жинсларнинг орасига ихтилоф солиб, маънавий қашшоқлик

⁶⁰ Революция в интересах равенства мужчин и женщин. Доклад о развитии человека за 1995 год. Нью-Йорк. Оксфорд юниверсити пресс. 1995. –с. 6

⁶¹ Алешина Ю.Е., Волович А.С. Проблема освоения ролей мужчины и женщины //Вопросы психологии, 1991. № 4. – с.74

ва руҳий ғариблик сари етаклайди.

Бу эҳтиёжларнинг жами эркак ва аёл жинсини бир-бирига боғлайди, уларни яхлит, бир бутун ҳолда таркиб топишлари ва фаолият олиб боришларини таъминлайди. Жинслар орасидаги муносабатлар диалектик характерга эга бўлиб, табиат ва жамиятнинг энг умумий қонунларига бўйсунди. Бу қонуниятлар эса гендер ғоясида ўз ифодасини топади.

Гендер ғояси социология фанидан ташқари фалсафа, иқтисодиёт, демография, тарих, антропология, педагогика, психология, сиёсатшунослик, этнография, маданиятшунослик ва шу каби фанлар томонидан ҳам ўрганилиб келинмоқда.

Ҳозирги даврга келиб фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва социологик қарашларда эркак ва аёллар ўртасидаги муносабатлар ҳамда хотин-қизлар масаласига янгича ёндашиш пайдо бўлди. Жумладан, жинсларнинг ижтимоийлашуви жараёни ҳокимият, зўравонлик, шахснинг ўзини ўзи англаши, эркинлиги ва бошқа соҳаларда индивиднинг ижтимоий роллари муаммолари сифатида ойдинлаштирилган⁶². Фалсафанинг асосий масалаларидан бири бўлган инсоннинг ижтимоий моҳияти муаммоси гендер нуқтаи назардан кўриб чиқилди ва бу ҳолат бугунги кунда бутун дунёда кенг ёйилган гендер тадқиқотларида ўз аксини топди.

Бу ғоянинг илгари сурилиши натижасида умумбашарий тафаккурда аёллар ва эркаклар ўртасидаги гендер тенгликни таъминлаш зарурияти кун тартибига қўйилмоқда, уларнинг инсон ҳуқуқлари ва имкониятлари тенглигини кафолатлашга ҳаракат қилинмоқда.⁶³

Гендер ғояси илмий йўналиш сифатида феминистик ғоянинг назарияси ва амалиётининг жадал ривожланиши натижасида вужудга келди. Мазкур илмий оқим ривожланишининг янги босқичи XX асрнинг 80-йилларига тўғри келади. Унинг асосий хусусияти гендер тизими таҳлилидир. Аёллар

⁶² Муравьева Н. Ўзбекистон хотин-қизлари ижтимоий мақомини юксалтириш. –Т.: - 2004. 18 б.

⁶³ Ахмедшина Ф. Оила ва гендер тенглиги /Репродуктив маданият ва маънавият муаммолари. Республика “Оила” илмий-амалий маркази. - Т.: 2002. 17-18-бетлар.

тадқиқотлари, яъни “women’s studies” аста-секин гендер тадқиқотларига айлана бошлади. Бунда ижтимоийлик ва маданиятнинг барча жиҳатлари гендер ўлчовига эга бўлиш мумкин деган фикрга асосланган ғоялар илгари сурилди. Бунда нафақат феминистик тадқиқотларнинг мазмуни, балки таҳлил шакли ҳам ўзгарди. Жумладан, феминизмга хос бўлган айрим кескин қарашлар ўрнига барча ижтимоий жараёнларда гендернинг мавжудлиги, шаклланиши ва қайта тикланишини англашга бўлган интилиш кучайди. Гендер ғояси аёллар муаммосини одатдагидан кўра кенгроқ миқёсда тадқиқ этишни назарда тутди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, бундай ёндашиш “ижтимоий тарих”дан, “маданий тарих”га ўтишга мос келади. Аёллар тўғрисидаги тадқиқотлар маскулинлик ва жинсийлик муаммоларини ўз ичига олгани ҳолда мазмунан янада кенгайди. Ушбу нуқтаи назардан гендер таълимоти “man’s studies” йўналиши билан бойиди.

XX асрнинг 90-йилларида ҳокимият муносабатларида гендер тенглиги қандай даражада эканлиги таҳлил этилади ва бунда эркаклар менталитети тазйиқини ифодаловчи сиёсий-маданий истиоралар изоҳланади. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, гендернинг расмий тан олиниши ва ривожланиш тенденциялари дунёнинг энг долзарб муаммосига айланди. Энг муҳими, феминист аёлларнинг хатти-ҳаракати, сўнгра гендер ва илм-фан ҳокимият ҳамда гендер ўртасидаги муносабатларни очиб беришга қаратилган назарияларни ўрганиш заруриятини кучайтирди. Ижтимоий маънода гендер тенглиги нуқтаи назаридан ёндашувни шакллантириш янги назария пайдо бўлишига қараганда муҳимроқ аҳамиятга эга. Бу ўз моҳиятига кўра янги назария бўлиб, уни тан олиш баъзан инсоний қадриятлар ўзгариши, кўплаб одатдаги тасаввурлар ва “ҳақиқатлар”нинг қайта кўриб чиқилишини англатади, бу эса кўпчилик учун бирмунча оғриқли кечади⁶⁴.

Гендер муаммоси, энг аввало ижтимоий муаммо эканлиги, яъни фақат

⁶⁴ Пушкарева Н.Л. Историческая феминология и гендерный подход в исторических исследованиях. В кн.: Гендерные проблемы в этнографии. М.: РАН, 1998. – С.6-13.

аёлнинг эмас, балки эркакларнинг ҳам, жамиятнинг ҳам муаммоси эканлигини таъкидлашга тўғри келмоқда. Улар биологик жинслар ва аҳолини кўпайтириш борасидаги вазифалар тақсимотинигина англатмайди, балки гендер муносабатлар бутун маданият, жамият қурилиши, давлат институтларини қамраб олади. Улар тилга, урф-одатлар ва қадриятларга, турмуш тарзи ва ҳатто ишлаб чиқаришга ҳам кучли таъсир кўрсатади. Шу тарзда гендер ёндашувининг умумийлиги уни “феминистик” ва “хотин-қизлар” масалаларидан ажратувчи асосий жиҳатлардан биридир.

Маълумки, Ғарбда гендер мазмуни нафақат жинсийликка, балки онгли ёки онгсиз равишда тенгсиз муносабатлар асосига қурилган мафкура ва институтларга қарши қаратилган эди. Шу боис, энг аввало, гендер назариялари таълим амалиётлари, билиш ва таълим жараёнини танқид қилиш шаклида намоён бўлган ва жамиятдаги мавжуд сиёсий нуқтаи назарни ифодалаган. Бугунги кунга келиб, ҳеч қандай бошқа тадқиқот ва таълим стратегиялари Америка ва Европадаги академик таълим тузилмаларининг ўзгаришига бу қадар кучли таъсир кўрсата олмаганлиги тан олинган.

Аналитиклар гендер ғояси доирасида етакчи методологик ёндашувларни белгилар экан, улардан бир неча асосийсини ажратиб кўрсатади. Гендер ғояси методологиясининг дастлабки усулида кўпроқ америкача феминистик ёндашув анъанаси кенг ўрин олган.

Методологиянинг иккинчи тури эса французча феминистик назария ва амалиёт анъанасига мос келади. Методологиянинг ҳар бир тури ўзига ҳос тавсиф тилига эга. Биринчи ҳолда тавсифлаш тили субъект, онг, ўзликни англаш ва ҳоказо тушунчаларни қўллайди. Бу турга ҳос тил воқеликнинг макрожараёнлари, яъни тизимли ва кўзга кўринадиган жараёнларни таърифлайди. Гендер ғоясини тавсифловчи иккинчи бир тил воқеликнинг микрожараёнларини таърифлайди. Микровоқелик – тизимлаштирилган ўхшашлик даражасида эмас, балки ягоналикка (“эркакларга оид” ёки

“аёлларга оид”) умумий кўплик даражасида содир бўладиган ҳодисалардир. Бундай ёндашувда аёл киши эркакларга нисбатан мутлақо бошқа мавжудот сифатида англонади. Чунки воқеликнинг ҳар қандай тизими унга яхлит тизим сифатида мавжуд бўлишга имкон бермайдиган “бошқа”, “ўзга”, “фарқли” каби феноменларнинг борлиги воситасида ифодаланади. Шу тариқа “жинснинг” бинар (кўш) тушунчаси ўрнига кўплик, яъни “гендер” тушунчаси шаклланади.

Фарқланиш назариясининг тан олиниши гендер ғоясида ҳам умумфалсафий борлиқ ҳақида таълимот принципларига асосланган ҳолда фикр юритиш имконини беради. Бундай ёндашув умумфалсафий тамойиллар гендернинг умуман ижтимоий ривожланиш ва ҳусусан аниқ муаммолар тадқиқоти даражасига ҳам хосдир.

”Man’s studies”нинг шаклланиши ва ривожланиши гендер ғояси тузилмасида бурилиш босқичи бўлди. Эркакларга хос ҳусусиятлар аниқ, табиий ва аёлларга хос сифатлар зиддиятли деб тушунилар эди. Бундай қарашлар тез орада барҳам топди. Аёллар ўз мавқеларини қайта англаган ҳолда эркакларни ҳам ушбу масалани ўйлаб кўришга мажбур қилдилар. Натижада одатдаги “Аёллик сири” ўрнига “эркаклик жумбоғи” тўғрисида фикрлар юзага келиб жиддий муҳокамага сабаб бўлди ва бу борада ҳали ўрганилмаган томонлар ҳам мавжуд эканлиги маълум бўлди. Эркаклар моҳиятини изоҳлаб келган ҳукмрон фикрлар барҳам топди ва эндиликда гендер ғояси эркакларнинг анъанавий образидан янги қарашларни изоҳловчи ёндашувга ўтишини амалга оширмоқда⁶⁵.

Биринчи бўлиб “Эркак ким?” деган саволни америкалик антропологлар кўтариб чиқдилар, кейинчалик бу масала бўйича инглиз, австралиялик ва скандинавиялик тадқиқотчилар ҳам қизиқа бошладилар. Бугунги кунга келиб ушбу мамлакатларда эркакларга оид 200дан ортиқ турли тадқиқот

⁶⁵ Хай Луиза. Позитивный подход. М.: Олма-Пресс. 1998.

марказлари мавжуд. Ушбу мамлакатларда эркаклар тўғрисидаги ғоялар ниҳоятда кенг ёйилганлиги туфайли эндиликда гендер ғояси долзарб бўлиб қолди. Ҳукмронлик, устунлик, аёлларга хос хусусиятларни рад этиш каби узок давр мобайнида шаклланган гендер андозалари эркакларнинг мавқеларини юксалтиришга хизмат қилиб келган. Эркакларга хос замонавий тадқиқотларда эркаклик хусусиятлари шаклланишининг босқичлари, эркакларга оид тарихий таназзуллар, маскулинлик образларини шакллантиришда гендер технологияларининг ўзига хослиги ва ҳоказолар таҳлил қилинади. Маскулинликнинг ўзига хос асосий ғояси – “Эркак бўлиш – олдиндан ҳукмрон бўлишга маҳкумлик, эркаклик иллюзияси эгалик ҳуқуқини оқлайди” (П. Бурдые). Ва аксинча, эгалик қилиш, ҳатто хаёлий бўлса-да эркакликни қаноатлантиради. “Эркаклик моҳияти: тарихий трансформация” мавзусининг бирмунча тўлиқ баёни Э.Бадэнтер ишларида келтирилган. У эркакларни “инсонийлаштириш” жараёнини ишончли кўрсатиб бера олган. Эркаклар ҳаёт услублари типологиясини асослагани ҳолда, у “майиб” эркак типини энг кенг тарқалган тур, деб белгилайди. Шунингдек, у мазкур қатъий гендер ролларини “буюк ота-оналар инқилоби” томон йўналтирилган гуманистик ҳаракат орқали бартараф этишнинг истиқболли йўналишларини таклиф этади⁶⁶.

XX асрнинг 90-йилларига келиб Россияда ҳам янги ижтимоий маданий вазият шакллана бошлади. Собиқ тузумнинг умумий таназзули шуни кўрсатадики, унинг сабаблари нафақат сиёсат ва иқтисодиётда, балки янада теранроқ, маънавий маданиятнинг ўзгариши ва унинг Россиядаги трансформацияси негизига бориб тақалган. Пайдо бўлган феминистик адабиётлар, шаклланаётган янги ғоялар, илмий доиранинг кенгайиши, тадқиқотлар йўналишининг шаклланиши илмий ҳамжамиятнинг вужудга келишига олиб келди. Эндиликда ижтимоий феминологиянинг

⁶⁶ Қаранг.: Шабурова О.В. Гендер//Современный философский словарь под ред. В.Е. Кемерова. Минск, Панпринт, 1998. – с.183

ривожланишидан ташқари гендер ғоясининг мақоми белгиланди ва ривожланишига замин яратилди. Гендер ёндашувининг янги илмий парадигма сифатидаги истиқболи янада яққолроқ намоён бўлмоқда⁶⁷.

Социологлар ва ижтимоий психологларнинг таъкидлашича, жинс биологик хусусиятларга оид бўлиб, унга кўра одамлар “эркаклар” ва “аёллар” тоифасига бўлинади. Аксарият социологларнинг фикрича, гендер ғояси жамиятнинг эркакларга ва аёлларга ижтимоий бўлинишига тааллуқли ҳолларда қўлланилиши тушунилади. “Эркак” ва “аёл” атамалари уларга хос биологик фарққа ҳамда ўғил ва қиз болаларга тегишли атама бўлгани учун “эркакларга оид” ва “аёлларга оид” деган тушунчаларда жинсларга хос ижтимоий хусусиятларни акс эттирган. Ушбу хусусиятлар узоқ давом этган ва мураккаб ижтимоийлашув жараёнида ўрганилади. Агар индивиднинг жинси биологик жиҳатдан белгиланган бўлса, унда гендер маданий ва ижтимоий жиҳатдан белгиланган бўлади⁶⁸.

Айрим антропологлар, психологлар ва социологлар гендернинг биологик эмас, балки ижтимоий ва маданий жиҳатдан белгиланишини, маданий ва тарихий жиҳатдан эса нисбий эканлигини таъкидлайдилар. Унинг мазмуни, моҳияти маданиятлар тизимида ўзгаради ва тарихий ўзгаришлар объекти бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий омиллар – тоифа, ёш, ирқ ва келиб чиқиши – алоҳида гендер мазмуни, ифодаси ва тажрибасини ташкил этади ҳамда уни бирон-бир соддалаштирилган усул билан жинс ёки жинсийликка тенглаштириб бўлмаслигини ажратиб кўрсатади.⁶⁹

Гендер (gender) – ижтимоий жинс деган маънони англатади. Инглиз тилида гендер (gender) – ижтимоий жинс ва биологик жинс (“sex”) тушунчалари бир-биридан фарқланади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, гендер тушунчаси феминизмнинг назарий ривожланиши жараёнида,

⁶⁷ Здравомыслова Е., Темкина А.. Исследования женщин и гендерные исследования на Западе и в России //Общественные науки и современность. 1990. № 6- С. 177-184.

⁶⁸ Гидденс Э. Социология. Т.: Шарқ, 2002. - 185 б.

⁶⁹ Collins. Социологический словарь. М.: АСТ. 1999. Т.1. – С. 109-110.

кейинчалик эса бевосита гендер тадқиқотлари доирасида шаклланди.

Замонавий жамиятшунослик фани ушбу тушунчани ва унинг шакллари ижтимоийлик нуктаи назаридан таҳлил қилишнинг муҳим асослардан бири сифатида самарали тарзда ишлаб чиқмоқда.

Мутахассислар фикрига кўра, гендер инсон жинсининг ижтимоий-маданий жиҳатини ифода этувчи тушунча. У инсон ҳулқ - атворининг социал ўзига хослигини ифода этиб, амалиёт ёрдамида ижтимоий жинс сифатида шаклланади. Жамиятда муайян жинс ролларининг бажарилишини тақозо этадиган хатти-ҳаракатларнинг меъёрий тизими вужудга келади. Жамиятда “эркакларга оид” ва “аёлларга оид” хусусиятлар тўғрисида қатъий қарор топган тасаввурлар сифатида пайдо бўлади. Масалан, болалар ёшлигиданок эркак ва аёл ролларини ўйнай бошлайдилар. Қиз болаларнинг она ролини, шифокор ёки ўқитувчи ролларини ўйнаши, ўғил болаларнинг эса машиналар, муҳандислик ёки қурувчилик билан қизиқишлари бежиз эмас. Болаларнинг ўз жинсига мувофиқ ижтимоийлашувида маданий муҳит катта роль ўйнайди. Зеро, маданий муҳитгина эркак ва аёлнинг қандай бўлиши лозимлигини тақоза этади.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, гендер — табиатан белгиланмаган, ижтимоий ҳодисалар таъсири туфайли шаклланган хусусиятлар йиғиндисидир. Гендер ижтимоий-маданий тасаввурларимиз доирасидаги жинс ҳақидаги қарашларимиздир. Жинс фақат гендер демакдир, яъни унинг ижтимоийлашуви натижасидир. Жинс инсонга тегишли эмас, балки инсон жинсга оиддир, у эса ҳокимиятга эга⁷⁰.

Гендерни белгилашга нисбатан мавжуд ёндашувлар ва фикрлар хилма-хиллигига қарамай, иккита концепцияни, гендернинг ижтимоий тузилиши ва гендер тизими назариясини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Гендерни ижтимоий тузилма сифатида талқин этувчи дастлабки ёндашув уч гуруҳдан иборат таърифни қамраб олади. Улар қуйидагилардан

⁷⁰ Шабурова О.В. Гендер. Минск: Панпринт, 1998. – С. 178.

иборат. 1) биологик жинс, 2) у ёки бу жамиятдаги жинсларнинг роллари тўғрисидаги фикрлар, 3) “гендер дисплейи”, яъни эркаклар ва аёллар ҳуқуқ-атвори ҳамда ўзаро ҳамкорлигининг ижтимоий меъёрлари билан боғлиқ бўлган турли-туман кўринишлари. “Гендер дисплейи” тушунчаси америкалик социолог ва психолог И.Гоффман томонидан киритилган бўлиб, у жинснинг маданий намоён бўлишининг бир қанча кўринишларини ифодалайди. Ушбу ёндашувга кўра гендер мазкур маданиятда қарор топган ижтимоий муносабатларнинг ўлчови сифатида намоён бўлади⁷¹.

“Гендер тизими” тушунчаси турли таркибий қисмлардан ташкил топган бўлиб, турли муаллифлар томонидан ҳар хил изоҳланади. Гендер тизими жинслараро муносабатлар бирлигидир. Гендер тизими оммавий ва норасмий соҳаларнинг гендер ўлчовини тақозо этгани, гендер иерархияси бошқа ижтимоий иерархиялар тизимлари билан солиштириш туфайли бу турдаги таҳлилда гендер технологияларини амалга оширувчи ижтимоий институтлар ролини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Гендер муносабатларининг ҳукмронлик маънолари кўп жиҳатдан ана шундай ёндашув ривожланиши жараёнида намоён бўлди. Масалан, социолог Рубиннинг таъкидлашича, жамиятда жинсий-гендер тизими биологик жинсийликни инсон фаоллиги маҳсулига айлантирган ижтимоий келишувлар тўплами сифатида шаклланади. Бошқача айтганда, икки жинсни бир-биридан фарқловчи, тенгсиз ва бир-бирига боғлиқ гендер тизими амалда ҳукмронлик ва устуворлик тизими бўлиб, мақсади – моддий ва рамзий сармояни оталар қўлида жамлашдир⁷². Тадқиқотчи Ричнинг таъкидлашича эса, гендер тафовутларни ҳосил қилувчи, уларни ҳукмронлик ва бўйсунтиришга жорий этувчи ўзига хос тизимдир. Ҳокимият кенг тарқалган тафовутлар тизимига асосланган бўлиб, жинсий тафовутлар ушбу тизимда ирсий жиҳатдан бирламчи бўлади. Айнан ушбу тафовут асосида ҳокимият ва жамият

⁷¹ Goffman I. *Strategie interaction*. Philadelphia, 1969. p. 44.

⁷² Rubin G. *Woman as Nigger* //L/Fanner (ad). 1970.

томонидан умуман гендер зиддиятини, “ноижтимой” фарқларнинг “ижтимой” фарқларга, жинс сексинг жинс гендерга айланишини моделлаштириши аниқ намоён бўлади. Гендер тузилмаси айти пайтда ўзи ҳақидаги, шунингдек, бошқалар ҳақидаги тасаввур жараёнидир⁷³.

Диссертант илмий адабиётлардаги гендер ғояси тўғрисидаги мавжуд қарашларни таҳлил қилиб, гендер жинслар ўртасидаги ижтимой муносабатларни янгича тушуниш, янгича идрок этиш деган нуқтаи назарни қўллаб-қувватлайди.

Шу нуқтаи назардан, гендер ғояси таркиби ва шаклланиш босқичларини ўрганиш катта аҳамиятга эга:

- жинс (sex) биологик категория сифатида – мавжуд генлар ва жинсий аъзолар бирлиги, туғилишгача, ўсмирлик ва катта ёшлиларга хос бўлган гормонал тўплам;
- жинс (sex) ижтимой категория сифатида – туғилишидан белгиланган;
- жинсий (sex gender) ўхшашлик – ўзини мазкур жинсга тегишли эканлигини англаш;
- жинс (gender) жараён сифатида – ўргатиш, ўрганиш, ролни қабул қилиш, муайян гендер мақомига мос келадиган хатти-ҳаракатларни ўзлаштириш;
- жинс (gender) мақом ва тузилма сифатида – индивиднинг гендер мақомини жинслараро белгиланган муносабатлар қисми сифатида, айтиқса, ҳукмронлик ва бўйсунуш таркиби сифатида кўринишига барҳам бериш.

Даставвал, феминистик руҳдаги, кейинчалик эса кенгрок қўламдаги гендер тадқиқотларда гендер таълимотини шакллантириш технологияларига, яъни у ёки бу жамиятдаги муносабатлар моделини белгиловчи гендер меъёрларини ўрганиш ва ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Гендер ғояси тушунчасига оид мавжуд нуқтаи назарларни тизимлаштириш ва тартибга келтиришга интилиш россиялик О. Воронина, Т.

⁷³ Қаранг.: Rich A. Compulsoty Heterosexuality and Lesbian Existence //Signs.vol.5, P. 4.

Клименкова, М. Малышева ва бошқаларнинг тадқиқотларида берилган.⁷⁴ Ушбу масала бўйича Ғарбдаги ёндашувларнинг умумлаштирилган бир кўриниши - О. Воронина томонидан таклиф этилган модел диққатга сазовордир.

гендер ижтимоий-демографик категория сифатида;

гендер ижтимоий қурилма сифатида;

гендер субъективлик сифатида;

гендер ғоявий тузилма сифатида;

гендер тармоқ (network) сифатида;

гендер технология сифатида;

гендер маданий истиора сифатида.

“Гендер ғоявий тузилма сифатида”ги муаммолар қаторида, масалан, жинсийлик ҳукмронлик тизими орқали ташкил этилган ва назорат имконияти эркакларга берилган гендерни эркакларнинг ҳукмронлиги кўриниши деб белгиловчи феминистик таҳлил йўналишларидан бири келтирилган. Унда назорат аёлларни объектга айлантириш орқали амалга оширилади. Мазкур қараш тарафдорларининг қайд этишича, эркакларнинг нуқтаи назаридан гендер фақат хотин-қизларга хос, эркаклар бундай жинсий ўзига хосликдан холи, чунки улар бутун имкониятни ифодалайди. Ушбу ғоя қадимий бир бидъатда ўз ифодасини топган, яъни гўёки жинс, жинсийлик — хотин-қизларга тааллуқли имтиёз ҳамда “аёлларга хослик афсонаси” мавзуи ана шундан келиб чиққан.⁷⁵

Постмодернизм фалсафасида гендер маданий истиора сифатида англанади ҳамда предмет таҳлилининг яна бир муҳим самарали жиҳатини белгилайди. Бундай ёндашув гендернинг маданий-рамзий табиатини ифодалайди. Мавжуд маданий-рамзий гендер ҳар доим ҳам аниқ қадриятлар йўналиши ва мақсадларни ифодалайвермайди. Феминлиликни ва

⁷⁴ Воронина О.А. Женщина в мужском обществе. //Социологические исследования. 1988. № 2. – с. 15

⁷⁵ Фридан Б. Загадки женственности. М.: 1994. – с. 17

маскулинликни ижтимоий-маданий аниқликда шакллантиради, эркаклик ва аёлликнинг бутун онтологияси билан белгилаб берилган маданий-рамзий иерархиясини ифодалайди. Антологик ибтидо сифатида эркаклик ва аёлликнинг бошқа асосий категорияларга сингишиб кетгани, уларнинг дастлабки табиий-биологик маъноларини ҳам ўзгартириб юборади. Жинс маданий истиорага айланади, ушбу истиора эса нафақат тавсифлаш вазифасини ўтайди, балки ижтимоий борлиқни ҳам таърифлашга қодир. Таҳлилнинг ушбу кўриниши асосан Люси Ирригарэ, Хелен Сису, Юлия Кристиева ғоялари таъсирида кузатиладиган французча постструктуралистик анъана томонидан ривожлантирилади.⁷⁶

Гендер ўхшашлик тушунчаси - ўзини эркаклик ва аёллик маданий тушунчалари билан боғлиқ ҳолда тасаввур этиш. Тушунча мутлақо субъектив тажриба чегарасидан ташқарида амал қилмайди ва “Мен” ҳамда бошқалар ўзаро ҳамкорлиги жараёни натижасида юзага келгани ҳолда эркакларга хос ва аёлларга хос хусусиятларнинг психологик интериоризациясига хизмат қилади. Трансвестит ва транссексуал ўхшашликларнинг мавжудлиги шуни кўрсатадики, гендер жинсга боғлиқ эмас, балки гендер ўхшашликлар вужудга келиши натижасидир.

Шу масалани ўрганиш аёлларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишларини таъминлаш учун қандай ҳуқуқий чеклашлар бартараф этилиши кераклиги ва эркаклар билан аёллар ўртасидаги тенгсизликни тугатиш учун ислохотлар сиёсатининг моҳияти қандай бўлиши лозимлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги тадқиқотларнинг кўрсатишича, мавжуд гендер муаммолари ва келишмовчиликлари, аёлларнинг жамиятдаги тобелиги мавжуд институционал тузилмалар орқали такрорланиб туради, бундай тузилмаларга уй-рўзгор ҳўжалиги, жамоа, давлат ва фуқаролик жамияти кабилар киради.

⁷⁶ Сиксу Э. Хохот медузы //Гендерное исследование. Харьков: ХЦГИ, 33. 1999.- С. 71-88; Irigaray Z. This sex is not one//Gunew (ed).

Ана шу институционал тузилмаларнинг ва уларда таркиб топган ўзаро муносабатлар гендернинг ривожланишига, жамиятнинг барча аъзолари учун танлаш имкониятларидаги таъсирини тадқиқ қилиш зарурлигини тақозо этади.

Турли лойиҳалар, дастурлар, ривожланишнинг тармоқ ва макросиёсатнинг жинслар тенглигига таъсирини ўрганиш гендер тенглигига эришишнинг яна бир муҳим жиҳатидир. Ўтган асрнинг 80-йилларида ривожланаётган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, макроиқтисодий ва тармоқ сиёсатини ишлаб чиқиш чоғида жинслар ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш истиқболларини ҳисобга олиш муҳимдир. Ана шу омилларнинг гендер тенглигига таъсирини ўрганиш амалга ошириладиган лойиҳалар, дастурлар ва давлат сиёсати аёлларнинг мустақиллиги, уларнинг эркаклар билан тенг танлаш имкониятларини қай даражада таъминлашига баҳо беришни талаб қилади. Гендер тенглиги муаммоси ҳам макро-, ҳам мезо- ва микродаражаларда кўриб чиқилиши мумкин. Бунда гендер андозаларини ўзгартириш муҳим аҳамият касб этади. Гендер андозалари – шу кунгача аёл ва эркак муносабатларида мавжуд бўлиб келган ва кўпчилик томонидан одат сифатида қабул қилинадиган қоидаларни ўз ичига олади. Бундай қоидалар ахлоқ ва одоб нормаларини, ижтимоий фикр, эҳтиёж ва талабларни ифодалайди. Бу андозаларга асосланиб яшаш гендер тенгсизлигини келтириб чиқаради. Гендер тенгсизлигини аниқлаш эркаклар ва аёлларнинг иқтисодиёт ҳамда жамиятдаги нисбий мақомини ўрганишни тақозо этади. Бунда қуйидаги жиҳатларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- хусусий ресурслардан баҳраманд бўлиш;
- ўз меҳнати ва даромадини тасарруф этиш имконияти;
- аёлларнинг ўз тақдирига тааллуқли масалалар бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш имконияти;
- кўчиб юриш эркинлиги;

- сиёсий соҳанинг очиқлиги ва унга кириб бориш;
- номоддий ресурслардан баҳраманд бўлиш ва уларни назорат қилиш;
- ҳуқуқий мақом ва ҳуқуқий тузилмаларга кириш.

Гендер тенглигига эришишда эркаklar ва аёлларнинг ер, капитал, ускуналар, кўчмас мулк, банк кредитлари каби ишлаб чиқариш ресурсларидан баҳраманд бўлишларида ва уларни назорат қилишда тенг имкониятлар мавжудлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Камбағаллик ва маҳрумликлар, жинсидан қатъи назар барча камбағалларга хос бўлса, кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда аёлларнинг анъанавий таркиб топган гендер бўйсунуви аёлларни ана шу неъматлардан баҳраманд бўлишдан маҳрум этади, уларни ниҳоятда ночор аҳволга солиб қўяди.

Эркаklar ва аёлларнинг қонун томонидан кафолатланган ижтимоий ресурслардан тенг баҳраманд бўлишлари гендер тенглигини таъминлашда муҳим аҳамиятга молик яна бир жиҳатдир. Билим олиш, соғлиқни сақлаш, иқтисодий хизматлар, ижтимоий ҳимоя каби ва бошқа ҳуқуқларгина эмас, балки мана шу ресурслардан баҳраманд бўлишнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ҳам шулар жумласига киради. Ушбу ижтимоий ресурслардан эркаklar ва аёлларнинг тенг баҳраманд бўлишларини таъминлаш ҳам жамиятда гендер ривожланиши сиёсатининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Хотин-қизларнинг мустақиллигини таъминлашда уларнинг ўз меҳнати ва даромадини ўзи тасарруф қилиш имкониятининг мавжудлиги принципиал аҳамиятга эга. Гарчи патриархал мафкура аёлларнинг уйдан ташқарида фаолият этишларини чекласа-да, иқтисодий зарурат кўпинча уларни шундай фаолиятга мажбур қилади. Натижада аёллар меҳнатининг учёқлама функцияси: уй-рўзғор юмушлари, болаларни парвариш қилиш ва тарбиялаш ишлари, ишлаб чиқариш ва жамоат фаолияти кучаяди.

Кўп ҳолларда аёллар даромадининг асосий қисмини оилада топадилар, аммо улар ҳамиша ҳам шу даромадни тасарруф эта олмайдилар. Оилада

патриархал бўйсунуш қўллаб-қувватланиб келинар экан, аёллар иқтисодий мустақилликка эриша олмайдилар.

Гендер тенг ҳуқуқлилиги аёлларнинг ўз тақдирларига дахлдор масалалар бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш имкониятини ҳам назарда тутди⁷⁷. Бунинг маъноси шуки, аёлнинг ўзи кимга ва қачон эрга тегишини, қандай касбни танлашини, туғиш ва қанча фарзанд кўриш тўғрисидаги масалаларни ҳал этишда унинг тенг ҳуқуқли иштироки ҳам шу жумлага киради.

Аёлларнинг кўчиб юриш эркинлиги жинслар тенг ҳуқуқлилигининг яна бир жиҳати бўлиб, бусиз гендер тенглигига эришиш мумкин эмас. Аёлларнинг кўчиб юриш эркинлиги кўпгина омилларга, шу жумладан, улар эътиқод қиладиган динга, уларнинг жамият ва оиладаги мақомига боғлиқ. Аёлларни уйдан ташқаридаги меҳнат фаолиятига жалб этиш туфайли одатда уларнинг ҳаракатчанлиги ва кўчиб юриш эркинлиги ортади. Бироқ аёлларнинг жисмоний ҳаракатчанлигининг ортиши улар мақомини оширишга ўз-ўзидан олиб келмайди, чунки бунда ҳужумлар, шилқимликлар ва ҳатто зўрлаб номусга тегишлар эҳтимоли ошиб кетиши муносабати билан уларнинг хавфсизлигига таҳдид кучайиши мумкин. Шу боис аёлларнинг фаоллигини ошириш билан бир вақтда уларнинг хавфсизлиги учун шарт-шароитларни ҳам таъминлаш керак.

Сиёсат соҳасида иштирок этиш эркалар ва аёллар имкониятларининг жамиятда гендер тенг ҳуқуқлилиги намоён бўлишининг муҳим кўрсаткичидир⁷⁸. Аёлларга нисбатан патриархал муносабат ҳукм сураётган мамлакатларда бунга эришиш ҳукуматнинг аёлларга нисбатан ён босиш сиёсати ўтказилишини, шунингдек, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида хотин-қизларнинг оммавий прогрессив ҳаракатини ҳам тақозо этади.

Гендер ривожланиши кўп жиҳатдан эркалар ва аёлларнинг маънавий

⁷⁷ Эргашева М. Время расцвета. – Т.: 2004, - с. 12.

⁷⁸ Аёлга эҳтиром. – Т.: 1999. - 143-144 бетлар.

ресурслардан баҳраманд бўлишларида имкониятларнинг тенглигига, жумладан ахборот, билим, ўз-ўзини англашга ҳам боғлиқ.

Адолатли жамият барча фуқароларнинг ушбу ресурслардан камситмасдан ва тенг баҳраманд бўлишларини таъминлай бориб, шу тариқа аёлларнинг аҳволини яхшилашга кўмаклашади ва ривожланишни гендер тенглигига эришишга йўналтиради. Аёлларни мавжуд билимлардан, ахборот ва касб-хунар таълимидан баҳраманд бўлишлари уларни жамиятда иштирок этишларини таъминлабгина қолмай, шу билан бирга уларнинг тобелигини бартараф этишга ҳам ёрдам беради.

Жинсларнинг ҳуқуқ ва имкониятлардаги тенглигини қонунчилик йўли билан таъминлаш гендер ривожланиши учун зарур ҳисобланса - да, аммо етарли эмас. Қонун одамларни ҳимоя қилади ва фуқаролар сифатида уларнинг ҳуқуқларини белгилаб беради. Аммо кўпгина мамлакатларда барча фуқароларнинг энг асосий эркинликлари ва ҳуқуқлари тенг даражада кафолатланган бўлишига қарамай аёлларнинг турмуши кўпинча оилавий мажбуриятлар, диний анъаналар билан белгиланадики, улар расмий ҳуқуқларга зид келиши мумкин. Бинобарин, гендер тенглигига эришиш учун қонунда берилган тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар бутун жамият томонидан қабул қилиниши муҳимдир. Реал ҳаётда гендер тенглигига ўтиш, эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам танлашдаги тенг ҳуқуқларнинг жамият томонидан эътироф этилиши қизғин мунозара тусидадир.

Ҳозирги вақтда кенг кўрсаткичлар тизими таркиб топган бўлиб, у аёллар мақоми ва гендер тенглигини ўлчайди. Гендер тенглигига ўтиш икки йўл билан – ҳимоя сиёсати орқали ҳам, хотин-қизлар ҳаракатида ўз ифодасини топадиган аёллар ташаббуси орқали ҳам амалга оширилиши мумкин:

- Ўзини-ўзи фаоллаштириш жараёни, бунда аёлларнинг ўзлари ўз ҳаётларини танқидий ва жамоа ҳолида қайта идрок эта бошлайдилар. Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи хотин-қизларнинг турли хил ташкилотлари тузилганлиги гендер тенглигига эришиш учун

оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар ва бошқалар бунга мисол бўлиши мумкин. Хотин-қизларнинг гендер тенглиги йўлидаги ҳаракати қонунчилик, иқтисодий ва маданий муҳит тарзидаги қулай заминга эга бўлган тақдирдагина у ижобий натижалар бериши мумкин.

- Аёллар ролини фаоллаштириш шундай жараён бўлиши мумкинки, у хотин-қизларнинг мустақиллигини ошириш, амалда танлаш тенглигига эришиш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида ташқаридан рағбатлантирилади. Бу нарса давлат ва жамият томонидан махсус дастурлар ва лойиҳалар ишлаб чиқилиб амалга оширилишини, давлат ўтказётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг жамиятда аёллар аҳволига таъсирини ҳисобга олишни, яъни аёлларга нисбатан ҳукуматнинг ҳимоя сиёсати ўтказилишини тақозо этади. Уй-рўзғорда ва жамиятда аёлларнинг таркиб топган ҳолати, иқтисодий, қонунчилик ва ижтимоий муҳит эътиборга олинган тақдирда бундай сиёсат чора-тадбирларнинг самарадорлиги ошади. Ижтимоий муҳит мавжуд урф-одатларни, анъаналарни, руҳиятни, диний эътиқодларни ва шу кабиларни қамраб олади. Гендер муносабатлари соҳасидаги сиёсат, чора-тадбирларнинг самарадорлиги жамиятда жинслар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа жиҳатларини ўрганишни талаб қилиши равшан.

Шундай қилиб, биринчидан, феминизмнинг такомиллашуви туфайли вужудга келган гендер таълимоти аёллар масаласини аввалги таълимотларга нисбатан кенгроқ қарашга асосланади.

Иккинчидан, аёллар муаммолари эркаклар ва жамият муаммоси деб эътироф этилишини тарғиб қилади.

Учинчидан, гендер тенглиги муаммоси, юқорида таъкидланганидек, макро, мезо ва микродаражаларда кўриб чиқилиши лозим. Мавжуд андозаларга асосланиб яшаш гендер тенгсизлигини келтириб чиқаради.

Тўртинчидан, гендер тенгсизлиги хусусий ресурслардан баҳраманд

бўлиш, ўз меҳнати ва даромадини тасарруф этиш имконияти, аёлларнинг ўз тақдирига тааллуқли масалалар бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш имконияти, сиёсий соҳада иштирок этишларида, моддий ва маънавий ресурслардан тенг баҳраманд бўлиш, ҳукуқий мақомларда ифодаланади.

Иккинчи боб. Ҳуқуқий маданият ва унинг ижтимоий-фалсафий моҳияти

Ҳуқуқий маданият ва унинг моҳияти

Ҳуқуқий маданият тушунчасини тўла англаб етиш учун маданият нима эканлигини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, “ҳуқуқий маданият ижтимоий онг шаклларида бири, жамият умумий маданиятининг ажралмас, ўзига хос қисмидир”⁷⁹. Маданият кишилиқ жамиятининг пайдо бўлиши билан шаклланган ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг объекти ҳам, субъекти ҳам инсондир.

Маданият моддий ва маънавий соҳаларга бўлиб ўрганилади. Моддий маданият деганда меҳнат қуролларини, меҳнат кўникмаларини, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ва моддий ҳаёт учун хизмат қиладиган барча бойликларни англаймиз.

Маънавий маданиятнинг қамрови беҳад кенг бўлиб, у инсонлар томонидан яратилган маънавий бойликларни, ижтимоий онгнинг ахлоқий, ҳуқуқий, диний, фалсафий ва бошқа шакллари, тафаккурнинг барча шакллари ва функцияларининг бутун соҳасини, жамиятдаги ғоялар ва таълимотларни, бадиий асарлар, эстетик ва ҳуқуқий қарашларни қамраб олади. Бундан ташқари, маълумот бериш, таълим-тарбия, фалсафа, дин, ҳуқуқ, этика, эстетика, санъат ва адабиёт сингарилар ҳам маънавий маданиятга киради.

Маънавий бойликлар олимлар, мусаввирлар, бастакорлар, шоир ва ёзувчилар, ҳуқуқшунос, назоратчилар, ҳуллас, халқ оммаси томонидан яратилади ва истеъмол қилинади. Яна шу фикрни қайд этиш лозимки, ижтимоий онг шакллариининг барчаси инсоният жамияти пайдо бўлиши билан вужудга келган эмас. Масалан, ҳуқуқ давлатнинг пайдо бўлиши билан вужудга келиб, у инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари мезонини белгилашда,

⁷⁹ Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров. Сиёсий маданият. ЎзР ИИВ Академияси, 2004. -104 б.

ижтимоий адолатни таъминлашнинг самарали воситаси сифатида майдонга чиқади, фуқароларнинг, бутун жамиятнинг илғор ижобий талаб-эҳтиёжларини ва манфаатларини қондиришга хизмат қилади.

Ҳуқуқий маданият тушунчасига таъриф беришдан аввал ҳуқуқнинг ўзи нима деган савол ҳақида мулоҳоза билдириш жоиз. Ҳуқуқнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва вазифаси ҳақида кўп олимлар ўз фикрини билдирганлар, бизнингча, Х.Т. Одилқориев бу тушунчанинг барча жабҳаларини қамраб олувчи теран фикр билдиради.

Ҳуқуқ кишиларнинг хатти-ҳаракатига уюшқоқлик, ташкилийлик, барқарорлик, ўзаро мутаносиблик бахш этади. Айни вақтда, улар устидан назорат ўрнатади. Шу тариқа ҳуқуқ ижтимоий муносабатлар тизимига батартиблик ҳамда барқарорлик киритади, уларнинг муайян маърифийлик даражасида бўлишини таъминлайди. Ҳуқуқ, шунингдек, жамиятда давлат бошқарувини амалга оширишнинг қудратли воситаси ҳамдир.

Иккинчидан, ҳуқуқ ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг умумий, мувофиқлашган жиҳатини ифодалаб, индивидлар, бутун жамият манфаатдор бўлган муносабатларнинг ривожланишига кўмаклашади. Ҳуқуқ кишилар хулқ-атвори ва фаолиятига таъсир этиб, турли хусусий манфаатларни муросага келтириши ҳамда мувофиқлаштиришида ифодаланади.

Учинчидан, ҳуқуқ шахснинг жамиятдаги эркинлигини ифодалайди, эркинликнинг мезони сифатида намоён бўлади. Бунда ҳуқуқнинг ижобий салоҳияти ва қиммати эркинликни умуман эътироф этишда эмас, балки унинг чегарасини, меъёрини қатъий белгилаб беришдадир.

Ҳуқуқ ва эркинлик ўзаро узвий боғлиқ ҳодисалардир. Ҳуқуқ ўз моҳиятига кўра, эркинликнинг реал муносабатлардаги тарихан муайян ва объектив белгиланган шакли, унинг меъёри ҳисобланади. Бошқача айтганда, ҳуқуқ эркинликнинг мавжуд бўлиш шакли ёки шаклан расмийлаштирилганлигидир.

Тўртинчидан, ҳуқуқнинг кадр-қиммати унинг адолат ғоясини ифодалай олиш имконияти билан белгиланади. Аслида “адолат” сўзи “ҳақ”, “ҳақиқат”, “ҳуқуқ” сўзлари билан теран маънодош ҳисобланади. Амалиётда эса ҳуқуқ адолатнинг меъёрлашган ифодаси, моддий неъматларни адолатли тақсимлаш мезони бўлиб, барча фуқароларнинг келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати, ижтимоӣ мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенглигини мустаҳкамлайди.

Ҳуқуқ билан адолат ўртасидаги чуқур алоқадорлик адолатнинг туб ҳуқуқӣ табиатга эгаллиги билан изоҳланади. Ўз ижтимоӣ вазифасига кўра, ҳуқуқ адолатсизликка қарши туради, жамият аъзоларининг ўзаро келишилган манфаат ҳамда иродасини ифодалаб, пировард натижада адолат қарор топишини таъминлайди.

Бешинчидан, ҳуқуқ тараққиётнинг қудратли омили, жамиятнинг, ижтимоӣ ривожланишнинг тарихий маромига мос равишда янгилашнинг манбаи сифатида майдонга чиқади.⁸⁰

Шунинг учун ҳам жамиятда аҳолининг ўз ҳуқуқини билиши, унга итоат этиш муҳим ҳисобланади ва бу давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Биз танлаб олган ҳуқуқӣ демократик жамият қуриш йўлида фуқароларнинг ҳуқуқӣ маданиятини юксак даражада шакллантириш ва уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатли таъминлаш муаммолари катта аҳамият касб этмоқда. Бу ўринда Президентимиз И. Каримовнинг қуйидаги фикри жуда ўринлидир: “ҳуқуқӣ маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқӣ давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқӣ маданиятни ошириш муҳимдир. Шу билан бирга, ҳуқуқӣ маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив ҳуқуқӣ ҳужжатларга нисбатан чуқур

⁸⁰ Қаранг: Одилқориев Ҳ. Мустақиллик ва ҳуқуқӣ қадриятлар //Ҳуқуқ. 2001. 3-сон. 4-5 – бетлар.

хурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амалга ошган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади”⁸¹. Дарҳақиқат, жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётӣй эҳтиёж сифатида қўлламас экан, ислохотлар ва демократия ҳақидаги сўзларимиз, саъй – ҳаракатларимиз бесамар кетиши шубҳасиздир. Ҳуқуқӣй маданият, юқорида таъкидлаганимиздек, умумӣй маданиятнинг ажралмас қисмидир. Ҳуқуқӣй маданият, энг аввало, жамият ва шахс умумӣй маданиятининг кўрсаткичидир. Ҳуқуқӣй маданият жамиятда қонунӣйликни мустаҳкамлашга, адолатнинг тантана қилишига, инсоннинг эркин яшаши, меҳнат қилишига, билим олишига, эркин фикрлашига имкон берадиган юксак ахлоқӣй муҳит яратиш учун зарурӣй омилдир. Жамиятда қонун устуворлигига ҳуқуқӣй маданият орқалигина эришиш мумкин. “Ҳуқуқӣй маданият” ғоят кенг ва чуқур маъноли тушунчадир. Умумбашарӣй маданиятнинг таркибӣй қисми ҳисобланмиш ҳуқуқӣй маданият ҳаётнинг турли соҳаларида инсонлар онгининг шаклланишига, уларнинг фаолиятига бевосита ва ҳар томонлама таъсир этади. Республикамиз Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, жамиятимиз тараққиётига алоқадор кўплаб муаммоларнинг ечими тўғридан-тўғри ҳуқуқӣй маданиятни юксалтириш билан боғлиқлигини кўрсатиш ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилаб беришдир.

Ҳуқуқӣй маданият шахснинг ҳуқуқӣй соҳада юзага келадиган ва умумбашарӣй ҳуқуқӣй эзгу мақсадларини ҳаётга жорий этишни таъминлайдиган ички кечинмалари, эътиқоди, билими ва ҳаракатларининг юксак даражасини ифодалайди.

Ҳуқуқӣй маданият ҳуқуқӣй тафаккурнинг юксак даражаси бўлиб, шу билан бирга, у ҳуқуқӣй фаолиятнинг сифат кўрсаткичи ҳамдир. Ҳуқуқӣй

⁸¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1 – жилд, Т.: Ўзбекистон, 1995, – 322 б.

тафаккур юридик воқеиликни акс эттиради. Шу сабабдан унинг мазмунидаги ижобий ва салбий жиҳатлар жамиятда мавжуд мақсад ва манфаатларнинг йўналишига бўйсундирилган бўлади.

“Ҳуқуқий маданият” муҳим ва мураккаб тушунча бўлганлиги учун олимлар ўзларининг хилма-хил таърифларини берганлар ҳамда бу тушунчанинг ўзига хос жиҳатларини илмий ифодалашга ҳаракат қилганлар. Масалан, Х.Т. Одилқориев фикрича, “**ҳуқуқий маданият** – одамларнинг ҳуқуқий муносабатлари соҳасидаги ижтимоий аҳамиятга молик ижодий фаолият шаклларида бири. У ҳуқуқ нормалари, институтларида ва мазкур ҳодисаларни баҳолаш қобилиятида ўз ифодасини топган. Ҳуқуқий маданиятни, шунингдек, муайян ижтимоий гуруҳлар ва шахсларнинг давлат-ҳуқуқий тажрибасини уларнинг юридик аҳамиятга эга ҳуқ-атворида таъсир курсатувчи ҳаётий фаолиятнинг моддий ва маънавий маҳсуллари, кўникма ва қадриятларидаги ифодаси деб таърифлаш мумкин”⁸². Э.Х. Халилов эса “ҳуқуқий маданият - инсон ҳуқуқ соҳасида тўплаган барча қадриятлар мажмуи”⁸³, деб таъкидлаб, бу тушунчага қуйидагича таъриф беради: “Ҳуқуқий маданият–кенг тушунчадир. Ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг ғоят муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, у энг аввало одамларнинг қонунга муносабатларини ифодаловчи қарашлари ва эътиқодларидан, уларнинг ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурларидан, интилишлари ва туйғуларидан иборатдир”⁸⁴. Шахснинг ҳуқуқий маданияти – бу умумэътироф этилган ижтимоий қадриятлар нуқтаи назаридан қараганда индивидуал қарашлар, сабаблар, ҳуқуқий йўл-йўриқлар бўлиб, улар ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қонуний ҳамда ижтимоий фаол ҳаракатга асос бўлади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти -ҳуқуқий онгни, аниқ мақсадни кўзлаб тарбиялаш натижаси, унинг энг юқори босқичи.

⁸² Ўша жойда, - 106 б.

⁸³ Одилқориев Х.Т., Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. -106 б.

⁸⁴ Халилов Э. Х. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. –Т.: Ўзбекистон, 1997. - 7 б.

Демократик ҳуқуқий давлатни ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида биз одамларнинг психологиясини ўзгартириб, уларда янги ҳуқуқий онгни шакллантиришимиз лозим. Ҳар бир киши инсон эркинликлари–айни вақтда муайян бурч, мажбурият ва масъулият эканлигини чуқур ҳис этиб туриши - ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиш даражаси билан боғлиқ.

Ушбу масала бўйича тадқиқотлар олиб борган рус олимлари В.И. Каминская ва А.Р.Ратиновлар ҳуқуқий маданият таркибига давлат иродасини ифодаловчи нормалар тизими бўлмиш ҳуқуқ; ҳуқуқий муносабатлар тизими; ҳуқуқий назорат, тартибга солиш ва ҳуқуқ ифодасини таъминловчи давлат органлари ва жамоат ташкилотлари тизими бўлмиш ҳуқуқни муҳофоза қилувчи муассасалар; ҳуқуқий онг, хатти-ҳаракат, яъни жами ҳуқуқий воқеликни маънавий акс эттириш тизими; ҳуқуқий хатти-ҳаракат, яъни ҳам қонуний, ҳам ғайриқонуний ҳулқ-атвор (фаолият)⁸⁵ каби маданий комплекслар киришини ифодалаб берганлар.

Олимларнинг бу фикрларини таҳлил қилган Ҳ.Т. Одилқориев “бизнингча, бу рўйхатга ҳуқуқ ва ҳуқуқий ҳулқ-атворни сиёсий баҳолаш мезонларини, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини ва ҳуқуқ фанини ҳам киритиш”⁸⁶ ни тўғри таъкидлайди.

У.Тожионов ва А.Саидовлар эса ҳуқуқий маданият ҳақида фикр билдириб, “жамиятнинг ҳуқуқий маданияти”, “шахс ҳуқуқий маданияти” тушунчаларини алоҳида таҳлил қилишади ҳамда бу тушунчаларнинг ўзаро алоқадорлигини ҳам кўрсатиб беришади. Уларнинг фикрича, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий онгининг, қонунийликнинг, қонунларни такомиллаштиришнинг ва ҳуқуқий тажрибанинг муайян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган бутун бойликларни

⁸⁵ Каминская В.М., Ратинов А.Р. Правосознание как элемент правовой культуры., Правовая культура и вопросы правового воспитания. М.: 1974. – С.43.

⁸⁶ Қаранг.: Одилқориев Ҳ.Т., Ғойибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. –105 б.

қамраб оладиган ижтимоий маданиятнинг бир тури сифатида қаралади. Моҳияти жиҳатдан, бу унинг ҳуқуқий тафаккур, юридик техника (услугият) ва ҳуқуқий тажрибанинг мужассамлантирилишидир. У амал қилаётганда ва унинг таркибий қисмлари ривожлантирилаётганда ҳуқуқнинг ўзига, ҳуқуқий амалиёт, ҳуқуқий ижодкорлик ва ҳуқуқни қўллаш, шунингдек, бошқа ҳуқуқий фаолиятларга, бутун ижобий ҳуқуқий борлиққа сингиб кетади⁸⁷. Уларнинг фикрича, ижтимоий тараққиётда ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият бунёдкорлик, батартиблик ўрнатади. Бу тушунчалар инсонсиз ва унинг дунёқарашини белгиловчи фаолиятсиз, бундай фаолият ва тафаккурнинг прогрессив йўналишисиз мавжуд бўла олмайди. У бу ерда ҳуқуқий реалликнинг ҳақиқий амал қилиши ва ривожланишидаги муҳим жиҳатларини қамраб олувчи, аниқ белгиланган мақсадларга йўналтирилган ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Шунингдек, ҳуқуқий воситани қўллашга – шахс ва жамиятни прогрессив ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш муҳимдир. Ҳуқуқий маданият фақат ижтимоий тараққиёт доирасидагина тўлиқ ҳолда тушунилиши мумкин. Ҳуқуқий маданият тарихий ижобий ҳуқуқий тажрибани эътиборга олмасдан мавжуд бўла олмайди.

“Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти” тушунчаси кўпинча ҳуқуқий воқеликнинг қимматли бўлаги, унинг олға қараб ривожланишининг даражаси сифатида намоён бўлади. У илғор ва ижобий маърифатпарварликнинг ҳуқуқий кадриятларини қамраб олади.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти шахс эркинлиги ва хавфсизлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг ҳуқуқий ҳимоя этилишини ва ижтимоий фаоллигини кафолатлаш учун замин бўлиб ҳисобланади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти жамият ҳуқуқий маданиятининг узвий таркибий қисмидир. Бу фаолият ҳуқуқ соҳасида жамият тараққиётига ва унинг маданиятига мос келади, натижада шахснинг ва жамиятнинг доимий ҳуқуқий бойиши содир

⁸⁷ Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси., 1998. - 30 б.

бўлади. Шубҳасиз, шахснинг юксак ҳуқуқий маданияти жамият тараққиётини таъминлайди. У инсоннинг билимдонлиги билан яқиндан уйғунлашиб кетади. Шахснинг ҳуқуқий онига нисбатан умумий ва ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуддир. Айти пайтда бу ҳуқуқий тарбияга ҳам боғлиқдир.

Профессорлар У. Таджихонов ва А. Саидовларнинг талқинига кўра, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий оннинг, қонунийликнинг, қонунларни такомиллаштиришнинг ва ҳуқуқий тажрибанинг муайян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган бутун бойликларни қамраб оладиган ижтимоий маданиятнинг бир туридир.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти – жамият ҳуқуқий маданиятининг зарурий шарт-шароити ва илк бунёдкори, унинг мақсади ва таркибий қисмидир. Шу билан бирга у шахснинг ўзининг қонуний фаолият даражасида акс этувчи ҳуқуқий ривожланишининг жиҳати ҳамдир. У жамият ҳуқуқий ҳолати муайян даражасига боғлиқ ҳолда унинг муҳим негизини ташкил этади ва унинг асосида ётади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти амалиётда унинг ижобий ҳуқуқий онини тақозо қилади. У ҳуқуқ соҳасида жамиятнинг прогрессив ютуқларига мос келувчи ижодий фаолиятни ташкил этиб, натижада шахснинг доимий ҳуқуқий бойиши рўй беради⁸⁸.

Шундай қилиб, шахснинг ва жамиятнинг ҳуқуқий маданияти умуминсоний қадриятлар тушунчаларининг ва инсоният умумдемократик ютуқларининг муҳим натижасидир. Ҳуқуқий маданият – ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисмидир.

Бизнингча, **ҳуқуқий маданият шахснинг ҳуқуқий соҳада юзага келадиган ва умумбашарий ҳуқуқий орзу-мақсадларини ҳаётга самарали жорий этишни таъминлайдиган ички кечинмалари, билими ва хатти-ҳаракатларининг юксак даражасини ифодалайди. Мухтасар айтганда,** ҳуқуқий маданият шахсий эътиқодларга эмас, балки қонунга асосланиб ҳаракат қилиш қобилиятидир. Фикримизча, юқорида

⁸⁸ Таджихонов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.: Ўз.Р ИИВ Академияси, 1998. -30-31 бетлар.

келтирилган таъриф унинг асосий жиҳатларини қамраб олади, ҳуқуқий маданият тушунчасининг моҳиятини очиб беради.

“Ҳуқуқий маданият” тушунчаси кенг қўламли бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади. Ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий воқеликни ҳиссий идрок этишнинг муайян даражаси, аҳолининг қонунларни билиш даражаси, ҳуқуқ нормаларига нисбатан ҳурматнинг, уларнинг нуфузи эътироф этилганлигининг ифодаси, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни амалга ошириш жараёнларининг ҳолати, ҳуқуқ фаолиятининг ўзига хос усуллари (ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг иши, конституциявий назорат в.х.), ҳуқуқий фаолиятнинг одамлар яратган моддий ва маънавий неъматлар кўринишидаги натижалари (қонунлар, қонунчилик тизимлари, суд амалиёти ва ҳоказо).

Ҳуқуқий маданият ўзининг ички тузилишига ва ижтимоий алоқаларининг бойлигига кўра ўта мураккаб ҳодисадир. У фақат қонунлар, ҳуқуқ нормаларини билишнигина назарда тутмайди. Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгдан ташқари, ҳуқуқий тартибот ва қонунийликни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида ҳуқуқни ижро этиш фаолиятини ҳам ўз ичига олади. Ҳуқуқий маданият кўп қиррали ҳодиса сифатида илмий адабиётда унинг энг муҳим жиҳатлари, белгилари, мезонлари ва сифат хусусиятлари мажмуини аниқлаш йўли билан очиб берилади.

Мустақилликка эришгандан кейин республикамизда ҳам ҳуқуқий маданиятни шакллантириш демократик қадриятлар, ғоялар билан бойиди ҳамда ҳуқуқий демократик давлат қуришни ўзининг мақсади деб эътироф этди.

Ҳуқуқий давлатни шакллантириш вазифасини юксак ҳуқуқий маданиятсиз амалга ошириб бўлмайди. Худди шунингдек, ҳуқуқ ўзига муносиб олий қадрият ўрнини олмас экан, демократик фуқаролик жамиятини яратиб бўлмайди. Ҳозирги вақтда халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда тан олинган принциплари ва нормаларининг миллий ҳуқуқдан устунлиги эътироф

этилоқда, бу бизнинг ҳуқуқий маданиятимизни барча илғор ва тараққийпарвар ўзгаришлар учун очиқ қилмоқда, халқаро ҳуқуқда ўз ифодасини топган умуминсоний қадриятлар ва идеалларни ҳуқуқий маданиятимиз ривожланиши учун мезон ва мўлжал сифатида тасдиқламоқда. Ҳуқуқий маданиятнинг тараққий этиши жаҳон ҳуқуқий тарихини ҳулосаловчи кенг йўлдир.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг ғоят муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, у энг аввало одамларнинг қонунга муносабатларини ифодаловчи қарашлари ва эътиқодлари, интилишлари ва туйғуларидан иборатдир. Ҳуқуқий онг даражаси фуқароларнинг янги қонунлар қабул қилиш, давлат органларининг қонунни қўллаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш фаолияти билан боғлиқ фикрлари ва кайфиятларини, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ҳамда иқтисодий ўзгаришларга муносабатини белгилайди. Ҳуқуқий онг жамиятнинг, турли ижтимоий гуруҳларнинг объектив равишда келиб чиққан эҳтиёжлари ва манфаатларининг бевосита таъсирида шаклланади, ўзгариб турадиган объектив шароитлар ва жараёнлар таъсири остида доимий равишда ривожланиб боради. Демократик ҳуқуқий давлатни ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида, одамларнинг эскича психологиясини ўзгартириб, уларда янги ҳуқуқий онгни шакллантиришимиз лозим. Шундай бўлсинки, ҳар бир киши инсон эркинликлари айна вақтда муайян бурч, мажбурият ва масъулият эканлигини чуқур ҳис этиб турсин.⁸⁹

Юқори даражадаги ҳуқуқий онгни шакллантиришга қаратилган фаолиятни ўрганиш унда асосий эътибор ҳуқуқий билимларни тарқатишга қаратилаётганлигини кўрсатмоқда. Айна пайтда ҳуқуқий тарбиянинг қонунга итоаткор қонуний хатти-ҳаракатни шакллантиришдан иборат муҳим мақсади четда қолмоқда. Бунинг устига бугунги шароитда қонунга итоаткорликнинг

⁸⁹ Қаранг: Каримов И.А. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин. Адолат, ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ.- Т.: Ўзбекистон 1998.- 59 б.

ўзи ҳам ҳуқуқий тарбиянинг аниқ мақсади бўла олмайди.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий онгни, аниқ мақсадни кўзлаб тарбиялаш натижаси, унинг энг юқори босқичидир.

Ҳуқуқий онг ўзига хос бўлган хусусиятларга эга. Улар:

1. Ижтимоий муносабатларни тартибга солиш унинг тўғри йўлини топиш кераклигини англаш.
2. Амалдаги қонун ҳужжатларининг мавжуд ижтимоий муносабатларга мос келиш-келмаслигини аниқлаш ва баҳо бериш.
3. Ҳуқуқий қоидаларни ўргатиш ва амалда татбиқ қилишнинг давлатга алоқадор вазифа эканлигини англаш.

Ҳуқуқий онг айна пайтда фуқароларнинг амалдаги ҳуқуқий қоидаларга ва қонунчиликка муносабатини ифодаловчи қарашлари, мулоҳазалари ва тасаввурлари ҳамдир. Ҳуқуқий онг қоидаларга нисбатан ҳосил бўлган туйғу ва тасаввурлар билан чекланмайди. Ушбу тушунча ҳуқуқий идрок, ҳуқуқий нормалар талабларни ҳис қилиш, фуқароларнинг ўз хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериши каби хусусиятларни ҳам ўз ичига олади.

Ҳуқуқий маданият – ҳуқуқий онгнинг маҳсули. Ҳуқуқий онг ривож топган жамиятда ҳуқуқий маданият юксалишига имконият яртилади. Жамиятдаги қонун-қоидаларнинг ривожланиши, ҳуқуқий тартиботнинг ўрнатилиши ҳуқуқий онгга боғлиқ бўлса, ушбу қонун-қоидаларни амалиётга тўғри татбиқ этилиши, уларга риоя қилиниши, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг тантана қилиши ҳуқуқий маданият қарор топишига боғлиқ.

Аммо қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши, ҳаётда уларга риоя қилинишини таъминлаш мураккаб ҳолатдир. Бу ҳақда И. Каримов Ўзбекистон Олий Мажлисининг XII сессиясида шундай деган: “Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинаётган қонунларимизни татбиқ этиш ўта қийинчилик билан бормоқда”⁹⁰.

Бу ҳол, Президентнинг таъкидлашича, яқин ўтмишимиз билан боғлиқ

⁹⁰ Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлигининг ҳаётбахш манбаи /Халқ сўзи. 1998. 6 декабрь

бўлиб, ҳозирги даврда умуман одамлар онги ўзгариши, Конституцияда ўз ечими ва қарорини топган энг муҳим талаб – инсон ҳуқуқининг давлат ҳуқуқидан устунлик принципи амалдаги қонунларимизда, давлат ва бошқарув идоралари фаолиятида ўз тасдиғи ва ижросини тўлиқ тополмаётганлиги, яъни бу “одамларимизда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги билан изоҳланади”⁹¹.

Демак, жамиятда юзага келаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган қонун-қоидаларнинг тўсиқсиз амалга ошиши ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Аҳолининг ҳуқуқ ҳақидаги тушунчаси, қонунга ҳурмат, ишонч ва унга амал қилиши “ҳуқуқий маданият” тушунчасининг мазмунини ташкил этади. Қонун ва амалиёт боғланмаган жойда ҳуқуқий маданият мавжуд бўлмайди. Шундай экан, ҳуқуқий маданият шаклланганлиги амалдаги қонун-қоидаларнинг бажарилиши, ҳаётга татбиқ қилиниши, уларга риоя қилиш билан боғлиқликда мавжуд бўлади.

“Ҳуқуқий маданият ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатади, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмак бўлиб, жамиятнинг яхлитлигини ҳамда батартиблигини таъминлайди ва мустаҳкамлайди”⁹².

Ҳуқуқий тарбия – жамият аъзолари хатти-ҳаракатларининг юриш-туриш маданиятига, онгига, мунтазам ва мақсадга мувофиқ таъсир этиш жараёнидан иборат. Бу жараёнда фуқароларнинг муайян ҳуқуқий билим даражасига эга бўлишига эришиш мақсад қилиб қўйилади.

Ҳуқуқий тарбиянинг асосий мақсади: қонун ва ҳуқуққа бўлган ҳурматни, шахсий эътиқодидан келиб чиқадиган қонунга итоаткорликни шакллантиришдир. Бунда ҳуқуқий муассасалар ва оммавий ахборот

⁹¹ Ўша асар.

⁹² Х. Раҳмонкулов. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият. Ҳуқуқий маданият-демократик истиқбол омили. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1999. 9-14 бетлар.

воситалари катта роль ўйнайди.

Давлат томонидан қўйилган ҳуқуқий талаблар ҳар бир кишининг онгига етиб бориб, унинг ички эътиқодига, қолаверса, кундалик турмушдаги амалий хатти-ҳаракатларига айланиб боришига эришиш зарур ҳуқуқий онглилик руҳида тарбиялашнинг асосий вазифаларидир.

Ҳуқуқий маданият умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, моддий, маънавий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик ва бошқа мафкуравий омиллар асосида ташкил топади ва ривожланиб боради. Амалий ишлар жараёнида ҳуқуқий маданиятни шакллантира бориш шундан далолат берадики, ҳуқуқий маданият кишиларга ҳуқуқ-тартибот ва қонунлар тўғрисида кўпроқ тушунча беради, уларнинг ҳуқуққа бўлган муносабатларини мустаҳкамлайди, қонун чиқарувчи, қонунни жорий этувчи ва уни муҳофаза қилувчи органга нисбатан талабчанликни оширади, Ҳар бир кишининг жамият олдидаги ўз бурчи ва мажбуриятларини оғишмай бажаришни тақозо этади.

Қонундан ташқари яна кишиларда маданий савия деган фазилат ҳам борки, уни ҳеч бир қонунга бўйсундириб бўлмайди. Айни шу муддаога эришишда маҳаллаларнинг, жойлардаги маданият муассасаларининг роли каттадир.

Ҳуқуқий давлат қарор топгандагина инсоннинг ҳар томонлама ривожланиши учун кенг имкониятлар очилади, инсон эртасига, тақдирига ишонч билан қарайди, мустақил, озод давлатимизнинг нуфузи мустаҳкамлана боради. Ҳуқуқий давлат тузиш каби орзунинг амалга ошиши учун эса, биринчи навбатда, ҳуқуқий маданиятни жонлантириш лозим бўлади. Бу борада бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан бирмунча ночор аҳволга тушиб қолган бўлса-да, маданият муассасалари, кутубхоналар, клублар ҳам баҳоли қудрат хизмат қилиб турганлигини таъкидлаш мумкин.

Ҳуқуқ ижтимоий тараққиёт маҳсули бўлиб, жамият ҳаётида, ривожда маълум муайян қонун-қоидалари асосида, улар ёрдамида тартибга солинади. Шу боис, жамият ва ҳуқуқ бир-бирини тақозо этувчи тушунчалардир,

бошқача айтганда, қаерда жамият бўлса, ўша жойда ҳуқуқ ҳам мавжуддир. Ҳуқуқнинг вазифаси жамиятдаги барча ҳуқуқ субъектлари учун мажбурий ҳуқуқий тартибни ўрнатиш ва уни сақлаб туришга қаратилгандир.

Юқорида таъкидланганлардан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

1. “Ҳуқуқий маданият” ғоят кенг ва чуқур маъноли тушунчадир. Айтиш керакки, унинг ижтимоий аҳамияти ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга меъёрий таъсири билангина чекланмайди. Умумбашарий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланмиш ҳуқуқий маданият ҳаётнинг турли соҳаларида инсонлар онгининг шаклланишига, уларнинг фаолиятига бевосита ва ҳар томонлама таъсир этади.

2. Жамиятда, ижтимоий онгда ҳуқуққа қадрият сифатида қарашни ҳар бир шахс онгида шакллантириш орқалигина ҳуқуқий давлатга хос бўлган қадриятларга: ижтимоий адолат, инсонпарварлик, эркинлик, тенглик, ошкоралик ва бошқа демократик идеалларга (юксак орзуларга) эришиш мумкин бўлади. Бунда ҳуқуқ умумбашарий идеалларнинг рўёбга чиқиши учун шарт-шароит яратади. Ҳуқуқий маданият ўзининг қандай кўринишида намоён бўлишидан қатъи назар, доимо ҳуқуққа бўлган ана шундай муносабатга асосланиши керак.

3. Ҳуқуқий маданият ҳар бир шахснинг, аввало, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билиши, уларни ҳаётда тўғри қўллай олиши, хусусан, ҳуқуқий воситалар ёрдамида ўзини ҳимоя қила олиши учун зарур. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқаларнинг, шунингдек, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

4. Юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда шахс ва давлатнинг ўзаро масъулияти принципи алоҳида ўрин тутди. Ўзаро масъулият принципининг мавжудлиги ва қонуний асосланганлиги ҳар бир шахснинг давлат олдида, давлатнинг эса ҳар бир фуқаро олдида масъулият ҳис этишини таъминлайди. Жамиятда

ҳуқуқнинг, ҳуқуқий маданиятнинг беқиёс аҳамиятга эгаллиги шундаки, ҳуқуқ ва юксак ҳуқуқий маданият асосидагина инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш ва илғор жамият сари бориш мумкин.

Аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Фуқаролар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда табақалаштирилган ёндашув зарур, чунки аҳолининг турли қатламлари қонунларнинг моҳиятини турлича тушуниши мумкин.

Ҳар қандай шахснинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, жумладан аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ҳам ўз-ўзидан юзага келадиган жараён эмас. Чунки аёллар ўзига хос демографик гуруҳ бўлиб, аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этади. Жамият – шахсларнинг моддий неъматлар ҳамда ўз-ўзини қайта ишлаб чиқариш фаолиятидир. Бу соҳада жинслар ўзига хос функцияларни ва ролларни бажарадилар. Жинсларнинг био-физиологик тузилишига кўра моддий неъматлар яратиш жараёнида бош ролни эркак, ўз-ўзини қайта ишлаб чиқаришда эса бош ролни аёл бажаради. Шунга кўра эркаklar асосан жамиятнинг моддий-иқтисодий тараққиётини, аёллар эса унинг узлуксиз ривожланишини таъминлаб туради. Шу боисдан ҳам юқорида таърифлаганимиздек, аёллар фақат уй бекаси, оналик вазифасини бажаришиб, оила доирасида кўп аср қолиб кетдилар. Натижада ижтимоий тараққиётга билвосита, ишлаб чиқариш кучларини етиштириб бериш орқали ўз ҳиссаларини қўшдилар⁹³. Аммо бу меҳнатлари қадрланмади, унга ҳақ олмадилар. Саноатнинг ривожланиши, фан ва техниканинг такомиллашуви аёлларни ҳам ишлаб чиқаришда қатнашувига имконият яратди.

Аммо бу жараён ўз-ўзидан рўй бермади. Чунки аёллар меҳнати эркаklar меҳнатидан фарқ қилади: аёллар фақатгина моддий неъматлар ишлаб

⁹³ Қаранг.: Машика Т.А. Занятость женщин и материнства. – М.: Мысль, 1989, с. 7-8

чиқармасдан, балки оналик вазифасини ҳам бажаради. Шунинг учун аёлларнинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш имкониятлари эркакларникига нисбатан миқдор ва сифат жиҳатдан чеклангандир. Аёллар меҳнатининг миқдорий чекланишининг сабаби ижтимоий зарурият туфайли ҳомиладорлик таътилига чиқиши, фарзандини тарбиялаши, оила хўжалигини тебратиши ва бошқалардир.

Аёл жисмининг руҳий - физиологик ўзига хослиги туфайли унинг меҳнати эркаклар меҳнатидан сифат жиҳатдан ҳам фарқланади. Аёллар маълумотини ва касбий маҳоратларини оширишлари учун эркакларга нисбатан жуда кам бўш вақтга эга бўладилар. Аёллар кўп вақтларини уй-хўжалик ишлари билан, фарзанд туғиш, уларни парваришлаш ва тарбиялашга сарфлашади. Шунинг учун уларнинг касбий маҳоратини оширишга кам вақт қолади.

Аёллар меҳнати, унинг ўзига хослигини тадқиқ этганда фарзанд туғиб, тарбиялашнинг ижтимоий меҳнатининг бир қисми деб қараш билан бирга, бу меҳнатнинг шаклланиш усули, тараққиёт қонуниятларини эътиборга олиш талаб этилади. Чунки аёллар меҳнатининг ўзига хослиги, уларнинг аҳолини янгилаб туриш ва ёш авлодни тарбиялаш жараёнидаги асосий мавқеидан келиб чиқиш лозим. Аёллар меҳнат фаолиятларини уй-хўжалик ва оналик вазифалари билан уйғунлаштиради. Уй-хўжалик ишларининг енгиллашиши эса мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга боғлиқдир.

Аёлларнинг оналик вазифасини бажариши эса ижтимоий тараққиётнинг барча давлари учун зарурият ҳисобланган. Шунинг учун аёллар меҳнатини баҳолашда мана шу махсус, ўзига хос омилларни ҳисобга олиш зарур.

Аёллар меҳнати – бу аёлларнинг жисмоний ва маънавий имкониятларни ижтимоий ишлаб чиқариш, уй-хўжалиги, фарзандларини парваришлаши ва уларни тарбиялашга сарф қилган фаолият жараёни ҳисобланади. Собиқ советлар даврида аёлларни ижтимоий меҳнатнинг барча соҳаларига жалб

этишда маълум ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий ишлар қилинди⁹⁴. Аммо улар бирёқлама характерга эга эди.

Шубҳа йўқки, аёлларнинг меҳнатдаги фаоллиги уларнинг моддий манфаатдорлигини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлайди. Чунки оила моддий жиҳатдан таъминланган бўлсагина оила аъзоларининг моддий ва маънавий харид эҳтиёжлари қондирилади. Турли техник асбобларни қўллаш орқали уй-хўжалик қўл меҳнатида фойдаланишни камайтириш мумкин, шунингдек, маиший хизмат кўрсатишдан, умумий овқатланишдан фойдаланиш мумкин, бу эса ўз навбатида бўш вақтдан унумли фойдаланиш имкониятини туғдиради. Шунингдек, меҳнаткаш аёл декрет таътилига чиққанда, фарзандларини парваришлаган вақтда, уларнинг соғлигини тиклаган пайтда ҳам маош олиб туриш имконияти мавжуд бўлади. Болалар боғчаларидан, мактаб лагерларидан имтиёзли фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Колаверса, яшаш шароитини яхшилайти, қариган чоғида нафақа олиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Шунинг билан бирга, аёлларнинг иқтисодий жиҳатдан мустақилликка эришиши, уларни оиладаги мавқеини ҳам ўзгартиради ҳамда касбий маҳоратини оширишга кенг имконият яратади. Ҳозирги даврда ривожланётган давлатда аёллар учун мутахассисликка эга бўлиш ҳам рафиқа бўлишдек қадрият ҳисобланади ҳамда юқори баҳоланади.

Шунингдек, янги ишлаб чиқарувчи кучларнинг комиллиги оилада аёлнинг тутган ўрнига боғлиқ⁹⁵. Бундай авлодни тарбиялаш аёлларнинг жисмоний саломатлигига ва маънавий камолотига боғлиқдир. Шундагина аёллар келажак учун соғлом, баркамол, интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва бошқа сифатларга эга комил инсонни тарбиялаши мумкин бўлади.

Кўриб турибмизки, аёлларнинг 2 вазифани бажариши бир-бирига номутаносиб: аёл бир вақтнинг ўзида ижтимоий меҳнатда ҳамда оналик

⁹⁴ Қаранг.: Эгамбердиева Т. Аёл ва давр. – Т.: 1994. - 18 б.

⁹⁵ Аёлга эҳтиром. –Т.: Ўзбекистон, 1999. -11 б.

вазифасини бажаришда баб-баробар ўз истеъдод ва имкониятларини рўёбга чиқара олмайди⁹⁶. Икки соҳани ҳам бирдай олиб бориш аёллардан катта куч талаб қилади, уларнинг бўш вақтини камайтиради.

Шундай қилиб, аёлларнинг ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш, жамоат ишларида қатнашуви ва оналик вазифасини бажариши ўта мураккаб жараён бўлиб, олимлар эътиборини жалб этадиган муаммо ҳисобланади. Бу ҳақда жаҳон олимларининг фикрлари ҳам турлича. Айрим журналистлар ва олимлар симпозиум ва анжуманларда аёллар меҳнатидан воз кечиш ҳақидаги фикрни ҳозирги кунгача таъкидламоқда. Улар аёлларни оила доирасига қайтариш фикрини билдиришмоқда. Тарих ғилдирагини орқага қайтариб бўлмаганидек, бу ҳодисани ҳам амалга ошириш мумкин эмас.

Тарихий тараққиёт жараёни шундан дарак берадики, аёлларнинг ижтимоий меҳнати туфайли жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларида туб ўзгаришлар юз берди, тараққиёт тезлашди, жамият барқарорлашди. Аёллар меҳнати жамият, оила ва ўзларининг манфаатлари учун ҳам фойдали бўлди.

Дастлаб аёллар меҳнати туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ошди, бу истеъмолни кўпайтирди, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирди. Шундай қилиб, аёллар меҳнати яшаш даражасини такомиллаштирди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашиб, аёллар иқтисодий мустақилликка эга бўлдилар, бу ўз навбатида, аёллар билан эркакларнинг тенглиги ғоясини келтириб чиқарди ҳамда уни амалга ошириш жараёнини тезлатиш имконитини яратди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий меҳнатда қатнашиб, аёллар фақатгина ўзини-ўзи моддий жиҳатдан таъминламасдан, балки маънавий-ахлоқий қониқиш ҳам ҳосил қилдилар.

Фақат меҳнат жараёнида аёллар ўзларининг малакаларини оширдилар, ишлаб чиқариш тажрибаларига эга бўлдилар, назарий ва техникага оид

⁹⁶ Қаранг.: Зидер Р. Социальная история семьи. –М.: Владос, 1997. - С. 243.

билимларини оширдилар, ўзларининг ижодий қобилиятларини намоён этдилар, ўзининг манфаатдорлик имкониятларини кенгайтириб борди. Агар аёллар меҳнат жамоаларида ишламаса, уларнинг жамоа фикри билан ҳисоблашиш, мустақиллик, масъулиятни ҳис этиш, дунёқарашнинг кенглиги, ташаббускорлиги, ишга ижодий ёндошув каби фазилатлари шаклланмаган бўларди.

Меҳнат жараёнида аёллар ўзининг мутахассислиги, ҳаётий тажриба ҳамда оилавий муаммоларга оид жуда катта ҳажмдаги маълумотларга эга бўлишади. Улар кўпроқ адабиёт ва санъат, маданият билан қизиқадилар. Меҳнат аёлларнинг оилавий ҳаётига ва оилавий муносабатларига ҳам ижобий таъсир қилади. Билимдон, сиёсий онги шаклланган аёллар тарбиялаган фарзандлар ҳам комил бўлиб тарбия топади.

Оилада меҳнат тақсимооти ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай оилаларда бошқа оила аъзолари ҳам уй-хўжалик ишларига фаол қатнашадилар. Фақат меҳнаткаш аёлнинг ўзига қарашга ва фарзандлари билан кўпроқ мулоқотда бўлишга вақти қолмайди, шунга қарамасдан оила маблағи ошади. Маблағнинг етарли бўлиши фарзандларни тарбиялаш учун шароит яратишга, уларнинг билим олиши, спорт турлари, мусиқа билан шуғулланишига имконият яратади. Бизнинг ўтказган тадқиқотларимизда меҳнаткаш аёл уй бекасига қараганда кўпроқ фарзанд тарбиясига аҳамият берар экан. Шунингдек, оилада аёл боқиманда бўлса, яъни ишламаса, улар тарбиялаган фарзандлар ҳам шунга яраша бўлиб ўсиши аниқланган.

Шундай қилиб, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашуви жамиятда маҳсулот ишлаб чиқаришни ва миллий даромадни кўпайтиради, аёлларнинг ижтимоий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлайди, уларнинг ҳар жиҳатдан тараққий этишини, истеъмол доирасини кенгайтиради, оилавий муносабат маданиятини юксалтиради ва жисмоний соғлом, маънавий баркамол фарзандлар тарбиялашига имконият яратади.

Аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш динамикасига

эътибор берадиган бўлсак, улар жаҳоннинг турли минтақаларида турлича амалга ошган. Буларнинг хилма-хиллиги ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти, халқ хўжалиги, демографик ўзига хослиги, миллий ва оилавий урф-одатларига боғлиқ бўлади⁹⁷.

Турли миллатга мансуб аёллар меҳнатининг умумий жиҳатлари ҳам кўп, айниқса, уларнинг меҳнати ташкил этиш шакли, ижтимоий аҳамиятида деярли фарқ йўқ. Фарқ турмуш шароитининг ижтимоий-маиший ишлаб чиқаришда оила фаолиятида ва бўш вақтни сарф этиш ҳолатларида мавжуд. Турмушнинг миллий ўзига хослиги табиий шароитлар, тарихий тараққиётнинг хусусияти, урф-одат ва анъаналар ва уларнинг яшовчанлигига боғлиқдир.

Агарда мана шу одатларда аёлларнинг мустақил бўлиши учун, уларнинг ўз истеъдод ва имкониятларини ҳаётда амалга оширишлари учун кенг йўл очилса, унда аёллар паст малакали, кам даромад келтирадиган, иш шароитлари оғир жойда меҳнат қилишдан тезроқ қутуладилар. Аксинча, улар ақлий меҳнат билан шуғулланадиган иш жойларида фаолият кўрсатадилар. Жаҳон миқёсида ўтказилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, ҳозиргача аёллар орасида оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланганлар кўпчилиқни ташкил этади. Чунки малакали ақлий меҳнатга юқори даражада ҳақ тўланади.

Аёллар ақлий меҳнат билан банд бўлишлари учун эса маълумот олишлари, техникадан фойдаланиш технологияларини билишлари лозим бўлади. Шундагина аёллар меҳнатининг самарадорлигини ошириш мумкин. Бу ҳолат аёлларнинг куч-қувватини сақлайди ва фарзандлар тарбиясига, ўзига қараш учун вақти бўлишини таъминлайди. Шунингдек, аёлларга қанчалик яхши иш шароитлари яратилса, улар шунчалик оналик ва тарбиявий ишларга имконият ортади. Асосан, саломатликлари яхшиланади.

⁹⁷ Қаранг.: Машика Т.А. Занятость женщин и материнства. – М.: Мысль, 1989, с. 14

Хотин-қизларнинг 1995 йили Пекинда бўлиб ўтган Тўртинчи Жаҳон Конференциясида муҳокама этилган масалалардан бири – аёлларнинг билим олишини таъминлаш ва касбий маҳоратни ошириш масаласи ҳисобланди. Бу ҳолатни амалга ошириш аёлларнинг ўз кучи ва имкониятларига ишончини ошириш билан бирга жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашда, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол иштирок этишини таъминлашга имконият яратади. Ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлиш аёллар учун нашр этилган турли маълумотларни ўзлаштиришга, зарурий амалий малака ҳосил қилишга, янги технологияларни ўзлаштиришга ёрдам беради. Ўз навбатида аёлларнинг бундай имкониятларга эга бўлиши уларнинг ҳаётини яхшилайдди. Шунинг учун ҳам инвестицияларни аёлларнинг маълумот олиши ва билимининг мукамаллаштиришга сарфлаш мақсадга мувофиқдир, деб топилди.⁹⁸

Аёлларнинг билим олиш ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳуқуқларидан ва, энг муҳими, тенглик, тараққиёт, тинчлик каби мақсадларга эришиш воситаларидан биридир. Лекин бу ҳуқуқ ҳар бир кишининг шахсий ҳуқуқи деб ҳисобланиши хато бўлур эди. Фан-техника тараққиётининг ҳозирги суръатлари шу қадар илдамки, муттасил билим олиш муаммосини юзага келтирмоқда. Камситилишларга йўл қўймай билим бериш нафақат қизларга, балки ўғил болаларга ҳам фойда келтиради ва шу билан пировардида эркаklar ва аёллар орасида тенг ҳуқуқли муносабатларни ўрнатишга кўмаклашади. Билим олишда тенглик ва уни олиш имкони кўп сонли аёллар ҳукумат ислохотларининг фаол иштирокчиларига айланишлари учун зарурдир.

Замонавий аёлга шунчаки саводли бўлиш: ўқиш, ёзиш, ҳисобни билиши етарли эмас, унинг олдида таълимнинг сифати, муаммоси пайдо бўлиб, доим мустақил таълим устида ишлаб, тинимсиз ўз билимларини орттириб,

⁹⁸ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: Асосий омилар. Т.: Ўзбекистондаги БМТнинг ваколатхонаси. 2001. - 274 б.

чукурлаштириб боришни талаб этади⁹⁹. Хотин-қизлар орасида саводхонлик улар оиласида фарзандларнинг соғлиғини сақлаш, овқатланиш ва таълим олишини таъминлашда қўл келади.

Бу соҳада олиб борган тадқиқотлар ҳам шуни кўрсатмоқда: Оналар билими юқори бўлган оилаларнинг иқтисодий аҳволи яхши бўлади; оналар билими юқори бўлган оилаларда болалар жинояти кам содир бўлади; билимли оналарнинг фарзандлари одатда доимо тўқ, яхши кийинган ва камроқ касалга чалинувчан бўлади; билимли онанинг фарзандлари фан ва техниканинг янги йўналишларини тезда ўзлаштириб олади; билимли она ўз ўғил-қизларига оила қуриш, уни парваришлаш, оиланинг моддий таъминоти ҳақида кўпроқ маълумот беради ҳамда фарзандларига ўз жисми, саломатлигини сақлашни ўргатади. Шунинг учун ҳам билимли аёллар туғиш пайтида камроқ нобуд бўлади, аёллар билими қанчалик юқори бўлса, уларнинг ҳаётда танлаш имконияти шунчалик кенг бўлади, жамият ва оилада ўз мавқеини англаш учун шароит ярата олади; билимли аёллар ўз фарзандларини ҳаётда ўз ўрнини топишга, билим олиш, касб танлаш, мутахассисликка эга бўлишга яқиндан қўмаклашиш имкониятига эга бўлади; аёл билимли бўлса, атрофдаги воқеа-ҳодисаларни тўғри таҳлил қила олиш қобилияти кучли бўлади ҳамда фарзандларига тўғри маълумот бериш имкониятига эга бўлади; оқила она тарбия қилган фарзандларда муомала маданияти юксак бўлади; билимли аёллар ўз фарзандларини ҳаётнинг мураккабликларига тайёрлаб боради ва ҳоказолар¹⁰⁰.

Ўзбек аёлининг ҳаётида турмушга чиқиш энг асосий воқеадир. Отасининг уйидаги ўтган ҳаёти унинг келин (қайнонаси учун), хотин (эри учун) ва она (фарзандлари учун) бўлишига тайёргарликдир. Халқ мақолида “Қиз бола бировнинг хасмидир” дейилади. Итоаткор, чаққон ва камгап кизнинг никоҳга тайёрланиши замонавий аёл андозасидир.

⁹⁹ Қаранг.: Ўзбекистонда хотин-қизлар. Қонун ва жамият муаммолари. -Т.: 1999. - 14 б.

¹⁰⁰ Холматова М., Муравьева Н.М. Ёшлар оилавий ҳаёт бўсағасида. Т.: Ўзбекистон, 2000. – 64 б.

Аёлнинг оиладаги роли иккинчи даражали. Уйда эрини чидамлилики билан кутиб ўтирган аёл энг яхши ҳисобланади. Ёшларни таништириш бўйича ёшлар томонидан кўрсатилган ташаббус хуш келмайди, айниқса, қизлар томонидан кўрсатилган ташаббус қораланади. Агар қиз оилада ўзи танлагани борлиги ва унга турмушга чиқмоқчи эканлигини эълон қилса, оилада бу рад этилади. Одат бўйича танишиш совчилар орқали амалга оширилгани маъқул ҳисобланади. Ота-оналарнинг розилигидан сўнг ёшлар биринчи учрашувга чиқадилар, ундан кейин эса улар ота-оналарининг танловини тасдиқлашлари ёки рад этишлари лозим. Кўпчилик ҳолларда ота-онанинг танлови ҳал қилувчи бўлади. Никоҳингизнинг ташаббускори ким деган саволга аёлларнинг 52 фоизи ўз никоҳ ришталарини ота-оналарининг иродаси билан боғланганларини, фақат икки фоиз аёл ота-онасининг иродаси уларнинг туйғулари билан мос тушганлиги кўрсатди. Бошқача айтганда, аёллар турмушга чиқишда қарор қабул қилиш учун шахсий эркинликка эга эмас. Улар учун жуда муҳим ҳаётий воқеанинг асоси ота-онанинг хоҳиши, ота-онанинг танлови, деб ҳисоблайдилар. Аёллар ихтиёрий равишда турмуш қуришдаги танлаш ҳуқуқларини ота-оналар зиммасига юклайдилар.

Сўралганларнинг 42 фоизи ўз ташаббуслари билан севиб турмушга чиққанлар. Сўралганларнинг 2 фоизи ўз хоҳишларига қарши турмушга чиққанларига иқдор бўлдилар.

Иккинчи ва учинчи жавоблар ўртасида тенглик ишорасини қўйиш мумкин. Шундай қилиб, сўралганларнинг 54 фоизи ўз хоҳишларига қарши, сукут билан, эътирозларсиз бировнинг иродасига бўйсундилар.

Анъанавий кўрсатмалар қизга турмушга чиқиш ёки чиқмаслик хоҳишларини намоён қилиш имконини бермайди. Бу жамият томонидан қиз зиммасига юклатилган мажбуриятдир ва бу мажбуриятни бурч сифатида ўз хоҳиши, ҳис-туйғулари ва иродасига қарши равишда 100 тадан 54 ҳолатида бажариши лозим. Шундай қилиб, тадқиқот натижаларига кўра ҳар иккинчи аёл никоҳда ўз ҳуқуқлари тўғрисида ўйлаб кўрмасдан, ҳис-туйғу ва

хоҳишларини инобатга олмай яшамоқда.

Бу никоҳга ўтишда сўралганларнинг ярмидан кўпи ўз хоҳишини эркин изҳор эта олмаслигини англатади. Аёлларнинг оиладаги бундай аҳволи Оила кодексига зиддир. Никоҳ ихтиёрий равишда тузилади. Никоҳ тузиш учун бўлғуси эр-хотинлар ўз ихтиёрларини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлишлари лозим. Никоҳдан ўтишга мажбур қилиш тақиқланади.

Қадим замонларда Шарқ мамлакатларида қизни иложи борица эрта эрга берганлар. Жинсий етукликнинг биринчи белгилари пайдо бўлиши билан қизни жиддий равишда эрга беришга тайёрлаганлар ва у 12-13 ёшга етганда узатиб юборганлар. Ўзбекларга нисбатан қорақалпоқларда бу ёш 2-3 йилга каттадир. Бу одат айрим ўзгаришларга учраган бўлса ҳам асосан шундайлигича қолди¹⁰¹. Қизини иложи борица эртароқ эрга беришга интилиш эса бугунги кунда ҳам сақланиб қолган. Одатда, ёш қизни янги оиланинг қоидаларига бўйсунтиришга мажбур қилиш осонроқ бўлади, деб ҳисоблашади. “Ёш новда тез эгилади” деган нақл ҳам бор. Унда жамиятда қадимий одат ва анъаналарга асосланган ҳолда аёлларни дискриминация қилишнинг негизи, асоси ифодаланган. Ушбу одатларга кўра, аёл эрининг уйида унинг оиласидаги қонунларга бўйсунтириш шарт. Бу англанмаган дискриминация қилишнинг бутун бир қатламидир ва бутун оилавий ҳаёт шунга асосланиб қурилади.

Сўралганларнинг ярмидан кўпи 19-20 ёшга етган қизлар турмушга чиқиши шарт, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, қизлар йигирма ёшида оила қуриш, фарзанд кўриш, оилани таъминлаш ва келгуси авлодни тарбиялашга тайёрдирлар. 42 респондентнинг жавобида қизлар 21дан 25гача бўлган ёшда оила қуриш лозим, деб ҳисобланади. Фақат бир респондентнинг жавобдагина қиз шошмаслиги мумкин ва оилани 25 ёшдан кейин ҳам барпо қилса бўлади, дейилади.

Мазкур савол бўйича сўров натижалари кишини ўйлантиради.

¹⁰¹ Қаранг.: Абдуллаева Я. Қорақалпоғистон хотин-қизлари кеча ва бугун.—Т.:Ижод дунёси, 2004.- 196 б.

Сўралганларнинг 96 фоизи 25 ёшга етган қизларнинг турмуш қуриши шарт, деб ҳисоблайди. Демак, 25 ёшида аёл нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам етук бўлиши лозим. 25 ёшида у оила қуриш ва уни сақлаб қолиш, ўзини ва ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконини берувчи билим ва тажрибага эга бўлиши лозим. Бу ёш қиз учун ҳар доим ҳам қўлидан келадиган иш эмас.

Кўпгина юртдошларимизда 20 ёшдан ошган қизлар қари қиз бўлиб қолади, деган фикр мавжуд. Бу тамға унга ҳар бир балоғатга етган қизни кузатиб боровчи маҳаллада қўйилади. Агар қиз белгиланган (18-21) ёшда турмушга чиқмаса, у кейинчалик умуман турмушга чиқа олмаслиги ҳам мумкин. Унинг тўғрисида миш-мишлар тарқата бошлайдилар ва қизга куёв сифатида ажралишган ёки ундан ёши анча катта бўлган бева кишилардан совчилар кела бошлайди. Бу ёш қизнинг қадр-қимматини янада кўпроқ камситади. У ўзи билан ўзи кўпинча яккаланиб қолади.

Одат (ёзилмаган қонун) қизни гоҳ қари қиз бўлиб қолиши билан кўрқитиб, гоҳ ғоявийлашган оилавий ҳаётнинг бўрттирилган сароблари остида тезроқ эрга тегишга ундайди. Шундай қилиб, эрта никоҳларга хайрихоҳлик одати аёлни 25 ёшгача турмушга чиқишга мажбур қилади. Бунга аёлнинг оиладаги аҳволини дискриминация қилувчи омил дейиш мумкин. Қаҳри қаттиқ одатлар қизга 25 ёшдан кейин мукаммал оила барпо қилишга деярли имкон қолдирмайди. 18 ёшдан бошлаб кўпчилик қизлар амалга ошмаган бурчдан виждон азобини ҳис қила бошлайдилар. Бунга 2000 йилда “Оила ва жамият” рўзномасига келган хатлар далил бўла олади. Ноқулайлик ва норасолик ҳисси уларни таъқиб қила бошлайди ва қизнинг онгида ёмон из қолдиради. Ҳеч қандай бошқа ҳаётий мақсадлар кучи унга тенг кела олмайди. Деярли ҳамма ҳолларда қизнинг бундай ҳолати ота-онаси, қариндошлари ва умуман жамият томонидан шаклланади. Анъанавий фикрлаш доиралари эрга тегмаган қизлар ва аёлларни чеклайди, қўл-оёғини боғлаб қўяди, бунинг натижасида уларнинг орзу-умидлари ва ҳаётдаги

даражалари рўёбга чиқмаслиги мумкин.

Оилада ким бошчилик қилади деган саволга:

- сўралганларнинг 58 фоизи эр бошчилик қиладиган оилаларда яшашларини айтдилар (ва буни тўғри деб ҳисоблайдилар);
- сўралганларнинг 22 фоизи қайнона ёки 3 фоизи қайнота бошчилик қилувчи оилаларда яшайдилар;
- 10 фоиз ўзларини оилада бошчилик қилувчи деб ҳисоблайди, улардан биттаси эрга тегмаган, иккитаси ажралишган, миллий таркиби бўйича улардан иккитаси рус, иккитаси татар, биттаси қозоқ, шундай қилиб, эрга теккан икки ўзбек аёли ўзлари оилани бошқаришларини айтдилар;
- сўралганлардан 6 қиз эрга тегмаган, улар оилада тенг ҳуқуқлик бўлиши лозим, деб ҳисоблайдилар.

Шундай қилиб, 100 фоиз сўралган аёллардан 82 фоизи оилада бошчилик қилмайди ва мустақил қарор қабул қила олмайди, ўз ихтиёри билан ёки зўрлаб (мажбуран) оиланинг фаровонлиги учун жавобгарлик эр ёки қайнонанинг елкасидадир. Аёл-хотин оила аъзоси сифатида фақат 17 фоиз ҳоллардагина (уларнинг ярмидан кўпи эрга тегмаган ёки ажралишган) овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Бу саволга берилган жавобларнинг муҳимлиги шундаки, эрга теккан аёлларнинг ҳеч бири оилани биргаликда бошқариш мумкинлигини кўрсатмади.

Одатга кўра, анъанавий оилада аёл қатъий равишда оилавий иерархияга бўйсунishi керак. Эрнинг бошчилигига эътироз билдириб бўлмайди, агар ёш оила ота-онаси билан яшаётган бўлса, қайнонанинг бошчилигига ҳам эътироз билдириб бўлмайди.

Эр ва қариндошлари хоҳишига кўра, таълим ва мутахассислигини ташлаб қўйиб уйда қолган ҳар бир аёл молиявий босимни ўзида ҳис қилади. Ҳамма нарсада эрига қарам бўлиб қолиб, натижада ўзини мустақил маблағлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилади. У ўз хоҳишича ва кераклича

ишлатиши мумкин бўлган маблағ ва бошқа бойликларга эга эмас. Ўзининг элементар эҳтиёжларини қондириш учун у рухсат сўраши керак. Шундай қилиб, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича 100 та сўралганлардан 64 фоизда даромад манбаларини тақсимлашга ижозат йўқ.

Сўралган аёлларнинг фақат 15 фоизигина, (улардан саккизтаси турмуш юритиш тажрибасига эга эмас) оилавий бюджетни эри ёки бошқа оила аъзолари билан келишган ҳолда олиб боришади ёки олиб бормоқчилар, 21 фоиз аёллар оила бюджетини мустақил тақсимлайдилар. Бу сонни синчиклаб кўриб чиққанимизда икки аёл эрга тегмагани, икки аёл ажралишгани, улардан еттитаси кам сонли миллат вакиллари эканлиги маълум бўлди.

Шундай қилиб, сўралган аёлларнинг ҳар 1,5 таси оилавий сабабларга кўра иқтисодий жиҳатдан эри ёки қайнонасига боғлиқдир ҳамда ўз бюджетини режалаштириш, маблағларни тақсимлаш имкониятига эга бўлмасдан қарамлик ёки итоаткорликни афзал кўрадилар.

100 тадан 64 фоиз аёл ўз оиласи учун фойда келтирувчи ёки қандайдир бошқа фаолиятни барпо қилиш ташаббусини кўрсата олмайдилар, чунки ўз шахсий маблағларига эга эмаслар. Бундай оилаларда аёллар ҳатто ўзларига шахсан тегишли бўлган қимматбаҳо мебель ёки қандайдир бошқа нарсаларга эгалик қила олмайдилар. Аёлнинг банкдаги жамғармаларидан ҳам хабардор бўлган эр уни тақиқ остига олмоқчи бўлади, кўндириш ёки дўқ-пўписа орқали бу маблағлардан беминнат фойдаланади. Оилаларнинг ярмидан кўпи ўзаро муносабатларини патриархал тарзда олиб боради. Бундай оилаларда эр ва унинг ота-онаси бошчилик қилади. Аёллар пастки – тобе ўринни эгаллайди. Оиладаги патриархал иерархия оилада маблағларни тақсимлашга ўз тамғасини босади. Шарқ оилаларининг анъана ва одатлари пул ва моддий маблағларни тақсимлашда эрнинг ҳукмронлик ҳуқуқига асосланган.

Сўров натижаларига кўра, 100 ҳолатдан 60 тасида аёллар ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар. Бу рақам аёлларнинг ярмидан кўпи ўз оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси эмаслигини кўрсатади, уларнинг ҳис-

туйғулари, фикрлари, хоҳишлари ва эҳтиёжлари кўпинча оилада эътиборсиз қолдирилади. Бу билан мазкур одат Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг “Оилавий муносабатларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги” (3-моддаси)га зиддир. Бу моддада “ҳар бир фуқаро оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эгадир ва ҳуқуқларнинг бевосита ёки билвосита қандайдир чекланишига йўл қўйилмайди...” дейилган.¹⁰²

Сўров оилавий муаммоларни ҳал қилишда аёлларнинг фикрига 19 фоиз (улардан 1таси эрга тегмаган, 2таси ажралишган ва 5таси оз сонли миллат вакили) ҳолатда қулоқ солишларини кўрсатди. Қолган ҳолатларда (бу эса 60 фоиз ташкил этади) аёллар бу имкониятдан муҳрум бўлган ва имтиёзни эрига (34 фоиз), қайнонасига (23 фоиз) ва қайнотасига (3 фоиз) берадилар.

Фақат 17 фоизгинаси (учтаси эрга тегмаган) оилавий муаммони биргаликда ҳал қилиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Сўралганларнинг 2 фоизи (булар ёшлар, эрга тегмаган қизлар) “агар ким фаол бўлса”, “ақл билан иш юритиш лозим” ёки “оиладаги муаммоларни ҳал қилишда умумий фикрга эга бўлиш керак” каби жавобларнинг бир неча вариантини таклиф этдилар. Шундай қилиб, оилада бирор - бир қарор қабул қилинаётганда аёлларнинг аҳволи таҳликали бўлиб қолмоқда. 100 ҳолатдан 60 тасида аёлларнинг фикрига қулоқ солмайдилар. Қачонки қайнона даражасига етганида унинг фикри ҳал қилувчи бўлади.

Ўзбек оилаларида можаролар масаласини сўров мисолида кузатиш мумкин. Сўралган 100 аёлдан 95 фоизи можароли вазиятга эга оилаларда яшайдилар, улардан 15 фоизида эса бундай вазиятга ҳали эрга тегмаган қизларнинг оилаларида ҳам йўл қўйилади. Сўралганларнинг фақат 5 фоизи оилаларида можаролар бўлмайди, деб жавоб бердилар (улардан бир аёл турмушга чиққанига икки ой бўлган).

Можароларни ҳал қилишда 35 фоиз ҳолатларда эр қайнонанинг томонини олади ва 39 фоиз ҳолатларда (улардан саккизтаси эрга тегмаган ва

¹⁰² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси. Т.: Адолат. 1998.

тўққизтаси бошқа миллатларнинг вакиллари) хотинининг манфаатларини ҳимоя қилади. Ҳаммаси бўлиб 24 ўзбек аёли эри томонидан тушуниш ва ҳимояга ишониш имконига эгадирлар.

Можаро вазияти юзага келганда эр онасининг томонида туради. Бундай вазият кўпинча ота-оналарининг ташаббуси билан турмуш қурган оилаларда учрайди ҳамда уларнинг оила барпо қилишда ҳамма жавобгарликни олишга тайёр эмасликдан келиб чиқади. Бу айниқса вояга етмаган қизлар турмушга чиқаётган эрта никоҳларга тегишлидир.

Баъзида оиладаги можаро вазияти вазифаларни тақсимлаш асосида юзага келиши мумкин, фарзандларни тарбиялаш одат бўйича аёлларнинг вазифасидир, эрлар фарзандларни парвариш қилиш, ўқишини назорат қилиш жараёнида ва улар ҳаётидаги бошқа воқеаларда иштирок этмайдилар. Шу сабабли маълум босқичда оилада фарзандлар ва оталар бир-биридан узоқлашиб кетадилар. Ўзбек оилаларида энг кўп можаро вазиятлари “келин-қайнона” муносабатлари асосида келиб чиқади. Бу ерда гап ахлоқ-одоб жиҳатларида эмас, балки аёлни (келинни) жисмоний ва руҳий эзишда боради. Келиннинг ҳар бир ҳаракатини қатъий назорат қилиш, шахсий ҳаётига, ҳатто эр-хотин ҳаётининг нозик соҳаларигача қўполлик билан аралашиш шулар жумласига киради. Молиявий назорат қайнонанинг келинга нисбатан хатти-ҳаракатларининг анъанавий кўрсаткичидир. Қайнонанинг кундалик эзиши ва эр томонидан тушунмаслик аёлни танглик ҳолатига олиб келади, у жуда оғир юкни кўтара олмайди ва бу ҳолатда можаро юзага келади ёки чидашни давом эттиради. Чуқурлашиб кетган можаро тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади: ўзини-ўзи ўлдиришга уринишлар, суиқасд, руҳий касалликлар шундай турмуш тарзининг натижасидир.

Ҳуқуқий маданият шахсий эътиқод ва анъаналарга эмас, балки қонунга асосланиб ҳаракат қилиш қобилиятидир. Юқорида биз аёлларни меҳнатга жалб этишда урф-одат ва диний эътиқодларнинг таъсири қанчалик кучли эканлигини кўриб чиқдик.

Аёллар ҳуқуқий саводхонлик масаласида анча орқада қолаётганлиги айнан уларнинг оиладаги аҳволига боғлиқ бўлади. Оилада анъанавийлик кучли бўлса, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларга эришуви, жамиятда ўз мавқеига эга бўлиши мураккаб кечади. Агар биз мана шу ҳолатни ҳисобга олсак, оила аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларига эга бўлиши, ўз тақдирларини ўзлари ҳал этишлари, билим олишлари ҳамда касбий маҳоратга эга бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Бу аёлларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш юзасидан доимий равишда иш олиб бориш зарурлигини кўрсатади. Аммо шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ҳуқуқ-тартибот тўғрисидаги қонун-қоидаларни билиб олишнинг ўзи етарли эмас, бу ҳали кишининг юксак даражадаги ҳуқуқий онг эгаси бўлганлигидан далолат бермайди. Ҳуқуқий билимнинг мавжудлиги ҳам қонунларнинг ҳалоллик билан бажарилишини кўрсатувчи далил бўлади. Айни чоғда ҳар бир аёлнинг амалий хатти-ҳаракати ҳуқ-атворининг қонун талабларига қандай муносабатда эканлигига баҳо бериш учун мезон бўлиши мумкин. Лекин аёлнинг ҳуқуқий қарашлари билан ҳуқуқий меъёрлари талабларига нисбатан потенциал муносабати билан амалдаги ҳуқ-атвори, ахлоқи ўртасида катта фарқлар мавжуд.

Муайян жамиятдаги ҳуқуқий қонун-қоидалар ўша минтақа халқлари томонидан асрлар мобайнида ишлаб чиқилган ахлоқий ақидалар, тамойиллар, меъёрлар, шунингдек, нисбатан умумийлик хусусиятига эга бўлган урф-одатлар замирида вужудга келади¹⁰³. Лекин баъзи бир урф-одатлар, анъаналар ҳуқуқий меъёрлар даражасига кўтарила олмаслиги ҳам мумкин. Бунинг сабаби – уларнинг нисбатан хусусий табиатга эга бўлганида, қолаверса, ахлоқий ва ҳуқуқий тараққиёт талабларига жавоб бера олмаслигида. Масалан, жоҳилият даврида арабларда қиз туғилса, уни тириклай кўмиб ташлаш одати бўлган. Кейинчалик мусулмонлик ёйилганда, бу одат ғайримуслимлик одати сифатида рад этилди. Ҳозирга келиб ундай ҳодиса ҳуқуқий қонунлар асосида жиноят деб қаралади. Ёки бизнинг

¹⁰³ Қаранг.: Аёл ҳуқуқи ва эркинликлари – Т.: Адолат, 2002, - 68 б.

минтақада қадимда мавжуд бўлган хун олиш одати ҳам ҳозирда жинойт сифатида жазога тортилади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳуқуқий қонунлар билан ахлоқ, аслида, урф-одат ва анъаналар билан боғлиқ бўлса-да, бу тушунчалар бир-биридан фарқланади. Ахлоқ билан ҳуқуқ гарчанд бир илдизга эга бўлса-да, уларнинг жамият ахлоқий ҳаётини бошқарув усули ҳар хил: ахлоқ асосан тушунтириш, панд-ўғитлар воситасида иш кўрса, ҳуқуқ мажбурий усул, жазо чоралари орқали иш олиб боради.

Нафақат бугунги кунда, ҳатто қадимда ҳам ахлоқ билан ҳуқуқнинг фарқига борилган. Буни милоддан аввалги 1800 йилда Сомирдаги Ниппур шаҳрида бўлиб ўтган суд жараёни ёзиб қолдирилган гилтахтадан кўриш мумкин: уч киши – сартарош, боғбон ва яна бир кимса (ҳужжатда касби қайд этилмаган) Лу Инанна деган ибодатхона хизматчисини ўлдирадилар ҳамда бундан унинг хотинини хабардор қиладилар. Лекин марҳумнинг хотини жинойт тўғрисида маҳаллий ҳокимиятга ҳеч нарса демайди. Бироз вақт ўтгач, ҳуқуқ-тартибот мутасаддилари мазкур жинойтдан хабар топадилар ва Ур-Ниппур подшоси бу масалани ҳал этишни бизнинг тушунчамиздаги олий суд вазифасини бажарувчи Ниппур фуқаролари йиғинига топширади. Суд йиғинида сўзга чиққан тўққиз киши уч қотил ва улар билан бирга марҳумнинг хотинига ҳам ўлим жазоси берилишини сўрайди. Бироқ икки киши сўзга чиқиб, хотиннинг қотил эмаслигини айтадилар. Йиғин қатнашчилари келтирилган исбот-далилларни эътиборга олиб, марҳумнинг хотини қотилликда бевосита иштирок этмагани учун уни жазодан озод қиладилар. Гилтахтада: “Кимлар ҳақиқатдан ўлдирган бўлсалар, ўшаларнинг жазоланиши кифоя”, деган хулоса ёзиб қолдирилган.¹⁰⁴ Бундан шундай фикрга келиш мумкин: эрини ўлдирганларни билиб, ҳокимиятга хабар бермагани хотиннинг виждонига ҳавола, зеро бу – унинг ҳуқуқи; ахлоқий қонун-қоидаларни бузди, лекин ҳуқуқни бузадиган хатти-ҳаракатларни содир этгани йўқ.

¹⁰⁴ Крамер С.Н. История начинается в Шумере. М.: Наука, 1990. С.- 66.

Айни пайтда, шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳуқуқ ахлоққа нисбатан анча аниқ ва анча муайян ички бўлинишларга эга. Чунончи, халқаро ҳуқуқ, фуқаро ҳуқуқи, жиноий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи ва ҳ.к. сингари нисбатан қатъий чегараланган ҳуқуқий меъёрлар мавжуд. Ахлоқ эса ҳуқуққа нисбатан анча кенг қамровли. Чунончи, ҳуқуқий қонунлар мавжуд тузумга, муайян шахс ва ёш доирасидаги кишиларга татбиқ этилса, ахлоқий қоидалар, ҳикматлар, панд-ўғитлар барча тузумлар ҳамда турли ёшдаги кишиларга бирдек тааллуқли бўлади¹⁰⁵. Шунингдек, ҳуқуқий меъёрлар аниқ манзилни тақозо қилади, ахлоқий қоидалар эса мавҳумлиги ва умумийлиги билан ажралиб туради.

Шунинг учун ҳар бир шахс ҳуқуқий онгининг қай даражада эканлигини тўла билиш учун ҳуқуқ меъёрларида баён қилинган талабларни мажбуран бажаряптими, яъни у масъулиятдан қўрққанлигидан қонунларга риоя қиляптими ёки уни ўз бурчини англаш мажбур қиляптими ёхуд унинг эътиқоди шундай қилиш зарурлигига даъват этияптими – буларни англаш ғоят муҳимдир. Бундан ташқари, ҳар бир жамоат ташкилотлари ўз ижтимоий вазифасига, ҳуқуқий ҳолатига кўра, қолаверса, ҳуқуқий тажрибада иштирок этишига кўра, бир-биридан фарқ қилади. Бу ҳол жамоат ташкилотларининг иш ҳажми ва мазмунини бир-биридан фарқлашга, ташкилот аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини ҳам шунга яраша бир-биридан фарқли бўлишига олиб келади. Демак, ҳар бир жамоат ташкилотида унинг ўз ҳуқуқий тушунчалари тизими, у ёки бу ташкилот ҳуқуқий тажрибасига хос бўлган хусусиятларини акс эттирадиган ҳуқуқ-тарғибот қоидаларига нисбатан уларнинг ўз муносабатлари таркиб топади. Аёл ишлаб турган жамоанинг, ундаги психологик муҳитнинг, ҳуқуқий тасаввурлар, қарашлар ва хис-туйғуларнинг таъсири остида унинг ҳуқуқий онги шаклланади. Бундай ҳуқуқий онгининг шаклланишини, бир томондан ҳуқуқ-тарғибот қоидаларини ўзлаштириб, билиб олиниши тақозо этса, иккинчидан, буни жамоат ташкилотларининг

¹⁰⁵ Қаранг.: Жабборов С. Мусулмон ҳуқуқи ва одат нормалари. –Т.: 2001. - 92 б.

ўзига хос хусусиятлари ҳам тақозо этади.

Ҳуқуқий онгни юксак даражага кўтариш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш фақат амалдаги мавжуд ҳуқуқий нормаларни билиб олишнигина назарда тутмайди. Балки қонунларни турли ҳаётӣ вазиятларда қўллаи олиш, уларни тўғри татбиқ эта билиш масаланинг муҳим томонидир. Бинобарин, ҳуқуқий онг ҳам ҳуқуқий маданиятдан келиб чиқадиган ҳодиса бўлиб, қонунчилиқни янада ривожлантиришнинг ишончли омилидир.

Юқоридаги таъкидланган фикрлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, аҳоли таркибига нисбатан дифференциал ёндашувни талаб этади. Жумладан, аёллар ҳам ўзига хос демографик гуруҳ бўлганлиги учун уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини такомиллаштириш ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Улар қуйидагилардир:

1. Жинсларнинг био-физиологик тузилишига кўра, аёллар фарзандлар кўриб, аҳолини кўпайтириш (репродуктив) вазифасини бажарганлиги туфайли кўпроқ оила доирасида чекланиб қоладилар.
2. Репродуктив вазифани бажарганликлари учун аёлларнинг бу соҳага сарф қилган меҳнатига жамият томонидан етарлича ҳақ тўланмаслиги боис уларнинг меҳнати оилада аҳамиятсиздир.
3. Аёллар гарчанд меҳнатга жалб этилсалар ҳам, фарзанд кўриб, уларни тарбиялашга кўп вақтларини сарф қилганликлари туфайли узоқ йиллар танаффус билан ишлашга мажбурдирлар, бу ҳолат уларни оилада эрлари, қайнота-қайноналарига қарам бўлиб яшашига, уларнинг ҳар қандай таҳқирловчи талабларини бажаришга олиб келади.
4. Миллий урф-одат ҳамда диний талаблар ҳам оилада аёлларни таҳқирловчи ҳолатларни доимий одатга айлантиришга хизмат қилиб келмоқда. Масалан, эрта никоҳлилиқ, аёлларни билим олиши, касб ўрганишига имконият қолдирмайди, иқтисодий қарамликка олиб келади. Бу оиладаги гендер тенгсизлигини вужудга келтиради.

5. Аёллар ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, уларнинг оиладаги мавқеига, улар ҳуқуқининг тан олинishiга, оилавий муносабатлар маданиятининг даражасига, билимига, касб маҳоратига, иқтисодий мустақиллигига боғлиқ бўлади.
6. Аёллар ҳуқуқий маданиятининг шаклланиши аёллар ҳақидаги эркакларнинг тасаввурлари, қарашларига ҳамда уларни ўзлари билан тенг инсон деб билишларига ҳам боғлиқдир.
7. Аёллар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш, бу соҳада фақат аёллар орасида тарғибот ишлари билан чекланмасдан, бутун жамият аҳолиси орасида аёллар, аёллар ҳуқуқи, уларнинг ҳуқуқий маданиятлари ҳақида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни талаб этади.

Учинчи боб. Аёллар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш – давр талаби

Ўзбекистонда аёлларнинг гендер тенглигини таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари

Гендер тенглигига эришиш инсоннинг барқарор ва адолатли ривожланиши шартларидан бири ҳисобланади. Бу масаланинг ҳал қилиниши бозор муносабатлари йўлини тутган ва ўтиш даврининг жиддий қийинчиликларини енгиб ўтаётган ёш мустақил давлатлар учун айниқса долзарб аҳамиятга эгадир.

Ҳозир жамиятда гендер тенглиги ва гендер мувозонатига эришиш, иккала жинснинг ҳам эҳтиёж ва манфаатларини ҳисобга олиш, уларга тенг имкониятларни таъминлаш ҳам хотин-қизлар, ҳам эркекларнинг аҳволи яхшиланиши, самарали иқтисодий ривожланиш, оиланинг мустаҳкамланиши, болаларни жисмоний ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тўғри тарбиялаш имкониятини англатади.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида шаклланган, сиёсат ва иқтисодиётга оид соҳаларини тартибга солувчи қонунчилиги, яратилган ҳуқуқий ва ташкилий механизмлар жамиятнинг барча соҳаларида тенг гендер имкониятларини таъминлаш сиёсатини танлаганлигидан далолат беради¹⁰⁶.

Жумладан, 1995 йилнинг 2 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ҳамда вазирликлар, маҳкамалар ва ҳудудий бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалаларини ҳал қилишга хотин-қизларни кенг жалб қилишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги махсус Фармони

¹⁰⁶ Қаранг.: Хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига оид қонун қафолатлари – Т.: 2000., -84-88 бетлар.

қабул қилинди. Унга кўра, республикада Бош вазирнинг хотин-қизлар ишлари бўйича ўринбосарлари лавозимлари жорий қилинди. 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2004 йил 30 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасида ва жойларда оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича котибиятлар ташкил қилиниб, фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда аҳолининг ярмидан кўпроғини ташкил этган аёллар бугунги кунда жамият тараққиётининг қудратли омилига айланган. Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлилиги, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оилани мустаҳкамлаш, никоҳнинг барқарор бўлиши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фарзанд тарбиясида ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида¹⁰⁷, шунингдек, махсус қонунларда ўз ифодасини топган. Хотин-қизларнинг шахсий, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан ташқари Оила кодексида, Фуқаролик кодексида, Меҳнат кодексида, Таълим ва Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, Аҳолининг бандлиги, Олий Мажлисга сайловлар, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар ҳақидаги қонунларда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасидан биринчилардан бўлиб, БМТнинг “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш ҳақидаги конвенция”га қўшилди. 1995 йилда “Тинчлик, тараққиёт ва тенглик” шиори остида Пекин шаҳрида ўтказилган Бутун жаҳон хотин-қизларининг IV конференциясида мамлакатимиз хотин-қизларининг

¹⁰⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2002, 10,12-13 бетлар.

вакиллари иштирок этиб, хотин-қизлар аҳволини яхшилашга қаратилган Пекин декларацияси Платформасига қўшилдилар, шу асосда республика хотин-қизларининг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кафолатловчи ҳукумат даражасидаги “Ўзбекистон Республикасида Хотин-қизлар масалалари бўйича Концепция ва дастурий ҳужжатлар” ишлаб чиқилди ва 7 йўналиш асосида дастур яратилди. Яъни:

1. Қизларни турмушга тайёрлаш дастури;
2. Соғлом авлод – соғлом жамият негизи дастури;
3. Экология ва аёл дастури;
4. Республика Хотин-қизларининг халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар дастури;
5. Хотин-қизлар меҳнاتини ижтимоий муҳофаза қилиш дастури;
6. Аёл, оила ва маҳалла дастури;
7. Маърифат – маънавият, таълим-тарбия дастури.

Бу дастурлар Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар учун муносиб ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий, маънавий ҳаётни қарор топтиришга алоҳида эътибор берилаётганлигидан, уларнинг аҳволини, турмуш шароитини яхшилаш иши давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан далолат беради. Зеро, Ўзбекистоннинг бугунги тараққиётида хотин-қизлар фаол меҳнат ресурсларининг 45,1 фоизни ташкил этиб, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида етарли мавқега эгадирлар, ҳатто мудофаа, жамоат тартибини сақлаш каби эркакларнинг анъанавий касблари тармоқларига ҳам кириб бормоқдалар. Жумладан, иш билан банд бўлган аёллар: саноатда – 42,8 фоиз, қишлоқ хўжалигида – 42,4 фоиз, маориф, маданият, фанда – 79,9 фоиз, соғлиқни сақлашда – 75,9 фоизни ташкил қилади. Ҳукумат таркибидаги раҳбарлик вазифаларида ишловчи аёллар – 16 фоизни, Конституцион судда – 20 фоизни, Олий судда – 14,6 фоизни, Олий хўжалик судида – 15,8 фоизни ташкил этади.¹⁰⁸

¹⁰⁸ Иномова С.Т. Ўзозли аёл иқболи. Т.:ўқитувчи. 2005.-26,15 бетлар.

Хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлиқ намоён қилишлари учун ижтимоий-маънавий муҳит яратилмоқда. Ташкилотчилик, тадбиркорлик, ишбилармонлик қобилиятига эга бўлган хотин-қизлар бошқарув тизимида ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз қонуний ўрнини эгаллашга эришишни таъминлаш муҳим аҳамиятга моликдир. Хотин-қизларнинг парламентдаги ўрнининг ошиб боришига эришиш уларнинг сиёсий ҳаётидаги мавқеи кўтарилиши учун заминдир. Бу борада, социализм даврида бўлганидек, сунъий равишда олдинда белгилаб берилган кўрсаткичларга мослашиш эмас, балки етакчилик истеъдоди бўлган ҳар бир аёлнинг эркин фаолият кўрсатишига шароит яратиб бериш кўзда тутилади.

Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 1995 йил 2 мартда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида аёллар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” фармони эслаш ўринлидир.

Фармонда ҳокимиятнинг барча даражадаги ижроия органларида аёллар иштирокини таъминлаш назарда тутилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар, шаҳарлар ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари лавозимлари жорий этилиб, ушбу лавозимга тегишли хотин-қизлар қўмиталарининг раислари тайинланди, уларга аёллар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофазаси учун масъулият юкланди.

Республикада илк бор 1994-1999 йилларда хотин-қизлар ҳам кўппартиявийлик асосида ўтказилган сайловда иштирок этиб, барча даражадаги вакиллик органлари депутатлигига сайландилар. 1999 йил 5 декабрда ўтказилган сайловларда 250 депутатлик мандатидан 17 тасини аёллар қўлга киритдилар. Олий Мажлиснинг уч ўринбосаридан 1 нафари, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ижтимоий масалалар ва бандлик

қўмитаси, Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раислари аёл жинсига мансуб эканлиги хотин-қизларнинг давлат ва парламент даражасидаги масалаларни ҳал этишга жалб қилиш юзасидан салмоқли иш олиб борилаётганидан далолат беради.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 февралдаги “Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилга мўлжалланган чора-тадбирларнинг давлат дастури тўғрисида”ги қарори тасдиқланди.

Мазкур дастурни ҳаётга жорий этиш мақсадида давлат бюджети, фондлар, касаба уюшмалари, корхона ва ташкилотлар, чет эл кредитлари ва инсонпарварлик ёрдами ҳисобидан маблағ ажратилди. Дастурда кўрсатилган тадбирлар мамлакат барча аёлларининг эҳтиёжларини қамраб олди ва ижтимоий адолат, тенглик ва барқарор ривожланиш давлатимиз сиёсатининг ажралмас қисми ва демократик жамият қурилишининг асоси эканлигини тасдиқлади¹⁰⁹.

Дастурга асосан 1999 йил 14 апрелда “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида” қонун қабул қилинди, унда хотин-қизларнинг турмушини яхшилаш, ислохотларда уларнинг иштирокини кучайтириш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 1999 йил 17 мартдаги фармонида 1999 йил 1 июлдан бошлаб аёллар ёшга доир пенсияга чиққанидан кейин, ўрта ва кичик тиббий ходимлар, провизорлар, ногирон болаларнинг “Меҳрибонлик уйлари”да тарбиячилар, кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камида 10 йил иш стажига эга бўлган ҳолларда, уларнинг пенсияси тўлиқ миқдорда сақланиб

¹⁰⁹ Аёлга эҳтиром. Т.: Ўзбекистон. 1999. - 52-54-бетлар.

қолиниши кафолатланган.¹¹⁰

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисидаги” қарорида аёлларнинг даромадига солиқ солиш даражаси 20 фоиздан юқори бўлмаслиги назарда тутилади. Аёлларга 54 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилди, оғир меҳнат шароитларида аёллар меҳнатини қўллаш тақиқланади, ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари 126 кун белгиланиб, фарзанд 2 ёшга тўлгунча нафақа тўланади ва иш жойи сақланади. Кам таъминланган, кўп болали оилаларга ижтимоий ёрдам, нафақа пуллари ҳам муҳим мадад ҳисобланади ва 16 ёшга тўлмаган болалари бор оилаларга ёрдам берилади.

Президент И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида қилган маърузасида ҳам “Аёллар ўртасида олиб бориладиган ишларнинг шакллари кенгайтириш, уларнинг илмий ва маданий савиясини кўтариш керак. Шунинг унутмайлики, жамиятни демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгарилаб кетгани, шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий-маънавий савиясини белгилайди”,¹¹¹ деб таъкидлаши ҳам бу соҳада изчил сиёсат олиб борилаётганлигини тасдиқлайди.

Ўтказилган таҳлил хотин-қизлар кўмиталари, жамоат ташкилотлари, давлат тузилмаларининг хотин-қизларнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг оилада, ижтимоий ҳаёт ва давлат қурилишларида ролини ошириш ишида жиддий камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу камчиликлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434-сонли Фармон ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги қарорида ўз ифодасини топган. Жумладан, бу ҳужжатда

¹¹⁰ Ўша асар, - 62-бет.

¹¹¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XX асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон. 1999. 22-23-бетлар.

марказда ва жойларда хотин-қизлар кўмиталарига кўпинча бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган ва ўз фаолиятида маъмурий усуллардан фойдаланадиган давлат тузилмалари сифатида қаралмоқда.

Хотин-қизлар кўмиталарининг турли раҳбарлик лавозимларига сайланган аксарият фаоллар бошланғич хотин-қизлар жамоаларидан ажралиб қолган, улар ўзларини аёллар жамоатчилигининг вакили эмас, балки давлат хизматчилари деб ҳисоблайди. Натижада хотин-қизларнинг ҳақиқий аҳволи, уларнинг муаммолари ва манфаатлари эътибордан четда қолмоқда.

Хотин-қизлар ҳаракати, ижтимоий ривожланиш, қуйидан бўладиган ташаббусни рағбатлантиришнинг муайян масалалари бўйича хотин-қизларнинг реал манфаатлари ва муаммоларини, уларнинг фикр ва таклифларини аниқлашнинг самарали воситаси ҳисобланган курултой ва конференциялар каби демократик шакллари амалда ишга солинмаяпти. Жумладан, мазкур кўмиталар ходимларининг жамоатчилик ва жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари олдида ҳисобот бериши амалда мавжуд эмас.

Хотин-қизлар кўмиталарининг оммавий ахборот воситалари билан алоқаси талабга жавоб бермайди. Хотин-қизларга мўлжалланган матбуот органлари ва нашрларда қандай мавзулар ва муаммолар ёритилаётгани, улар ўқувчиларга, биринчи навбатда, ёш аёлларга қандай таъсир кўрсатаётгани кўмиталарнинг эътиборидан четда қолмоқда.

Аёлларнинг муайян қисми, айниқса, қишлоқ жойларда, хотин-қизлар кўмиталарининг эътиборидан четда қолмоқда, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилган ва шу боис турли бузғунчи кучларнинг таъсир объектига айланмоқда.

Хотин-қизларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш ишида маҳаллаларнинг хотин-қиз фаоллари, фуқаролар йиғини, жумладан, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган, миллий-диний анъана ва урф-одатларни яхши биладиган ҳамда тегишли анъанавий урф-одат ва расм-русумлар ўтказилишида бош-қош

бўладиган аёлларнинг имкониятларидан фойдаланилмаяпти¹¹².

Шунингдек, бу ҳужжатда хотин-қизлар қўмиталарининг фаолияти, энг аввало, хотин-қизларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга, шу жумладан, вақтинчалик иш ўринларини барпо этиш, касаначилик меҳнатини ташкил қилиш, хотин-қизларни ишга жойлаштиришнинг бошқа шаклларида фойдаланишга қаратилиши зарурлиги таъкидланди. Чунки иш билан таъминлаш – хотин-қизлар мустақиллиги, уларнинг фаол ижтимоий, ҳаётий позицияга эга бўлишларининг муҳим шартидир.¹¹³

Оқсаройда мазкур масала муҳокамасига бағишланган мажлисда яна бир карра қишлоқда яшаётган аёллар орасида атрофдагиларнинг эътирофидан четда қолган, ўз ҳолига ташлаб қўйилган аёллар мавжудлиги эътироф этилди. Ушбу мажлисда бундай аёлларга зарур ёрдам кўрсатиб, қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларни маҳалла бошқаруви таркибига киритиш, жойларда ҳокимликлар, маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари, диний ташкилотлар улар билан ҳамкорликда иш олиб бориши мақсадга мувофиқлиги Президент И.А. Каримов томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Хотин-қизлар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш соғлиқни сақлаш тизимининг энг долзарб вазифаларидан биридир. Фарзанд кўришда соғломлик, оилани режалаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматларини ривожлантириш, экологик фалокатларнинг аёлларга таъсирини камайитириш масаласига муҳим эътибор қаратилмоқда.

Масалан, республикамызда соғлом авлод ғояси негизида анемия, экстрагенитал касалликлар, патологик туғишларнинг олдини олиш ва даволаш учун “она ва бола скрининги” дастури амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизими ҳозирда ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, USAID, UNFPA,

¹¹² Қаранг.: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлари қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. //Халқ сўзи, 2004 йил 30 июнь

¹¹³ Қаранг.: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 майдаги Ўзбекистон Хотин-қизлари қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. //Халқ сўзи, 2004 йил 30 июнь

Қизил Хоч ва Қизил ярим ой жамияти билан ҳамкорликда идора масканларида турли хайрия ёрдамларини уюштироқда, турли лойиҳа ва дастурларни амалга ошироқда. Оролбўйи аёллари ва болаларига ЮНИСЕФ, ЭКОСАН, АСПЕРА халқаро лойиҳаси йўли билан ёрдам берилмоқда. Лекин буларнинг барчаси аёлларимизни тўла қамраб олди, деб айта олмаймиз. Мана шундай чора-тадбирларни кенгайтириб боришимиз керак. Шунингдек, уларнинг тиббий онгини шакллантириш ҳам муҳимдир. Айниқса, бу касалликларни олдини олишда қўл келади.

Аёлларнинг билимли бўлиши ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда, Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Фарзандларнинг келажакда қандай шахс бўлиб етишишлари уларга оналарнинг қандай таълим-тарбия бера олганликларига боғлиқ.

Ҳозирда олий ва ўрта махсус билимга бўлган мутахассисларнинг ҳар иккинчиси аёллардир. Илмий ходимларнинг 37, фан докторларининг 11, фан номзодларининг 26 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Фанлар академиясининг 144 ҳақиқий аъзосидан 11 нафари аёллардир.¹¹⁴

Ўзбекистонда аёллар маълумотлилиги даражаси ривожланаётган мамлакатларга нисбатан юқори, индустриал ривожланаётган мамлакатлар аёллари маълумотлилиги даражасига яқин, 2000 йилда умумий саводлилар сони 99,13%ни ташкил қилди.¹¹⁵ Таълим олишда эркак ва аёлларга тенг ҳуқуқ берилган ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси билан кафолатланган.¹¹⁶

Радио, телевидение ва матбуотда ҳам аёллар фаолияти кенг ёритиб борилмоқда. “Азизим”, “Бегойим”, “Ибратли келинчак” каби телекурсувлар ўз томошабинларига эга. “Дугоналар” радиожурнали, “Саодат”, “Саида”, “Нафосат”, “Оила ва жамият” каби журнал ва газеталар,

¹¹⁴ Қаранг: Мусурмонова О. Аёлларга давлат ғамхўрлиги /Аёлга эҳтиром. Т.: Ўзбекистон. 1999. –147 б.

¹¹⁵ Ўзбекистон Хотин-қизлари //Статистик маълумот тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2000. - 67 б.

¹¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 17 б.

“Марказий Осиё аёллари” илмий-маърифий тўпламлари ўз ўқувчиларига эга.

Ўзбекистонда яшаётган аёллар айти пайтда жаҳон хотин-қизлар ҳаракатининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон хотин-қизлари дунё аёллари билан турли даражада алоқада бўлишлари керак. Бу ҳилдаги алоқа аёлларимизга ўз ишларини ўзгаларники билан солиштириш, ўз ҳаётларини дунёдаги бошқа хотин-қизларнинг турмушига қиёслаш имконини беради. Ўзбекистон хотин-қизларнинг дунёдаги бошқа давлатлар хотин-қизлари билан ҳамкорлиги ўзаро тенглик, ҳурмат, дўстлик ва ички ишларига аралашмаслик асосларида қурилмоқда.

Республика “Оила” илмий-амалий маркази, “Гендер ва ривожаниш”, “Тадбиркор аёл”, “Олима аёл”, “Аёл ва жамият”, “Аёллар ресурслар маркази”, “Меҳри” маркази каби нодавлат, нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятларини янада кучайтирмоқда.

Тадбиркор аёлларнинг 1991 йил июнида ташкил қилинган “Тадбиркор аёл уюшмаси” Ўзбекистондаги ноҳукумат ташкилотларнинг дастлабкиларидандир. Уюшманинг мақсади - бозор муносабатларини ривожлантиришда аёлларнинг иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитларни яратишдан, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат. Уюшма 3000 дан зиёд тадбиркор аёлларни бирлаштиради. Уюшманинг шериклари орасида БМТ Ривожланиш дастури, ТАСИС, Каунтерпарт интернейшнл, Евроосиё жамғармаси, Конрад Аденауэр жамғармаси ва бошқалар бор.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон хотин-қизлари, миллатидан қатъи назар, жаҳондаги ва мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларнинг яратувчиси, иштирокчиси сифатида ўз мавқеларини мустаҳкамлаб бормоқдалар. Бунинг эса мамлакатимиз келажаги учун аҳамияти каттадир.

Ўзбекистон ҳукумати хотин-қизлар аҳволи билан шуғулланадиган институтларни мустаҳкамлаш сиёсатини баён қилган. Хусусан, хотин-қизлар

қўмиталари раислари тегишли даражадаги ҳоким ўринбосари этиб тайинланиши бундан далолат беради. Бу эса, назарий жиҳатдан, ҳукуматнинг барча бўғинларида хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш имконини яратади. Аёлларни раҳбарлар ролига тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг иш дастурига киритилган йўналишлардан биридир.

Айни маҳалда ҳозир Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ўз ташаббуслари билан юзага келган ноҳукумат хотин-қизлар ташкилотлари мавжуд. Бу янги ижтимоий муносабатлар куртаклари пайдо бўлганидан ҳамда хотин-қизлар ҳаракати юзага кела бошлаганидан далолат беради. Бундай ноҳукумат хотин-қизлар ташкилотлари ижтимоий хизматларнинг хотин-қизлар аҳволининг аниқ муаммолари ҳамда эҳтиёжларини ўрганишга асосланган янги моделларини ишлаб чиқишади ҳамда синовдан ўтказишади, янгича иш услуби ва шаклларидан фойдаланишади¹¹⁷. Улар ўз фаолиятига кўра жуда мослашувчан ҳамда мустақил бўлиб, турли манбалардан молиявий мадад олиш имкониятига эгадирлар. Ўзбекистондаги ноҳукумат хотин-қизлар ташкилотлари ўзларини давлатнинг шериги деб, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳамда гендер соҳасида тенгликка эришишга йўналтирилган сиёсатни ўтказишда унинг ёрдамчиси, деб ҳисоблашади.

Барча ноҳукумат хотин-қизлар ташкилотлари амалга ошираётган дастурлардаги тафовутларга қарамай, ўз фаолиятини хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясига, эркаклар ва аёллар учун тенг имкониятлар яратишга, аёлнинг оила ва жамиятдаги мақомини оширишга, хотин-қизларни демократик ўзгаришлар жараёнига жалб этишга ҳамда янги иқтисодий шароитга мослаштиришга қаратишади. Шу йўналишларда энг фаол иш олиб бораётган ташкилотлар Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси ҳамда унинг вилоятлардаги бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикасидаги “Перзент” ташкилотидир; Тошкент, Самарқанд, Нукусда Хотин-қизлар заҳира маркази,

¹¹⁷ Фан, маданият ва жамият ривожига аёлларнинг роли. –Т.: 2004. 7 б.

“Сабр”, “Аёл ва жамият” ташкилотлари тузилган. Улар таълим семинарлари, мақсадли гуруҳларнинг мунозара-учрашувларини уюштиришади. Фаоллар мунозара учун давра суҳбатлари, клублар, маслаҳатлар, ахборот кунларини ўтказишади, плакатлар, тақвимлар, рисолалар, бюллетенлар чоп этишади, тадқиқот ишлари олиб боришади.

Айни пайтда таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистондаги хотин-қизлар ҳаракати маълум муаммоларга ҳам дуч келмоқда. Улар, аввало, аёлнинг роли иккинчи даражали эканлиги тўғрисидаги тасаввурлар хос бўлган патриархал қадриятлар устунлик қиладиган менталитетнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Аёллар ҳақидаги барча оғзаки ва ёзма фикрлар унинг эркакни тўлдирувчи, қандайдир вазифани бажарувчи сифатида идрок этилишини намоиш қилади. Аёлни она сифатида идрок этиш шундан келиб чиққан. Ўғил кўриш аёл ҳаётидан кўзланган якка-ю ёлғиз мақсад сифатида қаралади.

Ўзбекистон аҳолисига феминизм ҳақида кўп нарса маълум эмас. Хотин-қизлар ҳаракатига қарши бўлган баъзилар (улар аёлнинг исломдаги аҳволини идеаллаштирадиган патриархал муносабатлар тарафдорларидирлар) аёлнинг тенг ҳуқуқлилиқка интилишини Шарқ аёлига ёт бўлган, Ғарбга хос ғоя деб уни қоралашга интилишади¹¹⁸.

Аёлларнинг келажакда кўзлаган мақсади бўлиши мумкинлиги айрим эркакларнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Уларнинг назарида, аёл эрининг режаларига тўла-тўқис мос иш қилиши, қарорни эркак қабул қилиши лозим, бир-бирининг манфаатини ҳисобга олиш учун истиқбол режаларини муҳокама қилиш мумкинлигини тасаввур ҳам қила олишмайди.

Хотин-қизлар нодавлат ташкилотларининг таълим дастурлари жамиятни маърифатли қилишга мўлжалланган. Улар эркин қадриятларни: инсон ҳуқуқлари сифатидаги аёллар ҳуқуқларини; аёлларга нисбатан зулмнинг ҳамма шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги; аёлларнинг оилани режалаш ва туғиш билан боғлиқ соғлиғини сақлаш ҳуқуқлари тўғрисидаги;

¹¹⁸ Қаранг.: Аёл ҳуқуқ ва эркинликлари. –Т.: Адолат, 2002. - 69 б.

аёлларнинг сиёсий ҳаётда ва сайлов жараёнларида иштирок этиши тўғрисидаги; аёлларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва уларнинг даромад топиш фаолияти имкониятларини кенгайтириш тўғрисидаги; шунингдек тадбиркорлик фаолияти олиб бориши ва кредит олишдан фойдаланиши тўғрисидаги дастурларни тушунтириш ҳамда тарғиб этиш билан боғлиқ дастурларни тавсия этишади. Ўзбекистонда иш олиб бораётган хотин-қизлар нодавлат ташкилотларининг деярли ҳаммаси юқорида қайд этилган мавзулардан биронтаси бўйича семинар ўтказишади.

Хотин-қизлар нодавлат ташкилотлари таълим дастурларининг хусусияти машғулотларни ўзаро муносабат шаклида олиб бориш услуби ҳамда мақсадли гуруҳлар таркиби оз сонли бўлишдан иборат. Чунки бундай дастурлар ўқув жараёнида қўйилган муаммони муҳокама қилишга фаол қўшиладиган аёлларнинг кўпчилик бўлмаган гуруҳи билан ишлагандагина ўзлаштирилиши мумкин. Асосий иш шакли кўпчилик тингловчилар учун маъруза қилишдан иборат бўлиб, қайта алоқа бўлмаган тоталитар тузум даври маърифатчилик ишидан нодавлат ташкилотлари фаолиятининг фарқи айнан шундадир.

Катта бўлмаган гуруҳлар билан олиб борилган иш оила кадриятлари ва патриархал муносабатларнинг устунлиги ижтимоий онггагина эмас, балки ўзининг муте аҳволини оддий меъёр сифатида қабул қиладиган аёлларнинг ўзига ҳам таъсир қилишини кўрсатмоқда. Аёлларнинг ўз қадр ва ҳуқуқларини билмаслиги кўриниб турибди ва уйдаги зулм ҳолатларини баҳолашда аёлларнинг ўзи кўпинча айбни хотинларга қўйишади. Мавжуд гендер муносабатлари шароитида фаол иқтисодий муносабатларга қўшилиш кўпчилик аёллар учун мажбурий чора сифатида туюлмоқда. “Эрим яхши топганида, мен бу билан шуғулланмаган бўлардим”, - дейди семинарда қатнашаётган икки аёлдан биттаси. Аёлларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этиши ҳақида гап кетганда, яхши маълумотга эга бўлган, турмушга чиқмаган ёш аёллар қизиқиб, фаоллик кўрсатишади.

Оилани режалаш ҳамда туғиш билан боғлиқ соғлиқни сақлаш бўйича машғулотлар жорий этиш қийин бўлган дастурлардан ҳисобланади¹¹⁹. Социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, эркалар ҳомиладорликка қарши воситаларнинг қўлланиши масаласида масъулиятга шерик бўлмайдилар. Контрацептивларнинг эркалар учун тарғиб қилинишини эса ўз эркалигига тажовуз деб ҳисоблаб, ҳомиладор бўлишнинг олдини олиш масаласини ўзларига ҳам тегишли, деб ҳисобламайдилар. Бу борада эрга тегмаган аёллар муаммоси алоҳида кўндаланг бўлади. Ахлоқлилик, бокиралик борасидаги тарбия шунга олиб келадики, айрим мақсадли гуруҳлар бу масалани “қизлар учун тақиқланган мавзу” деб муҳокама қилишни истамайдилар, буни ёшлар ахлоқини бузиш деб ҳисоблайдилар. Жамиятда мавжуд бўлган кўплаб тақиқлар ижтимоий онгда, гендер андозалари сингари барқарордир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аёллар ҳуқуқлари бўйича таълим дастурлари жуда зарур бўлиб, улар бошқа барча дастурлардан олдин ўтказилиши лозим, чунки эркин қадриятлар негизи бўлган инсон ҳуқуқларини тушунмасдан туриб, аёлларнинг янги иқтисодий шароитларга мослашувига кўмаклашувчи бошқа янги ахборотни жорий этиш ҳам қийин. Сиёсий ҳуқуқлар ва сайлов жараёнларида қатнашиш бўйича дастурларни жорий этиш алоҳида қийинчилик туғдиради. Бу эса фуқаролик жамияти тўғрисидаги тушунча шаклланиб улгурмаган Ўзбекистон жамиятидаги сиёсий онг даражаси нисбатан пастлигидан далолат беради. Бу сиёсатни буткул эркалар иши деб қабул қиладиган аёлларгагина эмас, балки эркаларнинг ўзига ҳам тааллуқлидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, нодавлат ташкилотлари янги эркин қадриятларнинг амал қилиши учун ишлайдиган ягона табиий манба ҳолига тушиб қолади.

Хотин-қизлар нодавлат ташкилотларида замонавий аёлларнинг уюшиш шакли қонун доирасида юзага келиб, давлат билан бевосита

¹¹⁹ Қаранг.: Соғлом оила-обод маҳалла негизи. –Т.: 2003. - 15 б.

боғланмаган янги алоқа каналлари бўлиб қолди¹²⁰. Кенгроқ ахборот олиш мумкин бўлган йирик ва катта шаҳарларда, хусусан, аҳолининг яхши маълумотли қисми орасида бундай уюшиш имконияти мавжуд эди. Шу боис нодавлат ташкилотлари таркибида икки тилни биладиган аёллар кўп. Турли ижтимоий қатламлар билан, шу жумладан, қишлоқда ҳам маслакдошларни кўпайтириш, аёлларни ижтимоий фаолиятига жалб этиш, шунингдек уларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш ҳамда улар учун янги ахборотдан баҳраманд бўлиш имконини яратиш нодавлат ташкилотларининг бугунги кундаги асосий вазифаларидир. Фаол аёлларнинг янги ахборотларни ўзлаштириши осон кечмайди, чунки нодавлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти тўғрисидаги материаллар инглиз тилида олинади. Яхши маълумот олган, ахборотни таржима қилиб, маҳаллий аудиторияга мослаштириб бора оладиган аёлларгина бу ишни удалай олиши мумкин. Аёллар етакчилиги масаласи долзарб муаммолигича қолмоқда.

Нодавлат ташкилотларда ҳамкорлик иқлими давлат тузилмаларидагидан ҳамда расмий нодавлат ташкилотларидагидан ўзгачароқ шакллантирилади, чунки у ерда умумий ғояларга эга одамлар бирлашадилар, булар ижтимоий фаол фуқаролардир. Нодавлат ташкилотларида ташаббусга асосланувчи янгича иш услуби юзага келади, янгича меҳнат муҳити ва маданияти пайдо бўлади. Ўз фаолияти билан манфаат келтиришга ишонч натижасида уларнинг меҳнати самарали бўлади, коллектив ижод ташкилотнинг стратегиясини белгилаб беради, одамларнинг салоҳияти тўла ишга тушади. Одамларнинг ўзига ишончи ортиб, кўз олдимизда улғаяди. Нодавлат ташкилотлари – жамоа бўлиб ишлай оладиган ва шунини истайдиган янги типдаги етакчилар шаклланадиган манба. У ерда фуқаро шахси тарбия топади, лекин ўтмишдаги тизимга хос одат кўп бўлган давлат секторида меҳнат қилаётган одамлар бу омилни ҳозирча тушуниб етишмаяпти. Нодавлат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан муносабати йўлга

¹²⁰ Қаранг.: Муравьева Н. Ўзбекистон хотин-қизлари ижтимоий мақомини юксалтириш. –Т.: 2004. - 84 б.

қўйилган, лекин уларнинг самарали ҳамкорлигига эришилган эмас. Ўзбекистондаги нодавлат ташкилотлари асосан алоҳида лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда, озгинаси узоқ муддатли дастурлар бўйича ишлашмоқда ҳамда пухта ўйланган ҳаракат дастурига эгадирлар. Бунинг сабаби ноҳукумат ташкилотларининг ўз ишида ҳам, кўпчилик ҳомийларнинг улар билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилишни исталганида ҳамдир. Нодавлат ташкилотларида бир-бирини ўзаро тушуниш, самимийлик, ишонч, дўстлик ва бирдамлик иқлими яратилмоқда.

Айни маҳалда хотин-қизлар нодавлат ташкилотларининг камчиликлари ҳам бор. Улар орасида тарқоқликни, ишларнинг такрорланишини, ғоят долзарб муаммоларни ёки мустақил оммавий ахборот воситаларида чиқишларни аниқлашда яқдилликнинг йўқлиги, бирон-бир муаммога жамият эътиборини тортиш бўйича иш етарлича самарали олиб борилмаслиги, давлат билан шерикликнинг заифлигини кўрсатиш мумкин. Хотин-қизлар ноҳукумат ташкилотларининг сони ортиб бораётганига қарамай, уларни тузиш ташаббускорларининг ўзи ҳуқуқий жиҳатдан етарлича саводли бўлмаганлиги, шунингдек, уларнинг рўйхатга олиниши ва иш олиб боришдаги молиявий харажатлар катталиги билан боғлиқ қийинчиликлар туфайли бу ташкилотларнинг оммалашиши суст кечмоқда.

Янги жамият қуриш учун шахсни ҳурматлаш ҳамда аёлга эркакларга тақлид этадиган ролни тикиштирмаслик каби янги кадриятлар зарур. Аёл шахс сифатида танлаш ҳуқуқига эга, жамият бу ҳуқуқни бугунги кун меъёри сифатида қанчалик тез қабул қилса, мамлакатни замонавийлаштириш истиқболлари шунчалик катта бўлади.

“Аёллар ресурс маркази” қишлоқ жойларда ўтказган социологик сўровлар таълим олишни давом эттирмаган, 20 ёшгача бўлган аёлларнинг: “Олинган билим кам, бироқ эрга тегиш керак, кейин кеч бўлади”, “маълумотли аёл учун турмушини йўлга қўйиш қийин бўлади”, “ота-оналар қизларини тезроқ узатсинлар”, деб ҳисоблашларини кўрсатди. 30 ёшдан

катта аёллардан сўралганларнинг 85 фоизи етарлича маълумот олишмагани ва касб эгаллашмаганидан ўқинишган. Бу ҳолат ёшлар ўз келажагини яхши тасаввур эта олмаслигини кўрсатади. Тўйдан сўнг ҳаёт тугамайди, балки янгидан бошланади. Аслида бугун 18 ёшли қиз иккинчи даражали ҳамда кераксиз деб туюлган кўп нарсани, шу жумладан, давлатнинг хотин-қизлар бобидаги сиёсатини, мамлакатнинг хотин-қизларни камситишлардан ҳимояловчи қонунларини билиш зарур. Хотин-қизлар онгида аёлнинг роли тўғрисидаги анъаналар билан жойлаб қўйилган тасаввурлар устунлиги уларни йиллаб орқага улоқтиради. Ҳаёт уларни секинлик билан ўзгартиради, бу орада вақт бой берилади. Шу боис хотин-қизлар қўмиталари ноҳукумат ташкилотларининг билан бирга фаолият кўрсатиш учун катта имкониятларга эгадирлар, бинобарин, улар бир-бири билан шерик бўлиши зарурлигини нодавлат ташкилотларидан бошқалар ҳам англаши даркор.

Аёллар мавзуи билан боғлиқ асарларда ижтимоий мавзулар эмас, балки панд-насихат, ахлоқ масалалари, хотин-қизлар тарбияси ва ҳуқ-атвори масалалари устунлик қилади. Жамиятнинг аёллардан иборат қисми олдида турган қашшоқлик, ишсизлик, жинсига кўра камситиш ва ниҳоят, аёлларга зулм ўтказиш сингари алоҳида ижтимоий ва иқтисодий муаммолар, қатор мақолаларнинг мавзуси бўлса-да, у ёки бу ҳодисалар билан қандайдир боғлиқлиги нуқтаи назаридангина кўриб чиқилади.

Аёллар ҳақида ёзаётган эркакларнинг кўпчилиги ўзини ҳамда болаларини таъминлаб тургани, ўзига хотин бўлгани учунгина миннатдор бўлишади. Уларнинг назарида, аёл бор-йўғи яхши бека, итоатгўй, гўзал, камтар ва мулойим бўлиши лозимлигини таклиф қилишади. Аёл гўзаллиги ва фидойилиги ҳақида кўп гапирилади, мақолаларда, китобларда, радио ва телевидениедаги чиқишларда аёл эркакка ёқиши учун қанақа бўлиши зарурлигига кўп эътибор берилади. Эркак кишига гўзал, индамас, рўзғорбоп, ўзи учун бор-йўғини фидо қиладиган аёл ёқади. Бироқ эркак киши қанақа бўлиши зарурлиги ҳақида жуда оз ёзишади, аслида у ҳам оила қуриши, ота ва

эр бўлиши керак-ку. Шунингдек, замонавий эркакларнинг кўп муаммолари ота тарбиясининг, унинг болаларга эътиборининг ҳамда болаларнинг маънавий соғломлиги тўғрисида қайғуришнинг етишмаслиги билан боғлиқ. Гап шундаки, ҳар қандай эркак ҳам аёл эҳтиромига муносиб бўлавермайди. Бундай эркак оила муаммоларининг бутун юкини: ота-оналар ва болаларни парвариш қилишни, уйга, мол-ҳолга қарашни, томорқада ишлашни ва ҳоказоларни аёлнинг зиммасига ағдариб, эвазига на бир илиқ гап айтиб, на вафо кўрсатиб, на шафқат қилиб, аёл гўзаллигини ҳис қила олмайди. Аксинча, аёлнинг меҳнати, меҳрибонлиги, фидойилигини тан олмай, шу мураккаб ҳаёт қийноқларига ташлаб қўяди.

Айрим мақолалар муаллифларини гендер қоидаларидаги баъзи ўзгаришлар ранжитмоқда: “Аёл эркак билан тенг, баъзан эса ундан-да илдамроқ бўлиб уй-рўзғор юкини тортмоқда ва оила боқувчисига айланмоқда”, - деб ёзади Муҳаммаджон Аҳмедов “Ватан” газетасида. Шу газетанинг ўзида Саида Бону бундай деб ёзади: “Оилани боқишни ўз зиммасига олган аёл қадимдан оила ички ташвишлари билан ичкарида шуғулланган, уйдан ташқарида бўлган барча ишни эри бажарган. Сўнг Саида Бону хоним бутун қаҳр-ғазабини “бўзчининг мокиси” деб аталган, “Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини оширишга кўмаклашиши гумон бўлган, хориждаги бозорларда той-той юк ташийдиган, оиласини узоқ вақт ташлаб қўядиган ва савдо-сотикқа ўргатилган” савдогар аёлларга ёғдиради.

Бу мавзуга турли кўринишда бўлса-да, ҳозирга қадар ҳам такрор-такрор қайтилмоқда. Ўзбек тилидаги матбуотнинг бу “сайёр сюжети” тадбиркорлик билан ўзи учун мақбул шаклда шуғуллана бошлаган аёлларга тавқиланъат осадди. Улар очкўз, кўпол, беҳаё, бузук, “борига шукр қилмайдиган”, ўзларининг ҳаддан ташқари катта эҳтиёжлари йўлида эрини ҳам, фарзандларини ҳам эътиборсиз қолдирадиган аёллар сифатида тасвирланадилар. Оиласини боқиш учун тонг саҳарлаб туриб, оғир бидонларни сутга тўлдириб, биринчи электрпоезди билан шаҳарга

тушадиган сутчи аёл ҳам, сотиш учун бозорга той-той мол олиб тушадиган савдогар аёл ҳам, майда чакана савдо билан шуғулланадиган кампир ҳам матбуотда бир хил баҳога эга. Умуман, ўзбек тилидаги матбуот аёлнинг иқтисодий мустақиллигини маъқулламайди ва бу нарса ғашига тегишини яшира олмайди-ки, бу воқеаларнинг ҳақиқий аҳволида инъикос этади: ижтимоий онгда тадбиркор аёл, айниқса у гўзал, омадли, доно ва мустақил бўлса боз устига, аксинча, ёлғиз ёки эри билан ажрашган бўлса, одатдагидан ташқари бўлиб кўринади.

“Бегойим” кўрсатувида аёл билан суҳбат унинг турмушга чиққан-чиқмаганлиги тўғрисидаги саволдан бошланади, тадбиркор аёл эса дарҳол, эри унинг тадбиркорлик фаолиятига розилигини ва қўллаб-қувватлашини айтади. Шу чизгилар бўлмаса, аёл сиймоси салбий бўлиб қоларди. Эри йўқ тадбиркор аёл-чи? Бундай аёллар омма олдида чиқишдан ўзини олиб қочишади. Бинобарин, аёлнинг ютуқларини баҳолашда оилалилик мақоми асосий омилга айлангани таассуфли бир ҳолдир. Айни маҳалда “Аёл бозорда” мавзуи, айниқса, аёлларнинг ижтимоий аҳволи билан боғлиқ жиҳати жуда қизиқарли мавзулардан. Нодавлат ташкилотлари ўтказган мўъжаз сўров бозорда савдо қиладиган аёлларнинг кўпчилиги (78%) ёлғиз, бева, ажрашган аёллар, яъни оила бошлиқлари эканлигини, қолган қисми эса ишсизлар, гиёҳвандлар ёки қамокдаги эркакларнинг аёллари (20%), бор-йўғи 2% эрли ва эри ҳам ишлайдиган аёллар эканлигини кўрсатди.

Бозорга чиққан аёлга умумий салбий муносабат мавжуд бўлса-да, нима учун у ерда аёллар эркакшода бўлиб бораётгани таҳлил қилинмаган. Бозордаги жиноятлар, рэкет, у ерда норасмий гуруҳлар томонидан ўрнатилган шафқатсиз тартиб-қоидалар ҳақида эса лом-лим дейилмайди. Аксинча, кўрсатувлардан бирида бозор – маънавият манбаи эканлигини исботлашга анчагина эфир вақти сарфланди. Шундай бўлиши мумкинми? Намуна бўлгулик даражада равнақ топаётган тадбиркор аёллар ҳақида, гарчи вақти-вақти билан мақолалар чиқиб турса-да, улар расмий оҳангда бўлиб,

муаллифларнинг чинакам хис-туйғуси яширин қолади. Бир вақтлар раҳбар аёллар тўғрисида шу тариқа ёзишарди.

Бошқа бир мисол: “Оила ва жамият” газетаси ўқувчилар орасида маълум бир нуфузга эга. Газетанинг битта сонидagi мақолаларнинг сарлавҳасини ўқиймиз: “Она дуоси”, “Уйланмаган йигитга ўйламасдан тегибсиз”, “Эрини севганни атрофдагилар ҳам севади”, “Эркак ва унинг икки оиласи”, “Эрингизга ғамхўр бўлинг”, “Аёллик бурчингизни унутманг”, “Мулойимлик – аёл беағи”, “Эркак – ярим пир дейдилар”.

Ўзбек тилидаги оммавий ахборот воситаларининг таҳлили ҳали аҳвол мураккаблигидан далолат беради. Реал ҳаётда эса бусиз гендер соҳасидаги тенгликка ўтиб бўлмайди, чунки аёлларнинг тенг ҳуқуқларини тан олиш борасида ҳозирча музокара ўтказилмаяпти, сиёсат ва фуқаролик жамияти вакиллари томонидан бу жараённинг олиб борилишини таъминлаш эса журналистиканинг вазифасига киради. Оммавий ахборот воситалари давлатнинг гендер соҳасидаги тенглик борасидаги ҳомийлик сиёсатини жамиятга ё тушунтиролмаёпти ёки тушунтиришни истамаяпти. Борди-ю ўзбек тилидаги оммавий ахборот воситалари мантиқига қулоқ солинадиган бўлса, аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ҳақида рус тилида сўзлашувчи аҳоли гапираверсин, ўзбеклар ва умуман мусулмонлар ўзгача қонунларга амал қилиб яшайдилар, деган маъно келиб чиқади.

Мақолалардан аёлнинг ҳуқ-атворинигина эмас, унинг либосини ҳам назоратга олиш истагини сезиш мумкин. Мақола ва мактублар муаллифлари “мулойим ва сипо” ўзбек аёли кесик кийим, калта юбка кийиши керак эмас, деб ҳисоблашади. Ҳижобдан воз кечиш учун миллий кийим тарғиб этилмоқда, шу боисдан ҳам ислом кўрсатмаларига тўла жавоб берадиган миллий кийимда юришни тавсия этишади.

Иқтисодий мустақиллик, заҳиралардан баҳраманд бўлиш масалалари ўзбек тилидаги матбуотда деярли ёритилмайди. Аёлларнинг сиёсий ҳаётдаги иштироки масалалари ҳам оммавий ахборот воситалари эътиборидан четда

қолиб келмоқда. Бундай шароитда гендер муносабатларида қандай қилиб тараққиёт бўлсин? Айрим нодавлат ташкилотлари рус тилидаги матбуот билан жипс алоқа ўрнатган бўлса, ўзбек тилидаги оммавий ахборот воситалари билан бунга эришиб бўлмаяпти, чунки улар нодавлат ташкилотлари фаолиятига унчалик қизиқишмаяпти. Улар ҳаётни мутлақо миллий қадриятлар нуқтаи назаридан акс эттирадилар ва тасвирлайдилар. Эркаклар ва аёлларнинг жамиятдаги вазифаларининг тақсимланиши, аёлларнинг тобелиги ва эркакларнинг ҳукмронлиги муҳокамага сабаб бўлмайди, балки ўзбекча турмуш тарзи нормаси сифатида тақдим этилади. Ўзбек тилида ижод қилувчи журналист аёлларнинг бир қисми хотин-қизлар жамоат ташкилотлари мавжудлигини буткул эътибордан четда қолдиришади, чунки бўш вақтларини фақат оилага ҳамда анъанавий маросимларга бағишлашни маъқул кўришади. Улар ижтимоий фаолият ҳақида бош қотириб ўтиришмайди, нодавлат ташкилотларининг таклифларига муносабат билдиришмайди, ҳатто улар ўтказадиган тадбирларда қатнашмайди ҳам.

Аёлларнинг нодавлат ташкилотлари асосан анъанавий қадриятларни олға суришга қаратилган оммавий ахборот воситалари билан рақобатлаша олмайди, устига устак мақсадли гуруҳлар оммавий ахборот воситалари мухлисларидан сон жиҳатдан камчиликни ташкил қилади. Собиқ совет даврида давлат томонидан тузилган, асосан, унинг ҳисобидан молиялаштирилган жамоат ташкилотлари кўп эди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлатнинг қўллаб-қувватлаши билан “Соғлом авлод учун”, “Сен етим эмассан”, “Оила” илмий маркази сингари хотин-қизлар ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қиладиган нодавлат ташкилотлар тузилди, бироқ униси ҳам, буниси ҳам ўз мақсадли гуруҳлари билан гендер масалаларида юзага келган андозаларнинг зарарлилиги ва бу соҳани замонавийлаштириш тўғрисида маълумот берадилар.

Шундай қилиб, ўзбек тилидаги оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг гендер соҳасидаги тенглик ва унинг мамлакат тараққиётидаги

роли тўғрисидаги ахборотдан баҳраманд бўлишни таъминламайпти. Афсуски, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган материалларда эркакларнинг аёллардан устунлиги таъкидланади. Гендер соҳасидаги тенглик ғоялари бугунги кунда республика журналистлари, шу жумладан, аёллар муаммоларини эркаклар андозаларига кўра ёритаётган аёл журналистлар орасида ёйилмаяпти. Уларнинг гендер муаммоларидан беҳабарлиги, хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича маълумотларининг чекланганлиги ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу нарса аёлларга зулм қилиш ва уларни камситиш ҳодисалари ҳар доим ҳам объектив баҳоланмаганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, журналист аёлларимиз материалларида ўзини-ўзи цензура қилиш, юқоридаги каби ҳодисаларни баён қилишда таҳлилнинг етишмаслиги сезилади.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида аёллар 50 фоизни ташкил қилади, бироқ юқори даражадаги матбуот конференцияларида иштирок этувчиларнинг кўпчилиги – эркаклар. Газета, радио ва телевидениеда аёллар асосан оила муаммолари ҳақида қандай қилиб гўзал, мафтункор бўлиш мавзуларида ёки пазандалик тўғрисида ёзишади ва гапиришади. Журналист аёлларнинг кўпчилиги ўзларининг оммавий ахборот воситаларидаги мавқеи ва ўз касб маҳорати устида етарлича ишламаслиги туфайли аёлларнинг эрдан ажрашишини қоралашади, уларга нисбатан зулмни эса уларнинг тарбиясизлиги ва оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги билан боғлашади. Қизларнинг умумий маданияти масалалари, таълим олиш сифати, болаларни ташқаридан кириб келадиган ижобий ғоялар учун очиқлик руҳида тарбиялаш, аёлларнинг ижтимоий тараққиётда иштирок этиши масалалари хотин-қизлар журналлари ва бошқа оммавий ахборот воситалари эътиборидан четда қолмоқда. Улар аёлни оилавий қолоқлик оғушида қолдирмоқда. Хотин-қизлар ишсизлиги масаласига умуман эътибор берилмаяпти, аёлларнинг иқтисодий мустақиллиги асло қўллаб-қувватланмаяпти. Оналикни муҳофаза қилиш муаммоси жуда муҳим, бироқ

аёлларнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммолари кескинлашган ҳозирги пайтда бу мавзу аёлларнинг иқтисодий ва сиёсий муаммолари билан боғлаб ёритилмаяпти.

Айрим муаллифлар фикрига кўра, бу - аёлларнинг болаларни ва қарияларни парвариш қилишга янада кўпроқ вақт сарфлашини билдирар экан, чунки бозор иқтисодиётининг ноқулай шароити туфайли давлат ижтимоий хизматлари тизими қисқариб бормоқда. Бу аёлларни ижтимоий ҳаётда иштирок этишдан воз кечишга ниқобланган даъватдир. Бундай аҳволда фуқаролик жамияти ва унда аёлларнинг иштироки ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Юқоридаги фикрлардан қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Умумэътироф этилган ҳамда Ўзбекистон ҳам ратификация қилган халқаро ҳужжатлар хотин-қизларга нисбатан фақат жинсий белгиси асосида қўлланувчи истисно ва чеклашларнинг ҳар хил кўринишларини жамлаб, аёлларнинг оилавий ҳолатидан қатъи назар, барча соҳаларда: сиёсатда, иқтисодда, ижтимоий ҳаётда, маданиятда, фуқароликда хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлашга чақиради. Оилавий ҳаёт масалаларида эркак ва аёллар учун бир хил ҳуқуқ ва бурчларни ўрнатишга даъват этади. Соғлиқни сақлаш, оилани режалаштиришда эркак ва аёлларга тенг фуқаролик ҳуқуқларини бериш масалаларини ўзида ифодалайди. Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда, таълим олишда ва иш билан бандликда, меҳнат қилишда аёлларнинг ҳуқуқлари масаласини ўзида ифодалайди. Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда, таълим олишда ва иш билан бандликда, меҳнати масаласида ёш аёлларнинг ҳуқуқларини камситувчи ҳолларини тугатишни ҳамда хотин-қизлар турмушга чиққанида ва она бўлган пайтида иш билан таъминлаш кафолатини назарда тутди.
2. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида шаклланган сиёсат ва иқтисодга оид соҳаларини тартибга солувчи қонунчилиги,

яратилган ҳуқуқий ва ташкилий механизмлар жамиятнинг барча соҳаларида тенг гендер имкониятларини таъминлаш сиёсатини танлаганлигидан далолат беради, яъни Ўзбекистон Республикаси қонунлари хотин-қизларни эркаклар билан тенг шартларда: меҳнат қилиш ҳуқуқи, ишга ёлланишда бир хил имкониятларга эга бўлиш; эркин касб танлаш; таълим олиш; пенсияга чиққан, ишсиз қолган, касал ёки ногирон бўлса ижтимоий таъминланиш, соғлиқни сақлаш ва хавфсиз меҳнат шaroитларида ишлаш ҳуқуқлари билан таъминлайди.

3. Бу қонунларни амалда қўллаш муаммоси ўткирлигича қолмоқда. Бунга айрим қолоқ фикрлашлар, диний тасаввурлар тўсқинлиқ қилмоқда. Бу камчиликларни бартараф этиш учун жамиятда гендер тенглигига эришиш, аҳоли онгида ҳуқуқий билимларни шакллантириш, ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш зарур.
4. Хотин-қизларнинг оиладаги аҳволи ва дунёқарашлари, бажараётган репродуктив вазифаларини ҳисобга олиб, улар ўртасида олиб борилаётган ҳуқуқий-маърифий тадбирларда замонавий услублардан фойдаланиш;
5. Хотин-қизлар ҳуқуқларини ифодалайдиган содда, лўнда, аниқ, тушунарли, оммабоп адабиётларни чоп этишни кўпайтириш;
6. Оммавий ахборот воситаларида аёлларнинг ҳуқуқий маданиятига доир мақолаларни кўпроқ чоп этиш;
7. Аёллар масалалари, феминизм ҳамда гендер таълимотларини назарий жиҳатдан ўзлаштирган, уни амалга тадбиқ этиш усулларини яхши билган журналист кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлашга эътибор қаратиш;
8. Аёллар, замонавий аёллар, уларнинг ҳаёти, оила ва жамиятдаги ўрни ҳақида кўпроқ маълумот берувчи видеофильмлар, очерклар яратиш;
9. Аёлларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеларини юксалишига олиб келади. Бу эса жамиятнинг

барқарор тараққиётини таъминлайди.

Фикримизча, ушбу тадбирларни амалга ошириш хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятининг юксалишига ижобий таъсир кўрсатади.

Аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг асосий йўналишлари

Шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш масалаларига Республикамиз Президенти асарларида ҳам кенг ўрин берилган. И.А. Каримовнинг шахс ҳуқуқий маданияти қабул қилинган қонунларнинг амалиётга татбиқ этилиши, шахслар томонидан қанчалик ўзлаштирилиши, уларга риоя қилиниши ва бошқалардан ҳам қонунларга риоя этишни талаб қилишларида кўринади,¹²¹ деган фикрлари жамият ҳуқуқий маданиятини, жумладан, аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш методологияси бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади ҳамда бу муаммони қонуний ифодалаб, уни кенгроқ тушунишга ёрдам беради. Бу ҳужжатда белгиланган хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги, оила, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши ҳақидаги давлат ғамхўрлиги республикамизнинг Меҳнат кодекси, Никоҳ ва оила кодекси, Гражданлик ва Жиноят кодексларида, Соғлиқни сақлаш, Пенсия таъминоти ва бошқа қонунларида ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида хотин-қизларнинг меҳнат қилиш, иш ҳақи олиш, дам олиш каби меҳнат ҳуқуқий муносабатларини амалга оширишдаги кенг имтиёзларининг берилиши билан бирга, уларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши ҳам кафолатланган. Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодексида кишиларнинг оилавий ҳуқуқий муносабатларини белгилаш билан бирга оилани мустаҳкамлаш ва фарзандларини тарбиялашдаги аёлларнинг меҳнати, уларга

¹²¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: Ўзбекистон. 1994. – 48 б.

берилган имтиёзларни амалга ошириш кафолатланган.¹²²

Шунингдек, бу ҳужжатларда аёлларга меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш, уларга бериладиган ҳуқуқ ва эркинликлар ўз ифодасини топиб, уларни билиш ва амалда қўлланилиши аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда муҳим ҳисобланади.

Ҳар бир аёл маънавий-ҳуқуқий қиёфасининг, жумладан, одоб-ахлоқининг шаклланиши ва такомиллашувига ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий шарт-шароитлар ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Шу боис, аёллар ижтимоий ҳаётга қадам қўйиши биланоқ фақат тайёр ҳолдаги муайян ижтимоий, ишлаб чиқариш муносабатларигагина эмас, балки давлат, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ, ахлоқ ва ҳоказолар билан боғлиқ тартиб-қоидаларга ҳам дуч келади. Маълумки, аёллар ҳуқуқий маданиятининг шаклланишига, унинг ҳуқуқий онгига уни ўраб турган атрофдаги ижтимоий муҳит катта таъсир кўрсатади. Аёл муайян дунёқарашни, кўникма ва одатлар, одоб ва ахлоқ қоидаларини ўзлаштириш билан бирга, аниқ ижтимоий воқеа-ҳодисаларга, кишиларнинг хатти-ҳаракатларига, қонуннинг бузилишига ёки унга риоя қилинишига нисбатан муносабатда муайян мавқеда туриб ва муайян қонунларга суянган ҳолда иш кўради ва баҳо бера бошлайди. Аёллар ҳуқуқий маданиятининг ўзига хослиги яна шунда намоён бўладики, эркакларнинг аёлларга муносабати, эркакларнинг уларни ўзи билан тенг деб ҳисоблаши, уларнинг репродуктив функциясини бажаришдаги тақрорланмас хизматини тан олиши ва қадрлаши масалалари ҳам аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” ҳам эътиборга лойиқ. Бу дастурда умумий қоидалардан ташқари 5 та бўлим мавжуд:

1. Фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий

¹²² Восиқова М. Ҳар бир аёл учун. Т.: Адолат. – 1994. –3 б.

- маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш;
2. Фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш;
 3. Давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;
 4. Юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
 5. Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш.

Ҳар қандай ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва уни амалга ошириш жараёни давлат таянчига ишонади, чунки “Ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс ва инсон қонунга бўйсуниб мажбуриятдан озод қилиниши мумкин эмас”.¹²³

Аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда аҳолига табақалаштирилган ёндашув зарур, чунки аҳолининг турли қатламлари қонунларининг моҳиятини турлича тушуниши мумкин.

Жамиятимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, энг аввало, ҳуқуқий тарбия тизими орқали амалга оширилмоқда. Бу тизимда умумий таълим мактабларида, коллеж ва академик лицейларда, олий ўқув юртларида “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Инсон ҳуқуқлари”, “Одобнома”, “Оилавий ҳаёт этикаси” ўқув курсларини ўқитиш орқали амалга оширилади. “Ҳаёт ва қонун”, “Бошланғич таълим”, “Халқ таълими”, “Ҳуқуқ”, “Жамият ва бошқарув”, “Қонун ҳимоясида”, “Инсон ва қонун” журналларида ҳам шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг айрим масалалари ёритилмоқда.

Ҳуқуқ ҳақидаги маълумотларнинг тарқалиши, аёллар онгида ҳуқуқий онгни шаклланганлик даражасини билиш учун “Ижтимоий фикр” маркази билан ҳамкорликда “Аёл, ҳуқуқ ва зўравонлик” мавзуида социологик тадқиқот олиб бордик.

¹²³ Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда қабул қилган 466-сонли қарори билан тасдиқланган.

Бизнинг жамиятда аёллар эркалар билан тенг ҳуқуққа эгами, деган саволимизга кўпчилик – 72 фоиз аёллар ижобий жавоб берганлар. 19,2 фоиз респондентлар “бизнинг жамиятда аёллар эркалар билан тенг ҳуқуққа эга эмас” деган фикрдалар. 8,8 фоиз респондентлар эса жавоб беришга қийналишган.

Жавоблардан маълумки, аёллар эскича қарашга мойил, яъни эркаларнинг ҳуқуқи кўпроқ, улар оила ва жамиятда ҳам бош ролни эгаллаган, аёллар уларга нисбатан кичикроқ ва паст мансабларни эгаллашган ҳамда эркаларга моддий жиҳатдан қарам. Турмуш қурган аёлларнинг 61,2 фоизи, ўрта махсус маълумотга эга аёлларнинг 62,5 фоизи, тўла ўрта маълумотлиларнинг 61,9 фоизи бу фикрни тасдиқлашган.

Аёлларнинг тенг ҳуқуққа эга эмаслигининг асосий сабаблари (фоиз ҳисобида)

Сабаблари	Шаҳар	Қишлоқ
Аёлнинг эркака моддий жиҳатдан қарамлиги	7,0	1,4
Оилада эркак оила бошлиғи ҳисобланади	54,5	61,4
Барча муносабатларда аёл киши эркакдан паст мавқега эга	5,8	5,7
Аёллар эркаларга нисбатан кўпроқ меҳнат қилишади	4,7	4,3
Эркалар кўпроқ юқори мансабда ишлашади ҳамда юқори маош олишади	1,2	2,9
Аёлларни ишга қабул қилаётганда ҳамда уларни мансабга кўтараётганда самимий муносабатда бўлишмайди	9,3	10,0
Бошқа фикрда	3,5	2,9
Жавоб беришга қийналаман	14,0	11,4

“Бизнинг республикамызда аёллар ҳуқуқий жиҳатдан камситиладими?” деган саволга 57,5 фоиз аёллар камситилмайди деб жавоб беришган. Аммо 33,4 фоиз аёллар тез-тез камситилади деган фикрда ва респондентларнинг 7,7 фоизи жавоб беришга қийналишган.

Аёллар асосан оила ва ишда турли камситилишларга учрашмоқда. Респондентларнинг фикрича 62,6 фоиз аёллар оилада камситилади. Бу ҳодиса қайноналар томонидан амалга оширилади дейувчилар 10 фоизни, 9,2

фоизи эрлари аёлларини пул топишга мажбур қилади деса, аксинча, 9,2 фоиз эркаклар аёлларнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишига қаршилиқ қилади деган фикрдалар.

“Айтингчи, Сизнинг шахсий ҳуқуқингиз камситилганми?”, “Агар Сиз ҳуқуқингиз камситилишига дуч келган бўлсангиз, бу қандай шаклда амалга оширилган”, деган саволга 36,3 фоиз аёллар бундай камситилишларга дуч келмаган, 32,4 фоиз аёллар ҳуқуқи камситилган, 31,3 фоизи жавоб беришга қийналган.

Оилада кўпроқ камситилишга дуч келдим деган фикрдаги аёллар асосан янги тушган келинлар бўлиб, 20 ёшдагиларнинг 60 фоизи шу фикрни билдиришган, 24-29 ёшлилар 42,9 фоизни ташкил этишган.

“Агар Сизнинг ҳуқуқингиз камситилган бўлса, ўз ҳуқуқингизни ҳимоя қилиш учун қандай чора қўлладингиз?” деган саволга қуйидаги жавоб олинди.

Чора	Шаҳар	Қишлоқ
Судга мурожаат қилдим	16,7	2,5
Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар (милиция, прокуратура ва б.) мурожаат қилдим	12,5	—
Адвокат ёрдам беришини сўрадим	10,4	10,0
Маҳалла қўмитасига мурожаат қилдим	12,5	12,5
Ота-онамга, обрўли қариндошларимга ва танишларимга мурожаат қилдим	8,3	12,5
Камситилган ҳуқуқимни мустақил равишда, ўз кучим билан тиклашга ҳаракат қилдим	16,7	20,0
Ҳеч қандай чора кўрмадим	20,8	25,0
Жавоб беришга қийналаман	2,1	17,5

Жавобдан маълумки, ҳар беш аёлнинг биттаси ҳуқуқлари камситилганда ҳеч қандай чора кўрмаган. Жавоб беришга қийналган аёлларнинг кўпчилиги қишлоқда яшайди. Уларнинг биронтаси ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларга мурожаат қилмаган.

Ўз ҳуқуқий саводхонлик даражасини баҳолашда ҳам ўзига хослик мавжуд. Масалан, кўпчилик респондентлар (66,2 фоиз) ҳуқуқий саводхонлик

даражасини “ўртача” деб баҳолаганлар, 7,7 фоизи юқори, 17,9 фоизи паст, 2,8 фоизи ўта паст даражада деб баҳолашган.

**Ўзбекистон Республикасининг Қонунларини
билиши даражаси**
(фоиз ҳисобида)

	Яхши танишман	Қисман	Таниш эмасман
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси	20,0	58,8	21,2
Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий Кодекси	9,7	48,4	41,9
Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси	11,3	48,3	40,4
Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни	16,7	35,5	47,3
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси	5,9	35,6	58,5
Ўзбекистон Республикасининг Бандлик ҳақидаги қонуни	5,9	31,2	62,9

Кўп аёллар (93,2 фоизи) бирон марта аёллар ташкилотларига мурожаат қилишмаган, улар бундай ташкилот борлиги ҳақида маълумотга эга эмаслар, ўзларини ҳукукий ҳимоя қилишга тайёр эмас.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги қарорида “хотин-қизлар қўмиталарининг фаолияти, энг аввало, хотин-қизларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга, шу жумладан, вақтинчалик иш ўринлари барпо этиш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш ва хотин-қизларни ишга жойлаштиришнинг бошқа шаклларида фойдаланишга қаратилиш зарур”¹²⁴ деб таъкидланиши бежиз эмас.

Ўзбекистонда яқин йиллардагина аёлларга нисбатан ишлатилган зўравонлик ҳақида гапирилиб ўрганила бошланди. Айниқса, оиладаги зўравонлик муаммоси ўткирлигича қолмоқда. Оиладаги зўравонлик бугунги кун муаммоси бўлса-да, бугуннинг янглиги эмас. Бу иллат қадим замонлардан бери турли миллат фуқароларининг иқтисодий ва ижтимоий мақомидан ва динга бўлган эътиқодидан қатъи назар маълум бўлган ва кенг тарқалган.

Зўравонлик иллатларини давлатимизда кузатилаётган иқтисодий

¹²⁴ Ҳалқ сўзи, 2004 йил, 30 июнь.

ўзгаришлар билан боғлай олмаймиз. Оиладаги зўравонлик иқтисодий ночор ёки тўқис давлатларда ҳам мавжуд. Масалан, 1998 йил 1-2 май кунлари Ўзбекистонда ушбу йилни “Оила йили” деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистондаги Америка элчихонаси томонидан “Турмушдаги зўравонлик – АҚШ тажрибаси” мавзuida семинар ўтказилди. Бу семинарда элчининг ўринбосари Жозеф Лимпрехт маърузасида айтилганидек, АҚШда ҳам оиладаги зўравонлик мавжуд бўлиб, кейинги 20 йиллар давомида бу масалага лоқайд муносабат бартараф этилди, ҳозирда бу иллатга жиддий муносабат шаклланган, бунга асосан мамлакатдаги хотин-қизлар ташкилотларининг лидерлари сабабчи бўлдилар. Улар оиладаги зўравонликларни бартараф этмасдан туриб, жамиятда гендер тенглигига эришиб бўлмаслигини ҳукуматга тушунтира билдилар. Натижада, полиция, ва суд ҳамда тиббиёт ходимларига бу мавзуда махсус ўқув ташкил этилиб, зўравонлик қурбонлари бўлган аёлларга қандай муносабатда бўлиш зарурлиги, уларга ёрдам беришнинг услублари ўргатилди. Аёлларга эса бундай ҳолатга тушган тақдирда қаерда, қандай ёрдам олиши мумкинлиги уқтирилди.

Маърузачи таъкидлашича, АҚШда 270 млн. одам истиқомат қилади, ҳар йил 2 млн. аёл оилада зўравонликка дучор бўлади. 2 мингдан зиёд аёллар оиладаги зўравонликдан вафот этганлиги махсус қайд этилади. Бундай ҳодисаларни яширганлар қанча? Ҳар 12 секундда бир аёл зўравонликка учрайди. Бу маълумотлар нафақат аёллар орасида, балки умумжамятда ҳам маълум қилинади. Бу масала жамиятнинг устувор муаммоларидан бири деб тан олинган. Мамлакатимизда оилавий зўравонликка учраган аёлларни ҳуқуқий, маънавий ҳамда моддий ҳимоя қилиш учун ҳар йили 67 млрд. доллар ажратилади, дейди маърузачи.¹²⁵

Шунингдек, маърузада айтилганидек, 1994 йили АҚШ Конгресси

¹²⁵ Эвелин Б. Лансинг Тошкентдаги “Меридиан” меҳмонхонасида 1998 йил 1-2 май кунлари бўлиб ўтган “Турмушдаги зўравонлик – АҚШ тажрибасидан” конференциясидаги маърузасидан.

“Аёллар зўравонлигига қарши акт” қонунини қабул қилдилар. Бу қонунда аёлларга нисбатан зўравонликлар жиноят деб топилиб, қонунда кўрсатилганидек жазоланади.

БМТ Бош Ассамблеяси ҳам 1993 йилда қабул қилган Декларациясида “Аёлларга нисбатан зўравонлик” тушунчасига аниқлик киритиб, уни эр-хотин ўртасидаги тарихан яратилган тенгсизликнинг натижаси деб эътироф этди, эндиликда аёллар инсон ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланиш ҳуқуқига эга, деган фикрни таъкидлади ҳамда аёлларнинг инсон ҳуқуқларидан тўла баҳраманд бўлишлари оиладаги зўравонлик илдизларини йўқ қилади, деган ишончда эканлигини билдиради.¹²⁶

Декларация оилавий зўравонлик ҳолатига аниқлик киритиб, уни инсон ҳуқуқларини поймол, қилувчи аёлларга қарши бўлган, гендер асосида йўналтирилган зўравонлик деб қабул қилди. Шу боис, ушбу халқаро ҳужжат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш меъёрларига тааллуқли бўлиб оиладаги зўравонлик илдизларини йўқ қилиш тадбирларини амалга оширишга давлатларни даъват этади.

Декларация қабул қилинган, бутун жаҳонда эркак ва аёллар орасидаги тенглик адолатига эришишда сезиларли ўзгаришлар юзага келди. Аёл муаммолари халқаро миқёсдаги анжуманлар кун тартибидан ўрин олди. Кўпчилик мамлакатларда аёл ҳуқуқлари, эркинликлари, тенг ҳуқуқлари ва тенг имкониятларни таъминловчи қонунлар қабул қилинди.

БМТнинг аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги конвенцияси мониторингига қатъий амал қилинишини барқарор этди. Комитетнинг якуний хулосалари ва умумий тавсиялари хотин-қизлар иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, уларнинг сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларини таъминлаш воситаларини яхшироқ англаб етишга, бу ҳуқуқлардан хотин-қизларнинг ўзлари янада тўлиқроқ

¹²⁶ Қаранг: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: асосий омиллар. Т.: БМТ ваколатхонаси. 2001. 272-273 б.

фойдаланишларига ёрдам берди¹²⁷.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил 8 декабрь), Жиноят Кодекси, Оила Кодекси (1998 йил) инсон ҳуқуқлари, аёллар тенглиги ва ҳуқуқини қўллаб-қувватловчи, ҳимоя қилувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқини ҳимоя этувчи барча халқаро битим ва келишувларга, жумладан, аёлларни зўравонликдан ҳимоялаш ҳужжатларига қўшилди. Булар қаторига Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пакт, Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Конвенция, Аёллар аҳволи бўйича БМТнинг хотин-қизлар турмуш тарзи бўйича Тўртинчи Халқаро анжуманида қабул қилинган Декларацияси (1995 йил) киради. БМТнинг хотин-қизлар аҳволини ўзгартириш бўйича 189 давлат вакиллари қатнашган Тўртинчи Халқаро анжуманида қабул қилинган Пекин Декларацияси ва Ҳаракат Платформаси дастурида аёлларни ҳар қандай камситилиш ҳолатларига ва тенгликка эришишда юзага келадиган ҳар қандай тўсиқларга барҳам беришда давлатларнинг янги халқаро мажбуриятлари ўз аксини топган.¹²⁸

Ўзбекистон давлати барча давлатлар қаторида ушбу мажбуриятларни олар экан, аёллар мавқеини юқори даражага кўтариш, уларнинг фуқаролик фаоллигини, ҳар қандай даражада мустақил қарор қабул қилиш, ижтимоий, сиёсий ва жамият ҳаётида алоҳида ўрин тутишини эътиборга олган ҳолда туман, вилоят, шаҳар, республика миқёсида хотин-қизлар қўмиталарини ташкил этди. Ўз навбатида Хотин-қизлар қўмитаси томонидан аёллар масалалари ва муаммоларини ечиш борасида махсус дастурлар яратилди. Бу дастурлар, аввало, аёлларнинг ҳуқуқий савияси, билими, саводхонлиги, маданиятини ошириш ва аёллар ҳуқуқини кенг қўламда ҳимоялашга қаратилди. 1998 йилда Республика “Оила” илмий-амалий маркази ташкил

¹²⁷ БМТ: Асосий омиллар. - Т.: БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, -207, 272-273 - бетлар.

¹²⁸ БМТ: Асосий омиллар. -Т.: БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 2001.- 51-52 бетлар.

қилиниб, унинг фаолияти оилаларнинг ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, руҳий, педагогик ҳолатларини махсус тадқиқотлар асосида ўрганишга ва аниқланган муаммолар, нуқсонларни бартараф этиш учун махсус таклиф, тавсия, дастурлар ишлаб чиқаришга йўналтирилди.

Ўзбекистонда янги нодавлат, нотижорат жамоалар тизими, айниқса, аёллар масалалари билан шуғулланаётган ташкилотларнинг юзага келиши, унинг ҳақиқий халқчил, ҳуқуқий давлат пойдеворини яратаётганидан далолат беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида элликдан зиёд нодавлат, нотижорат ташкилотлари аёллар муаммоларини ҳал этиш учун хотин-қизлар кўмиталари, оила марказлари ҳамда маҳалла фаоллари билан бир ёқадан бош чиқариб, фаолият кўрсатмоқдалар. Хотин-қизлар учун ташкил қилинган инқироз ва ишонч марказлари, ишонч телефонлари аёлларга ҳуқуқий, руҳий ва тиббий маслаҳатлар бермоқда. Шунингдек, қайнона-келин муносабатларини уйғунлаштирувчи клублар, оила дорилфунунлари, оналар мактаби аёлларга тегишли хизмат кўрсатмоқда.

Республикамизда аёлларга нисбатан оиладаги зўравонликнинг олдини олишга қаратилган турли ҳуқуқий, сиёсий, маъмурий ва маданий дастурларни янада такомиллаштириш ҳамда бу ҳодисани бартараф этувчи махсус қонун ишлаб чиқиш¹²⁹ мақсадга мувофиқдир.

Зўравонлик қурбонларига ижтимоий-психологик, ҳуқуқий ёрдам берувчи ва хизмат кўрсатадиган ташкилот тармоқларини, аввало, аёллар учун инқироз марказларини, оилага ижтимоий ёрдам марказларини ташкил этишга эҳтиёж мавжуд. Шунингдек, зўравонлик қурбонлари учун панагоҳлар, ишонч телефон тармоқларини кўпайтириш ҳам мақсадга мувофиқ бўларди.

Жамоа онгини ўзгартириш учун, назаримизда, оммавий ахборот воситаларини кенгроқ жалб этиш лозим. ОАВ ходимлари, журналистлар жамиятга зарар етказадиган салбий урф-одатларни тарғиб қилмай, янги

¹²⁹ Қаранг.: Ўзбекистонда уйдаги зўравонлик. Т.: 2000. - 11 б.

йўналишда маърифий ишларни олиб боришлари муҳимдир. Бунинг учун ўқув семинарларини ташкил этиш тавсия этилади. “Зўравонликсиз ҳаёт” ва зўравонликка қарши прогрессив дунё назарига эга бўлган ҳуқуқий маданиятни, юксак инсон қиёфасини яратиш бугуннинг талабидир.

Зеро, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир аёл кўрқувсиз ва зўравонликсиз ҳаёт кечириш ҳуқуқига эга. Аёлга нисбатан зўравонлик содир этиш, қонун ва ҳуқуқ устуворлик қилаётган демократик жамият, ҳуқуқий давлат тамойилларига зиддир.

Аммо ҳали республикамызда бу ҳодисага объектив ёндошиб, унинг оқибатларини тўғри баҳолаб, аҳоли орасида унга қарши кенг ва мунтазам кураш олиб боришнинг конкрет чора-тадбирлари ишлаб чиқилмаган.

Зўравонлик ҳақида аёлларнинг ўзларидан сўралганда, уларнинг 79,1 фоизи аёлларга нисбатан зўравонлик ишлатилишини эътироф этишган. Аёлларга нисбатан зўравонлик тез-тез такрорланиб турилади деб ҳисобловчи шаҳарликлар 27,6 фоизни, қишлоқда яшовчилар эса 9,6 фоизни ташкил этади. Тошкент шаҳрида яшовчилар эса 25,4 фоизни ташкил этишган.

Ажрашган аёл (27,8 фоизи) оилали аёлга (11,1 фоизи) нисбатан кўпроқ зўравонликка дучор бўлиши ҳам қизиқарли ҳол (бунда зўравонлик оиладан ташқарида содир этилади). Тадбиркор аёлларнинг 40 фоизи, хизматкорларнинг 25,5 фоизи, маиший соҳада хизмат қилаётганларнинг 8,6 фоизи тез-тез зўравонликка учраб туришини билдирганлар.

Турли ёшдаги аёллар гуруҳининг жамиятда зўравонликка учраши ҳақидаги фикри (фоиз ҳисобида)

Ёши	Тез-тез	Баъзида	Билмайман
20 ёшгача	18,4	63,2	18,4
20-24 ёш	15,3	61,3	23,4
25-29 ёш	16,2	61,7	22,1
30-39 ёш	20,7	61,6	17,7
40-49 ёш	16,6	62,1	21,3
50 ёш ва ундан юқори	24,1	48,1	27,8

Кўриниб турибдики, барча ёшдаги аёллар оилада оилавий зўравонликнинг кенг тарқалганлигини таъкидлашган. Шаҳар аёлларининг 54,8 фоизи, 50 ва ундан юқори ёшдагиларнинг 66,7 фоизи оиладаги зўравонликнинг мавжудлигини таъкидлашган. Безорилик шаклидаги зўравонлик мавжудлигини ёш қизлар ва 20-24 ёшдаги аёллар (31,4 фоизи) эътироф этишган.

Зўравонликнинг тарқалиши ҳақида аёлларнинг фикри
(фоиз ҳисобида)

Шакли	20 ёш	20-24 ёш	24-29 ёш	30-39 ёш	40-49 ёш	Ундан юқори	Ўртача
Оилавий зўравонлик	55,3	45,3	54,4	52,3	48,9	66,7	52,0
Кўчадаги зўравонлик	28,9	34,3	29,4	30,4	31,0	24,1	30,4
Ишдаги зўравонлик	1,3	5,8	3,7	5,5	2,9	1,9	4,1
Ҳокимият органлари вакиллари томонидан содир этилган зўравонлик	1,3	1,5	0,7	1,7	1,7	1,9	1,5
Билмайман	13,2	13,1	11,8	10,1	15,5	5,4	12,0

Марказий Осиё ҳудудида яшаётган миллат вакиллари оилавий зўравонликнинг мавжудлигини эътироф этишган. Бу ҳодиса бизнинг минтақада аёлларга нисбатан патриархал муносабат сақланиб қолганлигидан далолат беради.

Оилада аёллар зўравонлиги вужудга келишининг асосий сабаби
(фоиз ҳисобида)

Зўравонлик сабаби	Ҳамма аёллар	Шаҳарлик	Қишлоқ
Оиладаги моддий қийинчиликлар	49,0	39,5	76,9
Эримнинг рашки	21,6	26,9	7,7
Қайнонам билан муносабатимизнинг мураккаблиги	19,6	23,7	7,7
Эримнинг мастлиги	15,7	21,1	—
Эримнинг маълумоти ва маданиятининг пастлиги	13,7	18,4	—
Фарзандлар тарбиясида келиша олмаслик	13,7	10,5	23,1
Эримнинг хиёнати	7,8	10,5	—
Менинг рашким	3,9	2,6	7,7
Қайинсинглим билан муносабатларимизнинг мураккаблиги	3,9	5,3	—
Менинг иқтисодий мустақиллигим – эримга нисбатан кўпроқ топаман	2,0	2,6	—

Кўриниб турибдики, оилавий зўравонликнинг асосий сабаби - оиладаги иқтисодий қийинчилик, иккинчи ўринда эрнинг рашки, қайнона билан келиша олмаслик, эрнинг мастлиги ҳамда эр маълумотининг пастлиги ва бошқалар. Қишлоқ аёлларининг 76,9 фоизи зўравонликнинг асосий сабаби иқтисодий қийинчилик эканлигини эътироф этишган. Шаҳарда яшовчи аёлларнинг 39,5 фоизи мана шу фикрни тасдиқлашган. Бу фикрга хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаётганларнинг 80,0 фоизи, халқ таълимида ишлаётганларнинг 57,1 фоизи, уй бекаларининг 56,3 фоизи, ўрта маълумотлиларнинг 52,9 фоизи, 20 ёшга кирмаган аёлларнинг 66,7 фоизи ва 20-24 ёшдагиларнинг 66,7 фоизи қўшилишади. Бу аёллар ҳам даромад манбаига эга бўлмаганликлари учун иқтисодий жиҳатдан эрига қарамдирлар. Ўзбек оиласида қайнона-келин ўртасидаги муносабат мураккаб ҳисобланади. Бу ҳодиса кенг тарқалган бўлиб, қайнона келин олдига юқори талаблар қўяди, уни бажара олмаган, янги оилага мослашиши қийин кечган кечаги ёш киз бу қийинчиликларни енгишга, турли ахлоқий-руҳий зўравонликларга чидашга мажбур бўлади. Шу сабабдан ҳам 20-24 ёшли аёлларнинг 66,7 фоизи қайнонаси томонидан зуғум кўрганлигини эътироф этишмоқда.

Оиладаги зўравонликнинг яна бир сабаби - алкогольдир. Оила аъзоларининг ёки эрнинг спиртли ичимлик ичиб, жанжал кўтаришини 21,1 фоиз шаҳар аёллари тан олишган. Тошкент шаҳрида яшаган аёлларнинг 36,4 фоизи мана шу фикрни эътироф этишган.

Эрининг маълумоти ва маданияти пастлиги туфайли зўравонлик содир этганлигини 23,5 фоиз ўрта маълумотга эга, 20,0 фоиз олий маълумотга эга аёллар билдиришган.

Сизга нисбатан оилавий зўравонлик содир этилганда қаерга мурожаат қилдингиз деган саволга 58,3 фоиз аёллар ўзининг ҳимояланишига ишонмаганлиги ва миллий анъанага қарши чиқолмаганлиги учун ҳеч кимга мурожаат қилмаган. Қизиғи шундаки, қишлоқ аёлларининг 58,5 фоизи ҳимояланишини сўраб маҳалла қўмитасига, милиционерга, қариндошларига

мурожаат қилишган. Мана шу мақсадда 23,6 фоиз шаҳарликлар, славянларнинг 66,7 фоизи, ўзбек аёлларининг 37,9 фоизи, Марказий Осиёлик миллатларга мансуб аёлларнинг 25,0 фоизи мурожаат қилишган.

Бунда шаҳарликларга нисбатан қишлоқ аёлларининг ўзларини қадрлаши юқорилигини кўрсак, славян миллатига мансуб аёлларнинг ҳам ўз қадрига етишини аниқладик. Ўзбек ва Марказий Осиёлик аёллар эса уларга нисбатан бу соҳада пассивлигини намоиш этишган.

Аёллар мурожаат қиладиган жойлар

(фоиз ҳисобида)

Маҳалла кўмитасига	24,3
Таянч пункти нозирига	18,9
Қариндошларга	18,9
Ички ишлар бўлимига	16,2
Фуқаровий судга	5,5
Ҳокимиятга	5,4
Прокуратурага	5,4
Хотин-қизлар ташкилотига	5,4

Ёрдам сўраб мурожаат қилган аёлларнинг 30 фоизидан зиёди муаммоларини ҳал этишда ёрдам беришган. Аммо 29,7 фоизи ёрдам ололмаган, 32,4 фоиз жабрланувчи аёл жавоб беришга қийналган. Ёрдам олган аёлларнинг 61,5 фоизи шаҳарликдир.

Оиладаги зўравонликнинг негизида (раҳбар ва бўйсунувчи, бой ва камбағал, кучли ва кучсиз, катталар ва кичиклар, эркак ва аёл орасида) тарихан юзага келган тенгсизлик ҳолати ётади. Оилада аёлга нисбатан зўравонликнинг яна бир сабаби – жамиятда мавжуд гендер урф-одатлари (стереотиплари)дир. Айни шу ҳолатлар зўравонликнинг турли-туман кўринишларининг содир бўлишига олиб келади ва шу туфайли “гендер зўравонлиги” деб аталади. Аёл фақат аёл бўлиб туғилганлиги учунгина унга нисбатан зўравонликлар содир этилади. Гендер зўравонлигининг туб негизини англаган ҳолатдагина унинг турли-туман кўринишларига барҳам бериш мумкин бўлади. Шунда биз аёл ҳаётидан зўравонлик иллатини мутлоқ

йўқотишдек асосий мақсадга эришишимиз мумкин.

Бизнингча зўравонлик ҳолатларининг сабаби қуйидагича:

- Жамиятдаги замонавий ижтимоий-иқтисодий инқироз шароитида яшаш даражасининг (камбағаллик, доимий равишда маблағнинг етишмаслиги) пасайиб кетиши;
- Гиёҳвандлик, ичкиликбозлик;
- Умумий маънавият, зиёлилик ва оилавий муносабатлардаги тарбиянинг паст даражада бўлиши;
- Зўравонликнинг кино, телевидение, ахборот воситалари, радио, видео ва ҳ.к.лар орқали тарғибот қилиниши;
- Оиладаги эркак ва аёл ролларининг тавсифи: кимдир – “боқувчи”, кимдир – “боқиманда” бўлиши;
- Оила аъзосига тааллуқли бўлган ишсизлик ёки ишни йўқотиш хавфининг туғилиши;
- Жамият оилада аёлга нисбатан зўравонликни одатий ҳол деб ҳисоблаш;
- Оиладаги зўравонлик ва оила муаммолари ҳақида гапиришнинг ман қилинганлиги, уни яшириш, жамиятнинг бу муаммо ҳақида кам маълумотга эга бўлиши;
- Аёл ўзининг кадр-қимматига ўзи етмаслиги ва ўз баҳосини паст ҳисоблаши;
- Эркакнинг аёл устидан ҳукмронлик қилиш хоҳиши ва унинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиб туриши;
- Давлатнинг оиладаги зўравонлик муаммосига эътиборсизлиги;
- Жамиятимизнинг нафақат оиладаги, балки умуман зўравонликка бефарқ қараши;
- Иқтисодий тенгсизлик ва аёлнинг оиладаги қарам ҳолати;
- Эртанги кунга умидсизлик, унга кўрқув билан қараш, ҳозирги замон жамияти тавсифига хос умумрухий тушкунлик ҳолатининг ҳукм суриши;
- Жамиятнинг зўравонлик – оилавий турмуш тарзининг одатий

таваккалчилиги деб тушуниши;

- Оилада ҳукмронлик ҳуқуқи эркакка бериладиган, умумқабул қилинадиган анъанавий муносабатлар тури;
- Уй-жой шароитларининг оғир ва қониқарсиз бўлиши.

Ушбу зўравонликларга нисбатан бизнинг фикримиз:

1. Оилада аёлга нисбатан зўравонлик ҳолати гендер характериға эға. Яъни ушбу зўравонлик аёлга нисбатан, у аёл бўлиб туғилганлиги ва жамиятда бундай зўравонликни содир этиш одатий ҳол деб қабул қилинишидадир.
 2. Оиладаги зўравонлик Умумжаҳон Декларациясида ва давлатимиз Конституциясида ўз ифодасини топган инсон – аёл ҳуқуқини камситади.
 3. Жамоатчилик биргаликда оилада аёлга нисбатан зўравонлик кўрсатишни бартараф этишнинг конструктив йўллариини излаши зарур.
- Оиладаги зўравонликдан жабрланган ва ёрдамға муҳтож бўлган аёллар кўп ҳолларда яқин одамлари ва кўни-кўшниларнинг қўллаб-қувватлашларисиз, давлат тизимлари вакилларининг салбий муносабатларига юзма-юз келганда, ўз муаммоларига ўзлари қовурилиб қолаверадилар;
 - Кўпгина давлат ташкилотлари ва хизматларининг фаолият тизими оиладаги зўравонликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобға олмаганлари туфайли, ёрдамға муҳтож бўлган зўравонлик қурбонларининг қайта жабрланишиға олиб келади ва бу ишға аралашув самарасини пасайтиради;
 - Давлатимизда мавжуд бўлган институциал ва ҳуқуқий тизим оилада зўравонлик содир этиш вазиятларига жавоб бериш самарасини ошириш учун алоҳида қарор қабул қилиш кераклигини тақозо қилади;
 - Оиладаги зўравонлик муаммоси билан шуғулладиган махсус ташкилотларни барпо этиш ва шу муаммо билан ишлайдиган мутахассислар малакасини ошириш мақсадға мувофиқ бўлур эди;
 - Оила зўравонликлари муаммоси билан шуғулладиган ҳар бир маҳалла фаолларини махсус дастур асосида ўқитиш, уларнинг онгида ўрнашиб

- қолган, зўравонликка чорловчи гендер урф-одатларини истисно қилиш самарали натижалар берар эди;
- Жабрланган аёлларга руҳий, ҳуқуқий, тиббий ёрдам берадиган ташкилотларни кўпайтириш;
 - Оила зўравонлигини енгишда ва унинг олдини олишда маҳалла фаолларининг жавобгарликларини ошириш;
 - Айрим зўравонликдан жабрланган аёллар ва уларнинг фарзандлари учун ижтимоий-руҳий танглик ҳолатларидан чиққунларигача махсус панохгоҳлар ташкил қилиш;
 - Оиладаги зўравонлик муаммоларини енгишни ижтимоий-ҳуқуқий, лозим бўлса, сиёсий даражага кўтариш мақсадга мувофиқ бўлур эди;
 - “Оиладаги зўравонлик” ҳақида махсус қонун қабул қилиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш зарур. Бу оиладаги зўравонликка нисбатан жавобгарликни оширади ва зўравонлик содир этишни ман этади;
 - Қонунларни мукаммаллаштириш, аёллар ҳуқуқини қонуний ҳимоя қилиш ва қонунларни бенуқсон ишлашини таъминлаш зарур;
 - “Оиладаги зўравонлик” бўйича ҳужжатлар топшириш ва унинг кўрилиш жараёнларини соддалаштириш керак. Бу муаммога эътиборсизлик билан қараган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларига нисбатан жазо бериш тизимини ишлаб чиқиш лозим;
 - Милиция ходимлари, ҳуқуқшунослар, ижтимоий хизматчилар, шифокорлар, маориф ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун оиладаги зўравонлик муаммолари бўйича махсус ўқув курсларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Ушбу “Оиладаги зўравонлик” курси бўйича ўқитиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора мутахассисларини тайёрлашда, касб малакасини такомиллаштириш замонавий талабларга жавоб бериши лозим;
 - Соғлиқни сақлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа вакиллар учун ташкил қилинган ўқув курслари жабрланган аёлга малакали ёрдам бериш,

- унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун йўналтирилиши керак;
- Барча тиббий ходимлар оиладаги зўравонлик ҳолатларини рўйхатга олиш ва ҳисобот тайёрлашлари учун махсус тартибда “Баённомалар”ни тўлдириш кераклигини ўрганиб уни ҳаётга татбиқ қилиши керак;
 - Оиладаги зўравонлик – жиноят эканлигини жамиятга англатиш мақсадида махсус медиа (оммавий ахборот) ва маърифий компаниялар ўтказиш зарур. Оилада зўравонлик содир этиш мумкин эмаслигини жамият азолари онгига сингдириш учун махсус маърифий чора-тадбирлар ўтказиш даври етилган;
 - Аёллар ҳуқуқий савияси, билимини ошириш ва лозим бўлганда ўз ҳуқуқларини талаб қила билишларини ўргатиш учун ҳуқуқий-маърифий дастурлар асосида ўқитишлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир;
 - Янги касб-малакаларига ўргатиш, ишга жойлаштириш мақсадида дастурлар яратиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш пайти келган;
 - Зўравонликдан жабрланган аёлларга ёрдам кўрсатадиган ташкилотларни қўллаб-қувватлаш муҳимдир;
 - Зўравонликдан жабрланган аёлларга руҳий, тиббий, ҳуқуқий ёрдам берадиган инқироз марказлари, паноҳгоҳлар ташкил қилиш заруратга айланган;
 - Кичик шаҳарлар, туман марказлари, қишлоқ хўжаликларида жабрланган аёлларга тиббий, руҳий ҳуқуқий маслаҳатлар берадиган махсус (маслаҳатхоналар) очиш керак;
 - Давлат сиёсатида мувофиқ, оиладаги зўравонликларни енгиш муаммоларига йўналтирилган янги қонунлар яратишда, шу муаммолар билан шуғулланадиган жамоат ташкилотларини жалб қилиш ва уларга ҳар томонлама (техник ва молиявий) ёрдам бериш лозим;
 - Жамият азоларини кенг қўламли маърифий дастур асосида оиладаги зўравонлик муаммолари билан таништириш, муаммони оммавий ахборот воситаларида ёритишларида қатнашиш мақсадга мувофиқдир;

- Оиладаги зўравонлик муаммоси бўйича, доимий чуқур ижтимоий (социологик) тадқиқотлар ўтказиб бориш зарур;
- Оилада зўравонлик содир этган эркаклар, жабрланган аёл, уларнинг фарзандлари ва бошқа аъзоларини махсус маърифий дастур асосида руҳиятини даволаш, психотерапевтлар маслаҳатларини ташкил қилиш лозим. Чунки оилада зўравонликни бартараф этмасдан туриб, аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириб бўлмайди.

Юқоридаги фикрлардан қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

Аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга тўсқинлик қилувчи айрим эскирган миллий урф-одат ва камчиликлар мавжуд. Масалан, оилада қизларга юклатилган меҳнат, эрта никоҳлилик, полигамия, уларнинг касб танлаши, таълим олиши, ишда юқори поғоналарга кўтарилишига рухсат бермаслик, ўзининг меҳнати эвазига топган маблағини ўзи тасарруф этишга имконият йўқлигини қайд этиш зарур.

Бундай стереотиплар оиладаги зўравонликни юзага келтиради. Оиладаги зўравонлик дунё бўйича кенг илдиз отган иллат ҳисобланади. Бу зўравонликни озиқлантирувчи илдизлар эркак ва аёл феъл-атворида сингдирилган, конунлаштирилиб қўйилган. Бундай ҳулқ-атвор асосида аввало диний-анъанавий тарбия ётади.

Эркак зўравонлик содир этишни ўз муаммосининг ечимини топишдаги бирдан-бир йўл деб қабул қилади. Одатда, ўғил болалар қаттиққўл, бир сўзли, ҳаттоки жаҳлдор ва тажовузкор, қизлар эса, аксинча, мулойим, гап қайтармайдиган, индамас, сабр-тоқатли, ҳар қандай шароитга мослаша оладиган тарзда тарбияланадилар. Аҳолида ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш, гендер тенглигига эришишга ҳаракат қилиш оилада юзага келадиган ҳар қандай низо, ихтилоф ва муаммоларни тинч йўл билан бартараф қилишга имконият яратади. Фарзандларни эса оилавий ҳаёт учун зарар келтирадиган салбий анъаналарга ўргатмай, бевосита гендер тенглигига асосланиб тарбия бериш ўринлидир.

Хотима

Аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги масаласи бугунги кунда инсон муаммоси даражасига кўтарилди. Эндиликда халқаро майдонда жинслар ўртасидаги муносабат маданиятини юксалтирмасдан, аёлларнинг тенглигига эришиш мумкин эмас, деган янги ғоя илгари сурилди.

Умумэътироф этилган ҳамда Ўзбекистон ҳам ратификация қилган халқаро ҳужжатлар хотин - қизларга нисбатан фақат жинсий белгиси асосида қўлланувчи истисно ва чеклашларнинг ҳар хил кўринишларини жамлаб, аёлларнинг оилавий ҳолатидан қатъи назар, барча соҳаларда: сиёсатда, иқтисодда, ижтимоий ҳаётда, маданиятда, фуқароликда хотин - қизларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлашга чақиради. Оилавий ҳаёт масалаларида эркак ва аёллар учун бир хил ҳуқуқ ва бурчларни ўрнатишга даъват этади. Соғлиқни сақлаш, оилани режалаштиришда эркак ва аёлларга тенг фуқаролик ҳуқуқларини бериш масалаларини ўзида ифодалайди. Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда, таълим олишда ва иш билан бандликда, меҳнат ҳақида аёлларнинг ҳуқуқларини бериш масаласини ўзида ифодалайди. Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда, таълим олишда ва иш билан бандликда, меҳнати ҳақида ёш аёлларнинг ҳуқуқларини камситувчи ҳолларни тугатишни ҳамда хотин - қизларни турмушга чиққанида ва она бўлган пайтида иш билан таъминлаш кафолатини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида шаклланган сиёсат ва иқтисодга оид соҳаларини тартибга солувчи қонунчилиги, яратилган ҳуқуқий ва ташкилий механизмлар жамиятнинг барча соҳаларида тенг гендер имкониятларини таъминлаш сиёсатини танлаганлигидан далолат беради, яъни Ўзбекистон Республикаси қонунлари хотин - қизларни эркаклар билан тенг шартларда: меҳнат қилиш ҳуқуқи, ишга ёлланишда бир хил имкониятларга эга бўлиш; эркин касб танлаш; таълим олиш; пенсияга чиққан, ишсиз қолган, касал ёки ногирон бўлган пайтда, ижтимоий

таъминланиш, соғлиқни сақлаш ва хавфсиз меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқлари билан таъминлайди.

Аҳолида ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш, гендер тенглигига эришишга ҳаракат қилиш оилада юзага келадиган ҳар қандай низо, ихтилоф ва муаммоларни тинч йўл билан бартараф қилишга имконият яратади. Фарзандларга эса одатларга таянган гендер вазифаларини бажаришни уқтирмай, оилавий ҳаёт учун зарар келтирадиган салбий анъаналарга эмас, балки уларга бевосита гендер тенглигига асосланиб тарбия бериш ўринлидир.

Мундарижа

Муқаддима

*Биринчи боб. Гендер муносабатлари умуминсоний
маданиятлар тизимида*

Гендер тенглиги ғоясининг вужудга келишидаги
ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар

Гендер назариясининг моҳияти ва илмий
таҳлили

*Иккинчи боб. Ҳуқуқий маданият ва унинг ижтимоий-фалсафий
моҳияти*

Ҳуқуқий маданият ва унинг моҳияти

Аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг
ўзига хос хусусиятлари

*Учинчи боб. Аёллар ҳуқуқий маданиятини
такомиллаштириш – давр талаби*

Ўзбекистонда аёлларнинг гендер тенглигини
таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий ва
ҳуқуқий асослари

Аёллар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришнинг
асосий йўналишлари

Хотима